ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Қ.Н.Абирқулов

# «Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти» фанидан маърузалар тўплами.

Тошкент-2005.

Ушбу муаммоли маърузалар тўплами амалдаги дастурлар асосида тайёрланиб, 5340100-иқтисодиёт таълим йўналишларида таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Унда замонавий педтехнология тизимига суянган ҳолда ўқитувчи ва идентив ўқув мақсадлари, мавзу бўйича кўриб чиқилиши зарур муаммолар, назорат саволлари, талабалар мустақил бажариши зарур бўлган топшириқлар келтирилган.

Маърузалар тўпламида табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари, жамият тараққиёт босқичлари асосида ўзига хос кенг ёритилган. Ҳар бир мавзу охирида фанда ечимини кутаётган илмий муаммолар рўйхати келтирилган.


Маъсул мухаррир: Геог.фан.док., проф. Солиев А.А.

Тақризчи: Геог.фан.док., Жумаев Т.

Университет

# М У Н Д А Р И Ж А

Кириш
1 Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ТФИ) фанининг тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва вазифалари
2 ТФИ: тушунча ва атамалар.
3. Мавзу:Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик ва иқтисодий асослари.
4. Мавзу:Табиат-хўжалик-аҳоли тизими.
5. Мавзу:Табиатдан фойдаланиш тамойиллари, устивор йўналишлари ва уни оптималлаштириш
6. Мавзу:Табиат ва табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳосини аниқлаш
7. Мавзу:Ерни иқтисодий баҳолашнинг умумий тамойиллари ва услибиёти
8. Мавзу: Ер кадастри ва тупроқ бонитировкаси.
9. Мавзу: Сув ресурсларини баҳолаш.
10.Мавзу:Табиатдан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари.
11.Мавзу: Урбанизация ва унинг ўзига хос жиҳатлари (6-соат).
12.Мавзу:Табиатдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий жиҳатлари
13.Мавзу: Табиатдан нотўғри фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш
14.Мавзу:Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари ривожланишининг иқтисодий-экологик стратегияси.
15.Мавзу: Табиатдан фойдаланиш концепцияси ва Иқтисодий экологик барқарор ривожланиш
16. Мавзу: Бозор иқтисодиёти ва табиатдан фойдаланиш.
17.Мавзу:Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг объектлари ва субъектлари.
18.Мавзу:Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойиллари
19.Мавзу: Табиатдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий ҳудудий бирлиги
20.Мавзу: Илмий-техника жараёни ва табиатдан оқилона фойдаланиш
21.Мавзу:Табиатдан фойдаланишдаги халқаро ҳамкорлик.

## Кириш

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида, яъни табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашганлиги табиат ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан самарали фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини яратишда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳолининг соғломлиги, атроф муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланишнинг ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир.

Табиатда юз бераётган ижобий ва салбий ўзгаришларни турли соҳаларда ўрганилади, лекин улар орасида иқтисодий жиҳатдан ўрганиш жиддий аҳамият касб этади. Чунки, иқтисодий нуқтаи назардан ўрганиш натижалари аниқ, миқдорий кўрсаткичлар асосиад инсоннинг хўжалик фаолиятига баҳо беради. Атроф муҳитда содир бўлаётган антропоген ўзгаришларни турли ҳисоб-китоб йўллари билан таълил қилиш натижасида ишлаб чиқаришнинг нақадар рентабеллиги, даромад миқдори аниқланади, шунингдек табиий муҳит бузилиши ва ифлосланиши натижасида корхонанинг ҳаво, сув, тупроқ, умуман ландшафтлар, аҳоли соғлигига етказаётган зарарининг ҳажми тўғрисида маълумотга эга бўлинади. Аслида инсон хўжалик фаолиятининг оқибатларини иқтисодий таҳлил қилиш натижалари корхоналарнинг қанчалик рентабел ишлаётганининг мезони бўлиши керак. Корхона кўплаб юқори сифатли тайёр маҳсулот бераётган бўлиши мумкин, бу керак, чунки корхона эгаларига мўмай даромад келтиради. Лекин атроф-муҳитга етказаётган зарарли оқибатларнинг ҳисоб-китоб йўли билан сўм ҳисобида аниқланган маълумотларини олинаётган даромад билан солиштириш натижасида ишлаб чиқариш корхоналарининг қанча самара билан ишлаётгани тўғрисида мажмуали хулоса чиқарса бўлади.

Табиат бойликларидан фойдаланишни оптималлаштириш, улардан илмий асосда фойдаланишни такомиллаштириш борасида кенг қамровда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Натижада қатор илмий йўналишлар, фан соҳалари пайдо бўлмоқда. Табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳамда унинг зарарларини бартараф этишга қаратилган мақсадли усулларни излаш ва асослаш муаммоларини ҳал қилишда **табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фани** муҳим ўрин эгаллайди.

**Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ТФИ)**-нисбатан ёш фан бўлиб, унинг амалий аҳамияти барқарор экологик-иқтисодий ривожланиш инсонларнинг ҳаёт муҳитини сақлашдан иборатдир. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар яратиш, табиатдан фойдаланишни молиялаштириш, режалаштириш, бошқарувнинг қонуний меёрий асосларини такомиллаштиришнинг янги тадқиқот йўналишлари муаммоси ечими ҳам ушбу фан зиммасидадир. ТФИ фани иқтисодчи мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юртлари талабаларининг ушбу соҳадаги билимларини бойитишда асосий манба ҳисобланади.

## I. Мавзу: Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ТФИ) фанининг тадқиқот объекти, предмети, мақсади ва вазифалари (2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.ТФИ фанининг ўқитилишининг асосий моҳияти.
2. ТФИ фанининг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Табиатдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1. Табиат ва жамият орасидаги вазиятлар.
2. ТФИ фанининг ўқитилишининг асосий моҳияти.
3. ТФИ фанининг шаклланиши жараёни.
4. ТФИ фанинг бошқа фанлар билан алоқаси.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Табиат ва жамият орасидаги ўзаро алоқадорлик моҳиятини изоҳлаб бериш;
-Табиатни муҳофаза қилиш билан табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти моҳиятларини тушунтириб бериш;
-ТФИ фанининг ўқитилишининг асоисий моҳиятини ёритиб бериш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиат ва жамиятда юз бераётган ўзгаришлар.
-Табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш.
-Табиатдан фойдаланишдаги муаммоларни ҳал қилишда ТФИ фанининг ўрни.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Табиат ва жамият алоқадорлигини изоҳлайди;
-Табиат ва жамият олдидаги муаммоларни тушунтиради;
-ТФИ моҳиятини таърифлайди.

**1-асосий савол баёни.**

Табиат ва жамият ўзининг тараққиёт босқичларига эга. Табиат босқичлари-катархей, архей, протеразой, палеазой, мезазой ва кайназой. Бу босқичлар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Жамият босқичлари-ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодалистик, капиталистик ва социалистик (бу босқич барбод бўлди).

Бизга маълумки иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши қуйидагиларга боғлиқ: аҳолининг соғломлиги, атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан фойдаланишнинг ҳолати. Америкалик географлар космик расмларни ўрганиб, қуруқликнинг 48 млн.км.кв. (ёки унинг деярли учдан бир қисми) ерида инсон хўжалик фаолияти таъсирининг ҳеч қандай асари йўқ деган хулосага келдилар. Бу кўрсаткич, Шимолий Америка ҳудудида-38%, МДҲ-34%, Хорижий Осиёда-14%, Хорижий Европада-3%. Чўллашиш жараёни соатига 7 км тезлик билан рўй бермоқда, яъни йилига 6,9 млн.гектар ер чўлга айланяпти. Чўл ва чала чўл ўлкаларда ҳар йили 20 млн гектардан ортиқ ер ҳолати кескин ўзгаряпти; Ҳар дақиқада тропик ўрмонлардан 14-15 гектари қирқилиб бормоқда ва ҳоказо.

«Табиатдан фойдаланиш» деганда табиий ресурс салоҳиятини эксплуатация қилишнинг барча шакллари ҳамда уни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар мажмуаси тушинилади. Шунингдек, қайта тикланадиган ресурсларни мунтазам тиклаб бориш, миқдорини кўпайтириш, айрим ҳудудларни фойдаланишдан чиқариб, алоҳида муҳофаза қилинадиган объектлар қўриқхоналарга айлантириш кабиларни ҳам шу маънода тушунмоқ керак. Табиатни мақсадга мувофиқ ҳолда ўзгартириш, табиат биологик тизимларининг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида режали ва илмий жиҳатдан асосланган негизда уни барқарор равишда ўзгартириш демакдир.

Фан ва техникатараққиёти асосида табиатдан бойликларни олиш миқёси тобора ортиб бораётган ва инсоннинг хўжалик фаолияти жадаллашаётган ҳозирги пайтда иккала турдаги фаолият: **табиатдан фойдаланиш (ТФ) ва уни муҳофаза қилиш (МҚ)** бир-биридан ажратилмаган ҳолда амалга оширилиши лозим. ТФ-ни ҳар бир тури табиатни муҳофаза қилишнинг унга мос келувчи тадбири билан биргаликда олиб борилган тақдирда табиий муҳит ҳолатини мунтазам тиклаб бориш, атроф муҳит ифлосланишининг олдини олишга имкон беради. Бизнингча, **ТФ, МҚ, Қайта тиклаш, Уни яхшилаш тадбирлари**, диалектик жиҳатдан ажралмас ва бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган катта самарага эришилади, Бу жараённи **«Табиатдан оқилона фойдаланиш»** атамаси билан ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Йиллар мобайнида табиатдан оқилона фойдаланишга амалий муаммо сифатида қараб келинди. Аммо Табиатдан фойдаланишнинг амалий вазифалари махсус, кенг қамровли ва теран тадқиқотлар талаб қилаётган ҳозирги шароитларда шундай тадқиқотлар билан шуғилланадиган, табиатдан оқилона фойдаланишнинг назарий асосларини ишлаб чиқадиган **«Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти»** фани шаклланди. **Ушбу фан табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро таъсирнатижаларини очиб беради, таҳлил қилади ва баҳолайди, табиатнинг ресурсларидан фойдаланиш ҳамда табиий муҳитни ҳимоя қилишнинг назарий тамойилларини ишлаб чиқади.** Фан кўриб чиқадиган масалалар қаторида ижтимоий ва иқтисодий масалалар асосий ўринни эгаллайди. ТФИ, табиатга ундан фойдаланишнинг ҳар қандай вазифалари ечилишида комплекс (мажмуали) ва тизимли (системали) ёндашувни таъминлайди. Бундай ёндашув тадбирлардан ҳар бирини **«инсон-ишлаб чиқариш-табиат»** умумий тизимидаги таркибий қисм сифатида қарашни тақозо этади. Табиат, табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш бўйича тадбирларни бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ва ишлаб сиқориш билан алоқасиз қараш мумкин эмас. Бу унсурлар бир бири билан боғлиқ бўлган ягона жараённинг таркибий қисмларини ташкил этади. Табиатдан фойдаланиш муаммосининг мажмуалилиги, шунингдек техникавий тадбирларни ташкилий иқтисодий тадбирлар билан бирга бўлиши ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бир пайтда қўлланилишини билдиради.

**Назорат топшириқлари:**

1.Табиат ва жамият орасидаги ўзаро кескинликни тушунтириб беринг.
2.Табиатни муҳофаза қилишни изоҳлаб беринг.
3. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанининг моҳиятини очиб беринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-фан объекти ва предметини тушунтириш;
-фан мақсади ва вазифаларини баён қилиш;
-фаннинг бошқа фанлар билан алоқасиниизоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

1. Фан объекти ва предмети ҳозирги даврда;
2. Фан мақсади ва вазифалари ижтимоий-иқтисодий жараёнда;
3. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Фан обекти ва предметини ёритиб беради;
-фан мақсади ва вазифаларини изоҳлайди;
-фаннинг бошқа фанлар билан алоқасини таърифлайди.

**2-асосий савол баёни.**

**ТФИ фанинг тадқиқот обекти табиий ресурслар билан жамият ҳаёти ва унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўртасида ўзаро алоқадорликдир. Ушбу алоқаларни оптималлаштириш, инсон ҳаёт фаолияти муҳитини сақлаш ва тиклашга интилиш фан предметини ташкил этади.**

Ҳақиқатдан ҳам –ТФИ-табиатдаги модда алмашинувининг барқарор, тадрижий мувозанатини таъминлаш шароитида табиатга зарарли таъсирнинг олдини олиш ва камайтиришнинг йўллари ва усулларини ўрганади. Масалан:1.Ер бағридан дунё бўйича минерал хом ашё қазиб олиш 1900 йил-12 млрд .т, 1950-60, 2000-390-400 ва ҳоказо; 2. Минерал ёқилғининг жаҳондаги умумий геологик захираси-12,5 триллион.т.шартли ёқилғидан иборат. Шартли ёқилғи деганда-иссиқлик бериш қуввати 7000 к кал кг га тенг деб қабул қилинган ёқилғи-масалан қўғир кўмир 5-6 га тенг. 3.Жаҳонда кўмирни умумий геологик захираси-14800 млрд т, нефть-400 млрд т, табиий газ-320 трлион м куб, темир рудаси-400 млрд т, 4. Жаҳондаги ер фонди-13,4 млрд гектар, ишлов бериладиган ерлар-11%(1450 млн гектар); Чучук сув-гидросферани-2,5% ташкил қилади ва ҳоказо.

**ТФИнинг фан сифатидаги асосий мақсади табиий муҳитга ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳолининг ҳаётий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида мажмуали таъсир кўрсатишдан иборатдир.**

Табиатдан фойдаланиш кўп томонлама масала бўлиб, хилма-хил мақсадларни кўзда тутади. Иқтисодий мақсад-инсон ўзига керакли барча нарсани табиатдан олади. Аҳоли сони ортиб борган сари бу нарсалар миқдори ортиб боради. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда –табиат хом ашёси ҳар 12-14 йилда икки баравардан ортиб боради; 2.Соғликни сақлаш ва гигиеник мақсад ишлаб чиқариш. Транспорт ривожланмаган бир даврда табиат мусаффо бўлган, ҳозир акси-бу инсон организмига салбий таъсир

қилади; 3. Тарбиявий мақсад-табиат инсонни тарбиялайди, мусаффо жойда инсон асабийлашмайди, унга нисбатан муҳаббат уйғонади; 4. Эстетик мақсад-табиат инсонга гўзаллик инъом этади, завқ беради.5. Илмий тадқиқот мақсади-табиат қонунлари ўрганилади.

Умуман олганда ТМҚ ва ТФ чамбарчас алоқада.1273 йили Англия қироли Эдуард 1 элон қилган эдикт (қонун)ни табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги биринчи қонун деб ҳисоблаш мумкин. Бу қонунда Лондонда турар жойларда тошкўмирдан фойдаланиш ман этилган эди.

**ТФИ асосий вазифалари жамиятнинг табиий ресурсларга бўлган ва узлуксиз ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, табиий ресурсларни қайта тиклаш, табиий муҳитнинг маҳсулдорлигини ошириш учун шароит яратиш, тикланмайдиган табиий ресурслардан тежамкорона, оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни ифлосланишдан сақлаш, табиатни мақсадли ўзгартиришкабилар ҳисобланади.**

ТФИ табиий ресурсларни уларнинг мураккаб ўзаро алоқадаги инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариш қонуниятларини, инсон учун бу ўзгаришнинг аҳамиятини аниқлайди, табиий ресурслардан фойдаланишни асослайди, улардан кишиларнинг ҳозирги ва келгуси авлодлари учун зарур бўлган миқдор ва сифат хусусиятларини сақлаш ва тиклаш усулларини ишлаб чиқоди. ТФИ, шунингдек, нафақат табиий муҳитнинг сифат ҳиҳатдан ёмонлашиб, миқдор жиҳатдан қашшоқлашиб боришининг олдини олишни эмас, балки уни мақсадли равишда узлуксиз яхшилашни таъминлаш ҳам лозим. ТФИнинг илмий йўналиши табиий ресурслардан фойдаланиш, уларни тиклаш, муҳофаза қилиш, инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришҳ учун табиий муҳитни ифлосланиш ва бузилишдан сақлаш, табиатни ўзгартиришга қаратилган тадбирлар мажмуасидан иборатдир. ТФИ кишилик жамияти ва табиий муҳит ўртасидаги ўзаро таъсирни оптималлаштиришни таъминлайдиган тадбирлар мажмуасидир.

ТФИнинг умумий назариясини ишлаб чиқиш фанлараро вазифа бўлиб, унинг ечимида кўпгина фанлар қатнашмоқда. Аммо бу фанлар орасида табиатдан фойдаланишни илмий асосдаташкил этишга мажмуали ёндашадиган география ва иқтисодиёт фанлари тармоқлари алоҳида мавқега эга. Зеро, бу фанлар табиатдан фойдалани масалаларини ўрганиш ва бу масалалар бўйича амалий тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда катта имкониятларга эгадир. Шу сабабли «Табиат-аҳоли-хўжалик» ягона учликни ўрганадиган география ва иқтисодиёт фанлари табиатдан фойдаланиш иқтисодиётининг мухим муаммолари бўйича фанлар тадқиқотларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки, ТФИнинг география фанлари тизимидаги асосий вазифаси табиатдан фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этишни табиий, географик ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан атрофлича ўрганиш бўлса, эҳтиёжларнинг чексизлиги билан ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги номутаносиблик иқтисодиётнинг азалий муаммосидир.

**Назорат топшириқлари:**

1. ТФИ фанининг объекти ва предметини изоҳлаб беринг.
2. Фаннинг мақсади ва вазифаларини ёритиб беринг.

3. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқасини мисоллар орқали сўзлаб беринг.

**Илмий муаммолар.**

1. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиётининг иқтисодий ўсишдаги ўрни.
2. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда ТФИ.
3. Табиат ва жамият орасидаги барқарорликка эришишда ТФИ ҳиссаси.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Мамлакат ва минтақалар доирасида иқтисодий ўсишга эришишда, табиат ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш бевосита ва билвосита роль ўйнайди. Бундай самарадорликка эришишда табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фани ўзига хос ўрин эгаллайди. Фаннинг тадқиқотлари ва йўналишларини ижтимоий ишлаб чиқаришга йўналтириш давр талабидир.

**Мустақил таълим материаллари.**

1. Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари, Урганч, 1999.
2. Экономика и экология (под ред Н.Н.Агапова), М.Российская экономическая академия, 2000.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.
2.Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари. Урганч, 1999.
3.Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.
4.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

## II.Мавзу: ТФИ: тушунча ва атамалар (4-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Муҳитнинг илмий тушунчалари.
2.Табиий ресурс салоҳияти ва табиий ресурслар клацификацияси.
3. Ўзбекистон табиий ресурслар салоҳияти.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Табиат, географик муҳит, ландшафт, табиий ресурслар, тугайдиган ресурслар, тугамайдиган ресурслар, тикланадиган ресурслар, тикланмайдиган ресурслар, ресурслар салоҳияти, ресурс билан таъминланганлик.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.ТФИ фанида учрайдиган асосий тушунча ва атамалар моҳияти.
2.Табиий ресурсларни иқтисодиётда тутган ўрни ва роли.
3.Ўзбекистон табиий ресурслар салоҳити муаммоси.

**1-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Муҳит тўғрисида тушунча ҳосил қилиш.
-Муҳитнинг илмий тушунчаларини изоҳлаб бериш.
-Географик муҳитнинг ишлаб чиқаришдаги ўрнини тушунтириб бериш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-географик муҳит ва жамият ҳаёти.

-ишлаб чиқаришнинг жамият ҳаётида тутган ўрни.
-Табиат ва географик муҳит ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли томонлар.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Табиий муҳит мазмунини ёритади.
-географик муҳит хусусиятини таърифлайди.
-Географик муҳит ва жамият ҳаёти боғлиқлиги изоҳлайди.
-табиий муҳит ва ишлаб чиқариш алоқадорлигини ёритади.

**1-савол баёни.**

Инсон ҳаёт фаолият кечадиган ёки жамият билан табиат ўртасидаги алоқалар рўй берадиган макон-муҳит турлича ифодаланади. Чунончи, «табиат», «Табиий муҳит», «географик муҳит», «ландшафт қобиғи», «географик қобиғ», «географик система (тизим)» ва бошқалар мавжуд. Аслида бу тушунчалар мазмуни бир хилдек кўринса ҳам, улар бир-биридан фарқланади.

Табиат тушунчаси умумий илмий ва фалсафий тушунча бўлиб, бутун борлиқ коинотни ўз ичига олади. Торроқ маънода олганда эса барча табиий фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Албатта, бундай кенг маънодаги табиатдан инсон фойдаланиш мумкин эмас «Табиий муҳит» тушунчаси эса табииа ва жамият бевосита алоқада бўлган қисмини ифодалайди. Инсоннинг фан ва техника имкониятлари ошиб борган сари табиий муҳит ҳар томонлама кенгайиб боради, ҳозирги вақтда эса табиий муҳит чегараси Еримиздан ташқарига чиқиб боряпти.

«Географик муҳит» тушунчаси ЕР (гео) билан боғлиқ тушунча бўлиб, ернинг юза қисми билан унинг яқин атрофини ўз ичига олади. яъни географик муҳит деб ер табиатининг кишилик жамияти тарихий тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзининг ҳаёти ва ишлаб-чиқариш фаолияти билан бевосита таъсир кўрсатиб турадиган қисмига айтилади. Географик муҳитнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятига баҳо беришда икки хил хатога йўл қўйиш мумкин: унинг таъсирига ортиқча баҳо бериб юбориш ва етарли баҳо бермаслик. Бу ҳар иккала хил хато илм ва амалиётда асрлар давомида кенг тарқалди ва кўп салбий оқибатларга олиб келди. «Географик қобиғ» билан «ландшафт қобиғи» тушунчалари бир-бирига жуда яқин. Географик қобиққа ер пўсти (литосфера)нинг юза қисми, бутун гидросфера ва биосфера ҳамда атмосферанинг қуйи тропосфера қисми киради ва улар ўзаро бир-бири билан қўшилиб таъсир этиб туради.

«Иқтисод» эса инсон яратган барча неъматларни, табиатдаги барча бойликлар, инсоннинг меҳнатини тежаб тергаб ишлатишдир. Иқтисодиёт инсон фаолиятининг асосий жиҳати, жамият ҳаётининг пойдеворидир. Иқтисодиётнинг қай тарзда ривожланиши билан табиий шароит ва табиий ресурслар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Кейинги вақтларда фан доирасида янги тушунчалар пайдо бўлмоқда:

Мустақил табиий муҳит-(ёввойи табиат)-инсон билан бевосита муносабатда бўлмаган, мустақил мавжуд табиий муҳит;

Квазитабиий муҳит-(иккинчи табиат)-инсон томонидан ўзгартирилган (маданий) табиий ландшафтлар. Табиий муҳитнинг бу қисми ўз-ўзини бошқариш ва ривожлантириш хусусиятига эга эмас;

Артетабиий муҳит-(учинчи табиат)-инсонни ўраб турган сунъий муҳит бўлиб, у техник (бинолар, иншоатлар ва бошқалар) ва табиий компонентлар (ҳаво, табиий ёруғлик ва бошқалар) дан ташкил топган. Табиий муҳитнинг бу қисми сунъий равишда қўллаб-қувватланмаса ҳалокатга маҳкум бўлади;

Энвайроментология-атроф муҳит тўғрисидаги мажмуали фан;

Эхоцентристлар-жамиятни ривожлантириш мақсадлари табиатни концервациялаш сифатида намоён бўлишини қўлловчи оқим тарафдорлари;

Техноцетризм-инсон онгининг қудратига ишониш, илмий рационализм негизида, асосида шаклланадиган таълимон;

Алармистик йўналиш-экологик таназзулнинг ижтимоий асосларини ҳис этиш ва «экологик маданиятни» яратишга уриниш ва ҳоказолар.

**Назорат топшириқлари:**

-Табиат атамасини изоҳлаб беринг.

-Географик муҳит тушунчасини гапириб беринг.

-Географик муҳит ва жамият ҳаётини алоқадорлигини изоҳлаб беринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Табиий ресурс салоҳиятини изоҳлаб бериш.

-Табиий ресурсларни мазмунини ёритиб бериш.

-Табиий ресурсларни клацификациялаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Жамият ҳаётида табиий ресурслар ўрни.

-Табиий ресурслар ва жамият ҳаёти.

-Табиий ресурслар клацификацияси ва ишлаб чиқариш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Табиий ресурслар моҳиятини изоҳлайди.

-Табиий ресурслар ва жамият ҳаёти алоқадорлигини гапириб беради.

-Табиий ресурслар клацификацияси моҳиятини очиб беради.

**2-савол баёни.**

Кишиларнинг ҳаёт фаолиятига таъсир этадиган, аммо моддий ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган табиий муҳитнинг барча эълиментлари табиий шароит деб аталади. Табиатда хўжаликда фойдаланиладиган, инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган барча элементлари, энергия бойликлари, табиий ресурслардир. Бироқ, улар ўртасидаги аниқ чегарани баъзан англаш мушкулга ўхшайди. Масалан, иқлимтабиий шароит элементи, бироқ унинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги хусусияти жиҳатидан агроиқлим ресурси сифатида фойдаланилади ёки ўсимлик ўрмон ресурси сифатида яшаш воситаси бўлиши мумкин.

**Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашуви ҳам айнан, табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами ва жадаллигида намоён бўлади. Бу муносабатни қуйидагича тафсифлаш мумкин:**




Инсоннинг табиатга таъсири географик қобиқда рўй берар экан, демак жамият ўзига керакли ҳамма ресурсларни шу географик қобиқдан олади. Шу билан бирга уни муҳофаза қилади, фаол таъсир кўрсатиб, ландшафт (табиат)ни қисман ўзгартиради. Бошқача айтганда, табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг кескинлашуви ҳам айнан, табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами ва жадаллигида намоён бўлади. Таббий ресурсларни ишга солиниши ва қайта ишланиши туфайли ҳам табиатдан фойдаланиш иқтисодиётининг асосий объекти, жамият мавжудлигининг бош манбаи ҳисобланади. Таббий ресурсларни таснифлаш улардан оқилона фойдаланиш иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга (1-жадвал):

Табиий ресурслар таснифи (1-жадвал)

| Табиий ресурслар | | |
|---|---|---|
| Тугайдиган ресурслар | | Тугамайдиган ресурслар |
| Тикланадиган: Тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот, баъзи минерал ресурслар(денгиз тубидан олинадиган тузлар) | Тикланмайдиган: Барча ер ости фойдали қазилмалари (нефть, газ, кўмир ва ҳ.к.) | Ҳаво, сув, энергия (қуёш, шамол, ядро, геотермал тўлқин энергиялари) |

Табиатдан фойдаланишда ресурслар билан таъминланганлик алоҳида роль ўйнайди. Ресурслар билан таъминланганлик деганда-табиат ресурслари миқдори билан улардан фойдаланиш миқдори ўртасидаги нисбат тушинилади. У мазкур ресурс етадиган йиллар сони билан ёки ресурсларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори билан ифодаланади.

Тугамайдиган ресурсларнинг сифат жиҳатдан, тугайдиганларининг миқдор жиҳатдан ўзгариши экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши муқаррар. Шу боис, улардан оқилона фойдаланиш муҳимдир. Бундан ташқари фойдаланишнинг техник имкониятлари даражасида реал ва потенциал; иқтисодий мақсад жиҳатидан алмаштирса бўладиган ва алмаштириб бўлмайдиган; кўлам жиҳатдан миллий ва халқаро аҳамиятга молик ресурс турлари ажратилади.

Қулай табиий шароит ва табиий ресурслар билан яхши таъминланганлик ҳамда улардан оқилона фойдаланишнинг йўлга қўйилиши мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, халқаро географик меҳнат тақсимотида мамлакат нуфузини оширади. Масалан, жаҳон бозорида ўзининг пахта толаси, ғалла, кофе, чой, банан каби маҳсулотлари билан фаол қатнашган давлатларнинг табиий шароити шу бозори чаққон экинлар ўстириш учун қулайлиги билан изоҳланади. Саудия Арабистон, Қувайт, Ироқ, Бруней каби давлатлар иқтисодиётининг асосини нефть қазиб чиқариш ташкил этиши сир эмас. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишининг ўзига хос миллий хусусиятлари, ичида унинг табиий ва меҳнат ресурсларига бойлиги, сахий ери ва меҳнатсевар халқи борлиги бежиз таъкидланмаган. «Ўзбекистон, ўз ер ости бойликлари билан ҳақли суратда фахрланади» (И.А.Каримов, 1997, 230-бет).

П.Л.Капици (1894-1984), Н.Н.Семёнов (1896-1986), В.А.Кирилин маълумотларича дунёнинг умумий геологик минерал захираси 12,5 триллион т. тенг (шартли ёқилғида). Ҳар бир ҳудуддаги бойлик шу ҳудуд иқтисодиётини белгилаб беради. Масалан, Қувайт, Ироқ, Саудия Арабистони, Бруней нефтга эга, шунга асосланган иқтисодиёти мавжуд.

**Назорат топшириқлари:**

-Табиий ресурс моҳиятини изоҳлаб беринг.

-Табиий ресурслар ва ижтимоий ишлаб чиқариш алоқадорлигини изоҳланг?

-Табиий ресурсларни клацификациялаб беринг.

**3-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Ўзбекистон табиий шароитини ўзига хос хусусиятларини тушунтириш.

-республика табиий ресурсларини аҳамиятини баён қилиш.

**3-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ўзбекистон табиий географик ўрни ва шароити.

-Табиий ресурсларни ҳосил бўлиш шароитлари.

-республика табиий ресурслари ва миллий иқтисодиёт.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Ўзбекистон табиий географик ўрни ва шароитини ёритади.

-республика табиий ресурсларини изоҳлайди.

-Табиий ресурларимизни миллий иқтисодиётимизда тутган ўрнини таърифлайди.

**3-асосий савол баёни.**

Дарҳақиқат, Ўзбекистон замини турли табиий минерал ресурсларга бой. Бу ҳол ҳududнинг геологик жиҳатдан узоқ ўтмишларда мураккаб ривожланиш жараёнларини бошдан кечирганлиги, илк бор тоғ ҳосил бўлиш ҳодисаларини, денгиз ҳавзаларининг вақти-вақти билан қуруқликка бостириб кирган, қобиқ нурашининг кучли тарзда рўй берган, вулқон ҳаракатлари, ер ости магматик жинсларни турли қатламларга кириб, қотиб қолиши ва бошқа геологик ҳодисалар натижалари билан боғлиқ.

Хориж экспертларининг маълумотича республика минерал хом ашё потенциали-3,3 триллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Ҳар йили 5,5-6 млард доллар миқдорида қазиб олинмоқда.

Умумий углеводородли хом-ашё захираси -қуйидагича баҳоланмоқда: газ-1828 млард куб метр(прогнози-2970). Конденцат-136 млн.т (прогноз-175), Нефть-103 млн.т(прогноз-435), кўмир-...(прогноз-3499 млн т ).

**Ҳар йили 7 млн.т. кўмир қазиб олинмоқда-10 млн.т етқазиш мўлжалланмоқда. 27 та олтин ва қўрғошин конларидан, 16 та олтин ва 3 та қўрғошин аниқланган, шундан 7 та олтин кони ҳозирда ишлатилмоқда. 1995 маълумотича дунёда 2226 т олтин қазиб олинмоқда: 1.ЖАР-525т, АҚШ-319, Австралия-253, МДҲ(Россия)-242 (150), Канада-149, Хитой-140, Ўзбекистон-80, Бразилия-72, Папуа-янги-Гвинея-55, Гана-52, Перу-46, Бошқа давлатлар-415 т.**

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда 2700 дан зиёд қазилма бойликлар конлари ва истиқболда очилиши мумкин бўлган янги конлар аниқланган. Ушбу конларда ер юзига яқин жойлашган хилма-хил минерал хом-ашёлар мавжуд. Уларнинг 60 хилидан иқтисодиётдан фойдаланилмоқда Ўзбекистоннинг умумий минерал хомашё салоҳияти 3,3 трлн. АҚШ долларида баҳоланмоқда, ҳар йили конлардан умумий қиймати 5,5 млд АҚШ долларига тенг бўлган турли қазилма бойликлар қазиб олинади.

Бир қатор муҳим фойдали қазилмалар, чунончи, олтин, уран, мис, табиий газ, калий тузлари, фосфоридлар, каолин бўйича Ўзбекистон захираларинингкўплиги  ва истиқболда фойдаланиш бўйича нафақат МДҲ мамлакатлари балки жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди. Масалан, олтин захиралари бўйича дунёда 4-чи ўринни, қазиб олиш бўйича эса 7-чи ўринни

эгаллайди, мис бўйича 10-11 ўринни, уран бўйича эса 7-8 ўринни эгаллайди (Каримов, 1997). Табиий газнинг умумий захираси қарийиб 2 трлн М куб, кўмирники 2 млрд т дан зиёдроқ. Мутахассисларнинг дастлабки баҳолаш натижаларига кўра мамлакат ҳудудининг тахминан 60% қисми нефть ва газ захиралари билан банд.

Ўзбекистон ҳудудида Фарғона, Сурхондарё, Жанубий-Ғарбий ҳисор, Бухоро, Хива ва устюрть нефть ва газли минтақа аниқланган. Ҳозирги вақтда энг кўп нефть ва табиий газ Бухоро-Хива нефть-газ районида Ўртабулоқ, Кўкдумалоқ, Шўртан, Тошли, Шўртепа, Зевар ва бошқа уларга яқин бўлган конлардан қазиб олинмоқда. Биргина қашқадарёдаги газ конлари бутун республикада қазиб олинаётган табиий газнинг 90% ини етказиб бермоқда. Кейинги вақтларда Устюрт платоси ва Орол денгизининг сувдан бўшаб қолган қисмида нефть ва газ конларини қидириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу ҳудудларда табиий газ ва нефть конлари очилиши мумкинлигига мутахассислар катта ишонч билан қарамоқдалар (ҳозиргача Шоҳпахта, Урга, Бердақ, Шибинли, Қизилқайир, Оқшулоқ, Қарашулоқ каби жойлардаги конлар истиқболга эга), дастлабки газ конлари ишга туширилган (ҳозирги кунда Урга газ конидан кунига 1,2 млн.метр куб газ олинмоқда, шунингдек ҳар куни 25 т газ конденсати қазиб олинмоқда).

Ўзбекистонда 20 дан ортиқ кўмир конлари ва кўмирли ҳавзалар аниқланган. Кўмирнинг саноат заҳиралари Ангрен, Шарғун, Бойсун конларида жойлашган. Бойсун (жами заҳираси тахминан 150 млн.т.) конида очиқ усулда тош кўмир қазиб олиш бошланган. Ғузор-Қумқўрғон темир йўлининг ишга туширилиши билан бу кондан кўплпб кўмир олиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон ноёб ва нодир металлар –олтин, кумуш, уран ва бошқалар қазиб олиш бўйича олдинги ўринларни эгаллайди. Олтиннинг умумий захираси 4 минг.т. дан кўп, республикада таркибида олтин ва кумуш мавжуд бўлган 30 дан ортиқ руда конлари топилган. Йирик олтин конлари Мурунтов, Маржонбулоқ, Қурама ва Чотқол тизма тоғларида топилган. Кумуш Қизилнура тармоқларида, Қизилқумда катта захираларга эга. Одатда олтин бошқа элементал билан бирга учрайди.

Рангли ва нодир металлар Мис, Қалайи, Қўрғошин, Вольфрам, Литий, Алюминий хомашёси (алунитлар, каолинлар) ва бошқалардан иборат. Мис рудаси Қурама тоғларида, Қалмоққир, Саричека, Қизота конларида, вольфрам, молибден, қалайи, висмут, симоб, сурьма Жанубий ва Ўрта Тяншандаги Қоратепа, Лангар, Қўйтош, Ингичка, Яхшон, Саргардон ва бошқа жойларда мавжуд, 20 та молибден кони аниқланган. Висмут рудаси, мишьяк-висмут, мис-висмут конлари Чотқол Қурама тоғларида (Бурсмулла, Ўргасарой) бор. Жанубий Фарғонада 100 дан ортиқ симоб ва 10 дан зиёд сурьма конлари мавжуд.

Қора металлар (темир, титан, марганец ва хром)нинг бир неча юз конлари мавжуд. Улкан титан марганецли кон Султон Увайс тоғларида (Тепабулоқ заҳираси 4 млрд.т), Нурота тоғларида марганецли чўкинди конлари Зарафшон-Зирабулоқ, Қоратепа, Лолабулоқ ва бошқа жойларда топилган.

Тоғ-химя саноати хомашёси бўлган фосфоритлар (Қизилқум), ош тузи ва бошқа тузларнинг захиралари Борсакелмас, Хўжаикон, Бойбичакон ва бошқа жойларда аниқланган. Қурилиш материалларининг 370 дан ортиқ кони борлиги ҳисобга олинган. Геология қидирув ишлари кенг миқёсда жадаллик билан давом эттирилмоқда, истиқболда янги конларни топилиш эҳтимоли катта.

**Назорат топшириқлари:**

-Ўзбекистон табиий географик ўрни ва шароитини изоҳлаб беринг.

-Республикамиз табиий ресурсларига таъриф беринг.

-Табиий ресурслар билан иқтисодиётни алоқадорлигини тушунтириб беринг.

**Илмий муаммолар.**

1.ТФИ фанида учрайдиган илмий тушунчалар, атамалар ва уларнинг хусусиятлари.

2.Табиий ресурслар ва уларнинг клацификацияси.

3.Ўзбекистон табиий шароити ва ресурслари.

4.Табиий ресурслар ва иқтисодиёт.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Жамият ҳаёти ва фаолиятида, ҳар бир минтақанинг фаолиятида табиий шароит ва ресурслар катта рол ўйнайди. Ушбу ресурслар асосида иқтисодиёт мустаҳкам базага эга бўлиб боради. Демак жамият яъни ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги табиатга, табиий шароитга ва унинг ресурсларига зич боғланган. Табиатнинг бирон-бир неъматисиз ҳеч бир ишлаб чиқаришни тасаввур қилиб бўлмайди.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Шилов И.А. Экология. М. Вис школа. 1998.

2.Шодиметов Ю Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.

3.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари. Урганч, 1999.

2.Ғуломов П Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.

3.Шилов И.А. Экология. М. Вис школа. 1998.

4.Шодиметов Ю Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.

5.Экономика и экология (под. ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.

## III.Мавзу.Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик ва иқтисодий асослари (2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар).**

1.Табиат қонунлари ва қонуниятлари.

2.Табиат мажмуаларини табақалашуви.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**

Табиат қонунлари (бир бутунлилик, хилма-хиллик, ўзаро боғлиқлик, модда ва энергия алмашиниш, зоналлик, азоналлик, ритмлилик), табиат мажмуалари, ландшафт, урочишча, фация.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Табиат қонунлари ва жамият қонунлари алоқадорлиги.
2.Табиат мажмуалари ва уларнинг табақалашуви.
3. Табиатдан фойдаланишнинг географик ва иқтисодий асослари.

**1-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

1.Табиат қонунлари ва қонуниятлари моҳиятни тушунтириш.
2.Бир бутунлилик ва хилма-хиллик қонунларини кенгроқ тушунтириб бериш.
3. Табиат қонунларини ички хусусиятларини ёритиб бериш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табита қонунлари ва қонуниятлари.
-Табиат қонунларини ишлаб чиқаришга таъсири.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Табиат қонунларини изоҳлаб беради.
-Бир бутунлилик ва хилма-хиллик қонунларини изоҳлаб беради.
-Табиат қонунларини ўзаро алоқадорлигини тушунтириб беради.

**1-асосий савол баёни.**

Табиат бир бутун яхлит геотизимдан иборат бўлганлиги туфайли ундан фойдаланишда тизимли ёндашув татбиқ қилинишини тақозо этади. Бинобарин, бу жараёнда табиат ва унинг ресурсларидан мажмуали равишда омилкорлик билан фойдаланиш зарурлиги экологик ва иқтисодий жиҳатдан аввалдан асосланган. Лекин ушбу фойдаланиш жараёни негизида географик қонунлар ва қонуниятлар мавжудки, биз уларга етарли эътибор бермаймиз, натижада катта миқёсда зарарли оқибатлар ривожланишига асос яратамиз. Дарвоқе, табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг географик асослари мавжуд экан уларни билишимиз айни муддао.

Инсоннинг хўжалик фаолияти табиатда содир бўлар экан, у албатта табиат қонунларини ҳисобга олиши, қонуниятларга риоя қилиши лозим, акс ҳолда унинг ишлаб чиқариш фаолиятида иқтисодий самарадорлик, иш унуми, барқарор тараққиёт, маҳсулот сифатини яхшилаш ва бошқа соҳаларда жиддий ютуқларга эришишда олдинга силжиш бз бермайди, шунингдек, экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлар кўлами ортиб боради.

Табиатнинг туб қонунларидан бири мавжуд моддий тизим вауни ўраб турган атроф муҳитнинг **бир бутунлиги** ҳисобланади. Бу ҳолатни жамиятга нисбатан қўлланса, у ҳолда унинг географик муҳит билан бир бутунлик қонуни деб қараш мумкин. Табиатда одатда бир ҳодисанинг ўзгариши қўшни геотизимдаги худди шундай ҳодисанинг ўзгаришига таъсир этади, бунда улар орасидаги боғлиқлик қанча яқин бўлса, ўзаро таъсир ҳам шунча кучли бўлиши кузатилади. Шунинг учун табиатдан фойдаланишда бу қонунга риоя қилиш нақадар муҳим, **айниқса геопара, парагенетик тизимлар** (Оролбўйи ва Орол денгизи, Балхашбўйи ва балхаш кўли)да бу табиий ҳодиса жиддий кузатилада. Орол сатҳининг тез суратларда тушиб кетиши туфайли Оролбўйида содир бўлаётган антропоген чўллашиш ҳодисаси Амударё ва

Сирдарё дельталарида табиий муҳитнинг тиклаб бўлмайдиган даражада ўзгаришига олиб келмоқда. Табиий муҳитнинг тезкорлик билан тараққий этишида ландшафт (Геотизм) ларнинг хилма-хиллиги қонуни таъсири устиворлик қилади. Аниқланишича, ҳудудда табиий муҳит ва ресурсларнинг хилма-хиллиги қанча кўп бўлса, жамиятнинг ривожланиши учун ҳам қулай шароит вужудга келади. Аксинча, табиий шароит бир хил бўлиб, бойликлар бўлса, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши учун имкониятлар кам бўлади. Табиий муҳит хилма-хил бўлган ҳудудларда инсоннинг хўжалик фаолияти фаолроқ ёки кучли содир бўлиши туфайли геотизимларнинг ўзгариши ҳам тезлиги билан ажралиб туради. Бу жараёнда **моддий тизим ва атроф муҳит бирлиги қонуни ва ландшафтлар хилма-хиллиги қонуни бир-бирини тўлдиради ҳамда уларнинг бир вақтдаги ҳаракати юз бериши мумкин.** Бу ҳодиса ландшафтларнинг тузилмали динамик ҳолати мураккаб бўлган ҳудудларда табиий муҳитнинг тезкорлик билан ўзгариши натижасида ривожланади. У ҳудудда табиий-географик шароитнинг хилма-хиллиги ва шу муносабат билан табиий комплексларнинг бир-биридан кескин фарқ қилиши билан боғлиқ. Ушбу қонунларнинг таъсири натижасида катта ҳудудларда табиий(Экологик) шароитларнинг ўзгариши кузатилади.

**Табиий компонентларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлик, алоқа, ҳамжиҳатлик муносабатда бўлиш қонуни муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунда ташқи таъсир натижасида бирор компонентнинг ўзгариши бошқа компонентларга ҳам таъсир этади, бинобарин бу жараёнда геотизм ҳам маълум даражада ўзгаришга учрайди. Шу муносабат билан табиатдан фойдаланиш жараёнида бу қонунга амал қилмаслик хунук оқибатларга олиб келади. Булардан ташқари модда ва энергия айланиши, зоналлик, азоналлик, ландшафт қобиғидаги ритмик ҳамда даврий ҳодисаларни билмай, уларга амал қилмай туриб, табиатдан тўғри фойдаланиб бўлмайди.**

**Назорат топшириқлари:**

-Табиат қонунларини мазмунини ёритиб беринг.
-Табиат қонунларини турларини изоҳлаб беринг.
-Табиат қонунларини ишлаб чиқаришга таъсирини тушунтириб беринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Табиат мажмуаларини моҳиятини тушунтириш.
-ландшафт, урочишча, фация моҳиятини баён қилиш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Жамият ҳаётида табиат мажмуалари ўрни.
-Табиат мажмуаларини табақалашуви.
-Мажмуа элементларини алоқадорлиги.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Табиат мажмуалари моҳиятини ёритади.
-Табиат мажмуаларидан фойдаланишнинг географик асосларини ёритади.
-Табиат мажмуаларидан фойдаланишнинг иқтисодий асосларини ёритиб беради.

## 2-асосий савол баёни.

Табиат комплекслари табиий жиҳатдан чегаралanganлиги туфайли ўзлари эгаллаган ҳудудларда экологик шароит ва бойликларнинг деярли бир хиллиги ёки бир-бирига яқинлиги билан тавсифланади. Бу жиҳатдан қараганда ҳар бир комплекс ўзи эгаллаган ҳудуди ва ўлчамларига қараб, қишлоқ хўжалиги ёки саноат ишлаб чиқаришида маълум тармоқни ишлаб ривожлантириш ёхуд объектни жойлаштириш учун қулай имкониятларга эга бўлади. Гап ушбу мавжуд табиий шароит ва ресурсларнинг табиий хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда деҳқончиликнинг аниқ тармоғини ривожлантириш ҳамда маълум саноат объектини жойлаштириш устида бормоқда. Чўл шароитида оддий ботиқ туб ва ёнбағирлар **фацияларидан** иборат бўлса, уларнинг бир хил табиий шароитга эгалиги билан фарқланади. Бундай вазиятда унинг туби деҳқончиликда, айтайлик шоли, ёнбағирлари ғўза ёки ем-хашак экинларини ўстириш учун қулай. Агарда ботиқ туби шўрланишга мойил бўлмаса, у ҳолда шоли ўрнига беда, маккажухори ва бошқа намликни севувчи экинларни жойлаштириш лозим. Оддий географик фация мисолида экинларни тўғри жойлаштира билиш муҳим, акс ҳолда ернинг мелиоратив ҳолати ишдан чиқади.

Оддий **урочишча** бир неча фациялардан ташкил топганлиги сабабли деҳқончилик мақсадларида фойдаланилганда алмашлаб экиш схемаларини тўғри ғўллаган ҳолда экинларни ернинг мелиоратив ҳолатига қараб жойлаштириш айни муддаодир. Бунда экинларни намликни истеъмол қилиш хусусияти ва шўрга чидамлилиги, шунингдек, нишаб ёнбағирларда **ирригация** эрозиясининг вужудга келиш мумкинлигини эътиборга олиб, маълум далалар схемаси тарзида уларни жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Далалар схемаси деганда уларнинг маълум рельефга мос келувчи фациялар назарда тутилади. Фация миқёсида деҳқончиликни ривожлантириш ерларни мелиорация жиҳатдан яхшилашда ҳам қўл келади.

Жой тизими бир неча урочишчалар мажмуасидан иборат бўлганлиги туфайли деҳқончиликни ривожлантиришда ҳудуднинг аниқ хусусиятларини ҳисобга олиш тавсия этилади. Бу борада **район планировкаси** тамойилларини қўллаш айни муддао. Чунки жой мураккаб релеф ва уни ташкил қилган ётқизиқлар кескин ўзгарувчанлиги билан тавсифланади. Ботиқ ва қавариқ ер шакллари ўзаро алмашиб келиши ва уларнинг ўлчами турлича бўлишлиги сабабли, баъзан чуқуррок ва баландроқ релеф шакллари мавжудлиги туфайли ердан фойдаланиш схемасини мураккаблаштиради. Бу борада суғорма деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, мелиорация ва ирригация, ер ости ва ер усти коммуникациялари, қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш корхоналари, саноат, рекрация, спорт, маданий-маиший, аҳоли яшаш жойлари, маориф, соғлиқни сақлаш, савдо, бошқарув ва бошқа обектларни географик жойнинг хусусиятларини тўғри ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш лозим.

Район планировкаси лойиҳасида деҳқончилик учун қулай бўлган барча ерлар иложи борича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ажратилиши лозим. Қишлоқ, савдо, транспорт, спорт ва бошқа инфратузилмалар

обектлари ўзаро уйғунлашиши ва ягона макон бош лойиҳаси асосида тузилиши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, табиий комплексларнинг табақалашуви ердан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланишни режалаштириш ва у билан боғлиқ бўлган соҳаларни жойлаштиришни асослаш ва уларни амалга оширишда мажмуали негиз вазифасини ўтайди. Бу борада ландшафт бир неча жой тизимидан иборат бўлганлиги сабабли юқорида кўрсатиб ўтилган объектлар ва деҳқончилик ерлари, мелиорация ҳамда ирригация тизимларини жойлаштириш, шунингдек, аҳоли яшаш жойларини белгилашда, пахта ва бошқа хомашёларни қайта ишлаш, тайёр саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар, тадбиркор ва фермерлар корхоналарини жойлаштириш ва бошқа объектларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалашда бош асос вазифасини ўташга хизмат қилади.

**Назорат топшириқлари:**

-Табиат мажмуалари моҳиятини изоҳлаб беринг.
-Ландшафт мазмунини таърифлаб беринг.
-Урочишча мазмунини таърифлаб беринг.
-Фация моҳиятини изоҳлаб беринг.

**Илмий муаммолар.**

1.Табиат қонунлари уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни.
2.Табиат мажмуалари ва уларнинг табақалашув асослари.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Ҳозирги кунда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва юқори самарадорликга эришишда табиат қонунларини чуқур ўрганиш ниҳоятда зарур. Узоқ вақт уларни моҳиятини англамаслик оқибатида экологик мувозанат бузилди. Бу эса ўз навбатида табиат мажмуалари ва унинг элементлари таркибини издан чиқарди. Натижада иқтисодиётнинг барча соҳаларида иқтисодий ўсиш тушиб кетди.

**Мустақил таълим материаллари.**

1. Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.
2. Шилов И.А. Экология. М. Вис.школа. 1998.
3. Шодиметов Ю Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.
2.Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари. Урганч, 1999.
3.Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.
4.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.
5.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.

## IY.Мавзу. 4. Табиат-хўжалик-аҳоли тизими (2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Табиат хўжалик аҳоли тизими.

2.Табиатдан ва унинг ресурсларидан фойдаланиш.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**

Табиат тизими, жамият тизими, табиат-хўжалик–аҳоли-тизими, табиатдан фойдаланиш, табиатдан оқилона фойдаланиш, табиатдан нооқилона фойдаланиш.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Табиат-хўжалик-аҳоли тизими муаммоси.
2.Табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш масалалари.

**1-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Табиат тизимини изоҳлаб бериш.
-Жамият тизимини изоҳлаб бериш.
-Табиат-хўжалик-аҳоли тизмини баён қилиш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиат ва хўжалик тизимлари алоқаси.
-Табиат-хўжалик-аҳоли тизими масаласи.
-Ушбу тизим доирасида келиб чиқаётган муаммолар.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Табиат тизими моҳиятини ёритади.
-Жамият тизими хусусиятларини изоҳлайди.
-Табиат-жамият-аҳоли тизими асосларини ифодалайди.

**1-асосий савол баёни.**

Табиат ва жамият тизими аслида **«Табиат-хўжалик-аҳоли»** тизими тарзида ифодаланса, мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин, чунки табиат инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида ўзгаради. Ер курраси инсоннингн хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариб бормоқда, ўзгариш илмий асосланган ҳолда амалга оширилган тақдирда табиат жамият мақсадларига мос келадиган тарзда ўзгаради. Бунда табиат ҳам инсон ҳам азият чекмайди. Лекин ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёнида техника, технология меҳнат характери, субъектнинг айби билан қатор камчиликларга йўл қўйилиши туфайли табиат бойликларидан фойдаланишда исрофгарчилик, деградация, хомашёларни мажмуали қайта ишламаслик, турли чиқиндиларни кўплаб муҳитга чиқариш натижасида умуман олганда табиат жиддий зарар кўрмоқда. Буни яққол мисоли сифатида Ернинг ҳаво ҳароратини кейинги 110 йил давомида 1 даражага ортгани ва уни 2003 йилгача БМТ маълумотича 4-5 даражага ортиши башорат қилинаётганини айтиб ўтиш жоиз. Бунинг хунук экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ҳозирдаёқ жиддий сезилмоқда.

Ўзбекистонда табиатдан фойдаланиш бозор иқтисодиёти шароитида мураккаб кечмоқда. Аввало собиқ совет даврида вужудга келган қатор экологик муаммолардан қутулганимиз йўқ, жойларда улар жиддийлашган. Улардан қутулиш борасида эндигина амалий ишлар бошланди, чунончи суғорма ерларнинг бир қисмини деққонларга томорқа тарзида бўлиб берилиши, фермер ва ширкат хўжаликларининг тузилаётгани, корхоналарнинг хусусийлаштирилиши инсоннинг табиий ресурсларга бўлган муносабатини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартиради. Бу ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг жуда самарали шакли. Чунки деҳқон,

тадбиркор, мулк соҳиби бойликларга меҳр кўзи билан қараб, улардан иложи борича омилкорлик билан фойдаланиш мақсадида меҳнат қилади. Бу бошланган хайрли ишни тобора ривожлантириш ва такомиллаштириш лозим.

Табиатдан фойдаланиш мураккаб ва серқирра жараён, бунда кўпгина омилларга мунтазам аҳамият бериш талаб этилади. Аввало меъёр, қўлланиладиган технология, иш режими, чиқиндиларни ушлаб қолиш (йиғиш), уларни мажмуали қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқариш технологияси жараёнининг мураккаблигига қараб кам чиқиндили ёки берк технологияга ўтиш масалаларини босқисма-босқич ҳал қилиш асосий мақсад бўлиши лозим. Бундай вазиятда атроф-муҳитнинг корхоналар чиқиндилари ҳисобига ифлосланиши камайиб боради.

Ҳозирги кунда «ёмон ерлар» -маҳсулдорлигини тўла йўқотган ерлар қуруқлик юзасини 1%-ни ташкил этади. Шунингдек, Ўрта ер денгизи атрофидаги 17-дан ортиқ давлат, 100 млн. аҳоли, 140 мингдан ортиқ саноат корхоналари, 2,5 минг км узоқ масофага қатновчи кемалар ва шунингдек 300-350 млн.т. нефть йилига ташилади. Натижада Ўрта ер денгизини «кир ўрага» айланишига сабаб бўлган.

Ҳозирги кунда Республикада табиатдан фойдаланиш жуда мураккаб кечмоқда- «Собиқ иттифоқ» даврида ҳосил бўлган экологик муаммолар ўз доирасини кенгайтирган. Лекин ҳал қилиш йўллари қидирилмоқда. Суғориладиган ерлар майдони деҳқонларга бўлиб берилмоқда, ширкатлар ва фермерлар ташкил қилинмоқда. Бу эса ресурслардан оптимал даражада фойдаланиш имконини беради.

**Назорат топшириқлари:**

-Табиат тизимини изоҳлаб беринг.
-Жамият тизимини изоҳлаб беринг.
-Табиат-жамият-аҳоли тизимини ёритиб беринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Табиатдан фойдаланиш моҳиятини тушунтириш.
-Табиатдан фойдаланиш жараёнида маълум шароитларни ҳисобга олишни ифодалаб бериш.
-Табиатдан фойдаланишда уч кичик тизимни ўрнини ёритиб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари.
-Табиатдан фойдаланишда табиат-хўжалик-аҳоли тизими.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Табиатдан фойдаланиш моҳиятини гапириб беради.
-Табиатдан фойдаланишда географик ўрин ролини изоҳлаб беради.
-Табиатдан фойдаланишда уч кичик тизим ролини очиб беради.

**2-асосий савол баёни.**

Табиат бойликларидан фойдаланишда ҳудуднинг географик шароитини ҳисобга олиш нақадар аҳамиятли, кўп ҳолларда бунга амал қилмаслик оқибатида номақбул ҳодисаларнинг шаклланиши содир бўлиши натижасида табиат ва жамият жиддий зарар кўради. Бу борада ҳудудий ва маҳаллий шароитлар ҳамда қонуниятларни эътиборга олиш энг зарурий шарт

ҳисобланади. Чўл шароитида ҳавонинг ўз-ўзини тозалаш қобилияти анча кучли, шунинг учун ҳам саноат корхоналари атроф-муҳит ҳавоси ифлосланишида асосий омил ҳисобланмайди. Навоий, Муборак, Қоравулбозор, Шўртанг ва бошқа саноат корхоналари атмосфера ҳавосини фақат корхоналар атрофидагина ифлослантиришлари мумкин, барқарор шамол ҳаракати газсимон чиқиндиларни тўзитиб юборади ва улар ҳавонинг умумий циркуляциясига аралашиб атмосферада тарқалиб кетади. Тоғ олди (Чирчиқ, Оҳангарон, Сурхондарё, Қашқадарё) ва тоғ(Сўх, Қувасой, Хондизасой) водийларида маҳаллий минерал ресурслар асосида бир неча саноат корхоналари кўпдан бери фаолият кўрсатмоқда ва янгилари лойиҳаланиш арафасида турибди. Бир ҳисобда корхонанинг хомашё базаси яқинида бунёд этилиши иқтисодий географик жиҳатдан тўғри, бошқа ҳисобда атроф муҳит ифлосланиши назарда тутилса мантиққа тўғри келмайди. Тоғ-водий шамолларининг кун ва тунда турли йўналишларда эсиши натижасида корхоналар чиқиндилари тоғ олди ва тоғ водийларида бир текисда тақсимланади, оқибатда табиий муҳит барча жойларда ифлосланади. Бунда нафақат табиат, шунингдек, аҳоли ҳам катта зарар кўради (сув ва ҳавонинг) ифлосланиши турли ҳил касалликларнинг тарқалишига олиб келади. Бундай вазиятда корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёни берк ёки кам чиқиндили технология билан алмаштирилиши айни муддаодир.

Тоғ олди қия пролювиал текисликлар сув ўтказувчанликлари билан тафсифланади, шунинг учун ҳам уларда фаолият кўрсатаётган саноат (Олтиариқ ва Фарғона нефтни қайта ишлайдиган, янги Қўқон кимё, Олмалиқ тоғ металлургия ва бошқалар)корхоналар нафақат хаво, шунингдек, ер ости ва ер усти сув ҳавзаларини ҳам ифлослаб келмоқда. Шундай табиий жараён содир бўлиши ушбу корхоналарни лойиҳалаётган пайтда ҳам мутахассисларга маълум бўлган, лекин унга тегишли эътибор берилмаганлиги оқибатида табиий муҳит ва аҳоли жиддий зарар кўриб келмоқда.

Ирригаторлар сув омборларини лойиҳалаётган пайтда баъзан мавжуд ботиқлар ўрнида фойдаланишни афзал кўрадилар, чунки тайёр ҳавза ортиқча қазиш ишларини талаб этмайди, лекин уларнинг тубида мавжуд бўлган бир неча метрли қалинликларда туз қатламлари мавжуд бўлганлиги туфайли уларнинг суви шўрлиги билан тавсифланади ва суғоришда ишлатилади. Бу ҳодиса мелиорация жиҳатидан мутлақо мумкин эмас.

Ер ва сув ресурсларини муомалага киритишда ниҳоятда эҳтиёткорлик зарур, чунки аввало ер суғориш учун нечоғли қулайлиги асосланиши ва шунга қараб суғорма деҳқончилик ривожлантирилса, шунингдек номатлуб ҳодисалар шаклланишининг олдини олувчи махсус тадбирлар амалда қўлланилгандан сўнг ер ва сувдан фойдаланиш бошланиши ҳамма жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин. Бу жиҳатдан, қараганда Қорақалпоғистон, Бухоро, Мирзачўл, Қарши ва Жиззах чўлларида ерларни ўзлаштиришнинг **«аччиқ»** тажрибаси доимо эътиборда бўлиши лозим.

Табиат-хўжалик-аҳоли тизими уч кичик тизим мажмуасидан иборат ва табиатдан фойдаланиш жараёнида бир бутун тизим сифатида ифодаланади.

Бу мажмуа характери жамиятга боғлиқ, жамият ва уни ташкил қилган аҳоли қанчалик ҳуқуқий демократия негизига таянса ва ресурслардан фойдаланиш илмий асосланган тарзда амалга оширилса, ушбу тизимнинг экологик вазияти ва мувозанати шунчалик барқарор бўлади. Акс ҳолда табиатнини жамиятга қайта таъсириҳамма жиҳатдан кенг миқёсли, кескин, фалокатли ва табиий муҳитнинг тиклаб бўлмайдиган даражада ўзгаришига сабаб бўлади. Орол денгизи ва Оролбўйида содир бўлаётган кенг миқёсдаги антропоген чўллашиш ҳодисалари бунинг ёрқин мисолидир.

Шу ўринда халқнинг ер-сувдан фойдаланиш, чўллашишга қарши курашишдаги узоқ ўтмиш бой тажрибаларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки халқимиз азалдан табиат бойликларини эъзозлаш, қадрлай олишга, унга озор етказмасликка одатланган. Тарихий меросимиз «Авестода» ҳам, Муқаддас китобларимиз Қурони кариму ва ҳадису шарифларда ҳам табиатни севиш, асраб-авайлаш, ундан тежамкорона фойдаланишга даъват эътилган. Ҳадису шарифда шундай мисра бор» Тангри гўзалдир, гўзалликни яхши кўради». Демак, тангри оламни гўзал қилиб яратган, биз шу гўзалликнинг қадрига етишимиз шарт.

Ирригаторлар сув омборларини лойиҳалаётганда мавжуд ботиқлар ўрнидан фойдаланишни афзал кўришмоқда. Натижада атрофдаги ерларни мелиоратив таркиби бузилмоқда. Масалан, республика ҳудуди-44.9 млн.га, қишлоқ хўжалиги корхоналарида 33,2 млн.га фойдаланилади, шундан 28,1 млн.га қишлоқ хўжалик экинлари экилади. Шундан махсулдор суғориладиган ерлар майдони-4,2 млн.га-шундан-3,2 млн.га ҳайдалади.

Республикада суғориладиган майдонларни тез кенгайиши 1975-85 йилларга тўғри келади. 10-йил давомида-1 млн га яқин ер ўзлаштирилди. Ялпи суғориш ишлари-ерларни шўрланишга, мураккаб мелиоратив таркибни шаклланишига олиб келади. Охирги 15-20 йил ичида шўр ералр майдони республикада-0,8 млн га етди, жами ҳозирда 2,0 млн гектар, шундан –0,85 млн га ўрта ва кучли шўрланган. Ер унумдорлиги асосий кўрсаткичдан-30-50 чириндиси кам. Амалан Қорақалпоқ, Бухоро, Сирдарё ерларини-90-95%, Қашқадарё ва Хоразм ерларини-60-70% шўрланган.

**Назорат топшириқлари:**

1.Табиатдан фойдаланиш моҳиятини ёритиб беринг.
2.Табиатдан фойдаланишда географик ўрин ролини очиб беринг.
3.Табиатдан фойдаланишда рельефни ўрнини изоҳланг.

**Илмий муаммолар.**

1.Табиат-хўжалик-аҳоли тизими мазмуни ҳозирги давр нуқтаи назаридан.
2.Табиатдан фойдаланиш ва унинг асосий жиҳатлари.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Ҳозирги кунда жамият ҳаётида «табиат-хўжалик-аҳоли» тизими ўзига хос ўрин эгаллайди. Чунки табиат таркиби, унинг элементлари инсон фаолияти натижасида кучли тарзда ўзгармоқда. Шунинг учун ҳам инсон ўзининг хўжалик фаолиятини оқилона бошқара ётибдими ёки йўқми масаласи ҳозирги кунда ниҳоятда долзарбдир. Бу қай тарзда табиатга ёки ишлаб чиқаришга таъсир этаётибди ангаш вақти келди.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Рўзиев А., Абирқулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.
2.Турсунов Х. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.
2.Шилов И.А. Экология. М. Вис.школа. 1998.
3.Шодиметов Ю. Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.
4.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.
5.Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари. Урганч, 1999.
6.Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.
7.Абирқулов Қ, Рафиқов А, Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

## V.Мавзу. Табиатдан фойдаланиш тамойиллари, устивор йўналишлари ва уни оптималлаштириш (2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Табиий ресурслардан фойдаланиш тамойиллари ва устивор йўналишлари.
2.Табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**

Табиий компонентлар, биосфера, экологик мувозанат, экологик тозалик, иккиламчи ресурслар табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Табиатдан фойдаланиш тамойиллари ва уларнинг хусусиятлари.
2.Табиатдан фойдаланишнинг устивор йўналишлари.
3.Табиатдан фойдаланишнинг оптималлаштириш ва унинг жиҳатлари.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Табиатдан фойдаланиш таъмойиллари мазмунини тушунтириб бериш.
-Табиий ресурслардан меъёрига яраша фойдаланиш таъмойилини баён қилиш.
-Табиий ресурслардан фойдаланишнинг устивор йўналишларини ифодалаб бериш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиатдан фойдаланиш тамойиллари ва уларнинг хусусиятлари.
-Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланишнинг устивор йўналишлари.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Табиатдан фойдаланиш тамойилларини гапириб беради.
-Иккиламчи ресурслардан фойдаланишни изоҳлаб бериш.
-Табиий ресурслардан фойдаланишнинг мазмунини таърифлайди.

**1-асосий савол баёни.**

Табиат бойликларидан фойдаланиш маълум стратегия ва тактикага асосланиши лозим. Чунки бу ресурсларни баъзилари тугайдиган, баъзилари тугамайдиган. Тугамайдиган ресурсларга оқилона эътибор берилмаса яроқсиз ҳолга келиб қолиши мумкин. Табиат муҳофазаси ва иқтисодий жиҳатдан табиий ресурслардан фойдаланиш Республика доирасида қуйидаги стратегик мақсадга эга:

-Аҳоли соғлиги учун қулай муҳит яратиш, биосфера мувозанатини сақлаш, самарали ва мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришишда ресурслардан оқилона фойдаланиш;

-Қайта тикланиш жараёнини мувофиқлаштириш, қайта тикланмайдиган ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини утилизация қилиш;

-Ҳудудий, маҳаллий миқёсда табиатни бошқариш вазифасини тикдлаш;

Бирламчи табиатни тур ва ландшафт хилма-хиллигини генетик фондини сақлаш ва ҳоказо.

Бозор иқтисодиёти шароитида табиий бойликлардан фойдаланиш шундай илмий тамойилларга асосланиши зарурки, бунда табиат ва жамият азият чекмаслиги лозим. Биосферада табиий компонентларнинг ўзаро мувозанатда бўлиши билан бирга, тирик табиат билан нотирик табиат ўртасидаги ўзаро экологик мувозанат тамойиллари ҳам амалий аҳамият касб этади. Бу тамойилга кўра ҳар бир табиий чегараланган ҳудудда икки турдаги табиат орасида шундай тенг муносабат мавжуд бўладики, бунда улар бир-бирининг маълум табиий мувозанатда бўлишини тақозо қилади. Лекин улардан бирининг ташқи таъсир натижасида бўлиши узоқ муддатли (бир неча юз асрли) мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Ушбу бузилишнинг параметрлари асосида содир бўлган ҳодиса бошқа бир неча ҳодисалар таркиб топишига таъсири билан белгиланади (сабаб оқибатлар занжирининг бир-бири билан туташиб кетиши). Экологик мувозанат жуда ҳам мўрт бўлиб, кўп ҳолларда геотизимларнинг сув мароми, ўсимлик оламининг қашшоқланиши, тупроқ қопламининг бузилиши билан боғлиқ (Оролбўйи, Балхашбўйи).

Инсон меҳнат фаолияти экологик жиҳатдан тозалик тамойили муаммолари ечимида амалий аҳамиятга эга. Бу таъмойил ишлаб чиқариш жараёнида ва кундалик турмушда вужудга келган турли қаттиқ, суйуқ ва газсимон чиқиндиларни атмосферага, сув ҳавзалари, тупроқга чиқаришдан олдин уларни обдон тозалаб, бутунлай зарарсизлантирилгандан сўнг табиий муҳитга чиқариш зарурлигига асосланади. Мазкур тамойилнинг амалётга тадбиқ этилиши атроф-муҳит ифлосланишини тўхтатиш ва уни барқарор тозаланишида энг самарали ҳисобланади. Бизнингча, аввалига қисман, кейинчалик вақт мобайнида тўлиқ амал қилишга босқичма-босқич ўтиш билан табиий муҳит тозаланишига эришиш мумкин бўлади.

Табиат ресурсларидан меёрига яраша тамойилни олдинги тамойил билан бирга қўлланилиши мақсадга мувофиқ, чунки улар бир-бирларини тақозо этади. Қуроъни Каримда «Дунёда барча нарсалар ўлчоқли» деган ибора бор. Дарвоқе, табиат ва унинг ресурслари ҳам чексиз эмас, улар ўз

ўлчамига эга. Уларнинг ифлосланиши ва қашшоқланиши эса фойдаланиш жараёнини мураккаблаштиради, сунъий тақчилликларга сабаб бўлади. Бинобарин, табиий бойликлардан эҳтиёжига ва меёрига катта эътибор берган ҳолда фойдаланишни ташкил этиш айни муддао. Бу борада тикланадиган, тикланмайдиган, иккиламчи ресурсларнинг барча ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда меъёрий фойдаланишга амал қилиш тамойили барча турдаги ишлаб чиқариш жараёнида ва инсоннинг кундалик турмушида қўлланилиши даркор.

Табиатдан фойдаланиш жараёнининг мажмуалилиги ва бу борада тадбирларни экологик жиҳатдан асосланганлик тамойили ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини иложи борича камайтириш муҳитнинг тозаланиши, аҳолининг турли касалликларга мубтало бўлмаслигига ижобий таъсир этади. Табиий ресурслардан фойдаланиш чоғида барча технологик жараёнларнинг экологик жиҳатдан атроф муҳитга таъсири энг кичик кўрсаткичларга қадар пасайтирилиши экологик муаммоларни ечимини тезлаштиради. Бунга чиқиндисиз технология, кам чиқиндили технология каби ишлаб чиқариш жараёнларини қўллашга ўтиш билан эришилади.

Иккиламчи ресурсларни мажмуали тўлиқ қайта ишлаш тамойилига амал қилиш билан ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган терриконлар-ағдармалар ва бошқалар, маиший турмушда таркиб топаётган турли чиқиндиларни қайта ишлаш билан атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва яйловлар банд бўлишининг олди олинади.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги пайтда ресурслардан фойдаланишда такомиллашиш тамойилига амал қилина бошлади, чунки ер умумхалқ мулки бўлиб қолганҳолда ундан фойдаланувчилар ширкатлар, фермер хўжаликлари, оилавий пудрат шаклларитаркиб топа бошлади ва таркиб топди. Хўжаликнинг бу шаклларида ривожлантирилишида деҳқонлар ер уларга маълум узоқ вақтга қадар фойдаланиш учун ажратиб берилганлиги туфайли унга ўз мулки сифатида қарайди, яъни аввало ердан оқилона фойдаланиш, уни турли жараёнларга берилишининг олдини олиш тўғрисида қайғуриш, сувдан расамадига қараб фойдаланиш, сифати бузилишидан сақлашга ҳаракат қилади. Хўжаликни бу тазда ривожлантириш катта иқтисодий самара берибгина қолмай, табиат муҳофазаси йўналишида ҳам ресурсларнинг мунтазам маҳсулдорлигини ошириб боришга реал имкониятлар келтиради.

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг устивор йўналишлари.

Табиий бойликлардан фойдаланиш маълум стратегия ва тактикага асосланиши лозим, чунки уларнинг баъзилари тугалланадиган, тикланмайдиган гуруҳларга оид бўлса, қолганлари тугамайдиган ва тикланиш хусусиятига эга. Баъзан тугамайдиган ресурсларни жуда кучли даражада фойдаланиши туфайли маълум давргача уларнинг амалда қўлланилиши чекланади, чунки улар мутлақо яроқсиз ёки сифатсиз ҳолга келиши мумкин.

Минерал хомашёлардан фойдаланишда маълум илмий тамойилга асосланиш ўта зарур. Бу борада мажмуалилик тамойили жуда ҳам ас қотади.

Табиатда фақат бир элиментдан ташкил топган қазилма бойлик камдан-кам учрайди, кўп ҳолларда 2-3 ва ундан кўп, баъзан 15-20 хил фойдали элиментлардан ташкил топган конлар учрайди. Кондан фойдаланишда аксарият керакли бойлик ажратиб олинган ҳолда, қолганлари (масалан, сочилма элиментлар) ағдарма сифатида терриконларда тўплана боради, бу жараёнда уларнинг сифати бузилади, исроф бўлади, атроф-муҳитга зарар келтиради. Ушбу нохуш ҳодисани олдини олиш ва кўпроқ иқтисодий самара олиш мақсадида конларни мажмуали фойдаланиш, яъни барча фойдали элиментларни бир вақтда ажратиб олишни йўлга қўйиш айни муддаодир, бу ҳамма жиҳатдан ҳам фойдалидир, атроф-муҳит зарар кўрмайди, ортиқча терриконлар вужудга келмайди, яйловлар майдони қисқармайди. Демак, минерал хомашёлардан фойдаланишда мажмуалилик тамойили устивор бўлган ҳолда унга ҳамма конларда мунтазам риоя қилиниши мақсадга мувофиқ.

Суғориладиган ерлар иқтисодий жиҳатдан энг самарали эканлиги барчага аён. Бироқ суғорма ерлардан олинадиган ялпи маҳсулот миқдори ва уларнинг таннархи турли воҳаларда турлича, бошқача айтганда иқтисодий самара бир-биридан кескин фарқ қилади. Бундай аҳволни таҳлил қилиш натижаларига кўра ҳамма гап ернинг мелиоратив ҳолатида эканлигига тақалади. Дарвоқе, иқтисодий самара устун бўлган воҳаларда тупрқ-мелиоратив шароит экинларнинг ўсиши учун қулайлиги билан тавсифланади ва аксинча. Мелиоратив аҳвол оғир бўлган вилоятларда сувдан фойдаланиш ҳам издан чиққан, яъни гектар ҳисобига сарф қилинадиган сув миқдори катталиги билан ажралиб туради. Ер-сувдан омилкорлик билан фойдаланиш ва иқтисодий самарага эришиш учун энг аввало ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, сувдан расомадига яраша фойдаланиш технологиясини жорий этиш ва шундан сўнг агротехник ва агромелиоратив тадбирларни қўллашга ўтиш маъқул. Чунки ерларни обдон шурсизлантирмагунча унга минерал ўғит солиш ва бошқа тадбирлар самарадорлиги мутлақо сезилмайди ёки наф бермайди.

Воҳаларда ерлардан фойдаланиш энг аввало тупроқ-мелиоратив аҳволни тубдан яхшилаш, экинларни суғоришни меъёрий кўрсаткичлар асосида амалга ошириш (суғориш техникасиниянада такомиллаштириш) устивор йўналиш бўлиши лозим. Мазкур йўналишдаги тараққиёт босқичма-босқич амалга оширилиши назарда тутилади, ишларни мелиоратив шароит оғир бўлган Қуйи Амударё, Қуйи Зарафшон, Қарши чўлидан бошланиши мақсадга мувофиқдир.

Табиатдан фойдаланиш жараёнида қолган барча ресурслар бўйича ҳам энг устивор йўналишлар аниқланиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади, чунки табиатдан фойдаланишда дунё андозаларига асосланиш юқори иқтисодий самара беради, табиат потенциалидан тўлиқ ва тўғри фойдаланиш имконига эга бўлинади.

**Назорат топшириқлари.**

1.Табиатдан фойдаланиш тамойилларини изоҳлаб беринг.

2.Экологик жиҳатдан тозалик тамойилини ёритиб беринг.

3.Табиий ресурслардан фойдаланишнинг устивор йўналишларини гапириб беринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

1.Жамият ҳаётида табиатдан фойдаланиш мазмунини изоҳлаб бериш.

2.Табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш мазмунини баён қилиш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш мезонлари.

-Табиатдан фойдаланиш ва экологик вазият.

-Экологик вазият-экологик ҳаёт-барқарор ривожланиш.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Жамият ҳаётида табиатдан фойдаланиш мазмунини ёритади.

-Табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш мазмунини баён қилади.

-Табиатдан фойдаланиш-экологик вазият-экологик ҳаёт-барқарор ривожланиш тизимини тушунтиради.

**2-асосий савол баёни.**

ТФИ муаммоси бўйича кўп йиллардан бери тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада баъзи ютуқлар мавжуд, лекин ҳалигача ҳам сезиларли ёки жиддий самарага эришилди деб ҳисоблашга вақт эрта чоғи. **Табиат функциялари бисёр, энг муҳими инсонни турли бойлик (Хомашё) лар билан таъминлайди, турли чиқинди ва ифлосликларни ютади, одамларга хизмат кўрсатади (рекрация обьектлари, табиат тароватии ва бошқалар).** Бироқ табиатнинг ушбу энг муҳим хусусиятлари ҳали шу вақтга қадар иқтисодий жиҳатдан баҳоланмаган. Иқтисодиёт ер, сув, яйлов, ўрмон, рекрация обектлари, ландшафт, ҳайвонот олами, маъданлар ва бошқа ресурсларни маълум чегараларда тўлиқ такомиллашган баҳоларига эга эмас. Шу боисдан ҳам авваллари ишлаб чиқариш аксарият экстенсив равишда ривожланиб келди, хохлаганча ер-сув, ўрмон, яйлов, қазилма бойлик хўжалик муамаласига киритилди, атроф муҳит ифлослантирилди, экологик вазият жиддийлашди. Бошқача айтганда, табиатдан фойдаланиш борасида илмий тамойилларга асосланишга жуда ҳам тўлиқ эътибор берилмаган. Натижада ресурслардан фойдаланишни экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари миқёси улкан бўлган.

Бизнингча табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш усулларидан бири ресурслар ҳар бирининг ўз баҳосига эга бўлиши, бунда нафақат умумиу, шунингдек айрим ҳудудлар бўйича ҳам баҳоланиши мақсадга мувофиқ. Айтайлик, сув маълум баҳога эга бўлиб, у маълум хўжалик ёки корхонада фойдаланилса, фойдаланилган ҳажм учун давлат ҳисобига ҳақ тўланиши шарт, шундагина хўжалик (корхона) ўзига фақат кераклии миқдорда сув олади, ифлослантиргани учун эса (яъни ўзидан ортган сувни ифлос ҳолда ҳавзага ташласа) устама жарима тўлаш олдиндан огоҳлантирилиши лозим.

Ҳозирги вақтда республикада табиий ресурслар **кадастрларини** ишлаб чиқиш ишлари бошланган, хайрли иш поёнига етказилса, улардан

фойдаланишда баҳолаш тамойилига амал қилиш бошланиши керак. ТФОнинг бошқа бир мезони бу ишлаб чиқаришни интеграл геотизм асосида ташкил қилиш тамойилига ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу тўғрисида юқорида сўз юритилди, бошламасига тажриба тариқасида мамлакатнинг энг характерли ҳудудларида ушбу тамойил асосида хўжаликни юритишни қўллаш таклиф қилинди, агарда у ўзини оқласа, у ҳолда уни кенг миқёсда қўллашга ўтиш жоиз.

Табиатдан фойдаланишда компонентлар ва комплексларнибир-бирлари билан ўзаро боғлиқлик, ҳамжиҳатлик, таъсир қонуни, экологик мувозанат, барқарорлик хислатларини албатта ҳисобга олиш лозим. Мазкур жамлама мезон бойликлардан фойдаланиш жараёнида жуда зарур ва унга барча ҳудудларда амал қилиш катта самара беради.

**Табиатдан фойдаланиш-экологик вазият-экологик ҳаёт-барқарор ривожланиш тизими ўзига хос.** Табиат бойликларидан фойдаланиш тамойили характерига қараб турлича экологик йўналишларни белгилаши мумкин. Энг муқобили ва мақсадга мувофиқи бу ресурслардан оқилона ва илмий асосда фойдаланишдир. Бу тарзда экологик вазият ҳам барқарор қулай, шу асосда инсонларнинг ҳаёти ҳам хавфсиз ва соғлом бўлади. Иқтисодий ва экологик ҳаётни мустаҳкам бўлиши барқарор ривожланишни таъминлайди. Бинобарин, табиатдан фойдаланиш тамойили қолган барча босқичлардаги тараққиёт мазмунини белгилайди: салбий йўналиш нохуш экологик оқибат ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлар (фалокатли вазият, қашшоқлик, миграция, ўлим, касалланиш) ни келтириб чиқаради, ижобий йўналиш эса брқарор ривожланишни таъминлайди.

Табиатдан фойдаланиш мураккаб, кўп омилли, ўта эҳтиёткорликни қўллаш, ресурсларни муомалага киритиш усулларини мунтазам такомиллаштириб бориш, экологик мувозанатни мустаҳкамлашга талабчан жараён ҳисобланади. Инсон ўз ҳаётида уларга тўла амал қилиши лозим.

**Назорат топшириқлари:**

1.Табиатдан фойдаланишни оптималлаштиришни изоҳлаб беринг.

2.ТФИ усулларини изоҳлаб беринг.

3.ТФИ мураккаб тизим эканлигини ёритиб беринг.

**Илмий муаммолар.**

1.Табиатдан фойдаланиш таъмойиллари ва давр талаби.

2.Табиатдан фойдаланишни устивор йўналишлари.

3.Табиатдан фойдаланишни оптималлаштириш ва унинг ўзига хос жиҳатлари.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан ва унинг ресурсларидан фойдаланишнинг тамойиллари, устивор йўналишлари ва уларни оптималлаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим. Бу ҳол табиатнинг мувозанатлигини сақлашда ўзига хос ўрин эгаллайди.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Ўзбекистон республикаси конституцияси. Т:. Ўзбекистон, 1992.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон, 1998.

3.Алимов Т.А.Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. Т. Ўзбекистон, 1991.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Банников А.Г и др Основи экологии и охрана окружаюшей среди. М. Колос. 1999.
2.Гирусов Э.В. и др Экология и экономика природопользования, М. ЮНИТИ,1998.
3.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик, Т.Университет,1998.
4.Рўзиев А, Абирқулов Қ Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.
5.Турсунов Х Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.
6.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.
7.Шилов И.А. Экология. М. Вис.школа. 1998.
8.Шодиметов Ю Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.
9.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.

## VI.Мавзу.Табиат ва табиий ресурсларнинг иқтисодий баҳосини аниқлаш (4-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Табиат ҳамда унинг ресурсларини иқтисодий баҳосини аниқлаш.
2.Табиат ресурсларини иқтисодий баҳолаш.
3.Умумий иқтисодий баҳолаш.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**

Табиат бойликлари, табиат вазифалари, иқтисодий баҳолаш, бозор нархи, ер рентаси, сафлаш ёндашуви, умумий иқтисодий баҳолаш.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Табиий ресурсларни иқтисодий баҳосини аниқлаш.
2.Табиат ресурсларини иқтисодий баҳолаш таъмойилари.
3.Умумий иқтисодий баҳолаш ва унинг йўналишлари.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш асосларини изоҳлаб бериш.
-Табиат вазифаларини ёритиб бериш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ҳозирги даврда табиий ресурсларни иқтисодий баҳосини аниқлаш асослари.
-Табиат вазифалари ва унинг қонуниятлари.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

- Табиий ресурсларни иқтисодий баҳосини аниқлаш асосларини гапириб беради.
-Табиат вазифаларини ёритиб беради.
-Амалга оширилаётган лойиҳалар ва табиат қонунлари.

**1-асосий савол баёни.**

Табиат ҳар бир бойлик тури инсон учун жуда қадрли бўлиш билан бирга у ўз қийматига эга. Лекин ресурсларни қандай баҳолаш керак ёки гўзал

табиат манзараларини-чи? Беқиёс бойлик-зилол сув қандай қийматга эга, у инсон томонидан ифлосланган ва деярли ярамас ҳолга келган бўлсачи, бундай вазиятда у қандай қийматга эга бўлади? Инсоннинг табиий муҳитга етказган зарари қандай баҳоланади? Орол денгизи сатҳининг тушиб кетиши натижасида вужудга келган экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларнинг бир йиллик зарари қанча? Булар ва уларга ўхшаш табиий муҳитнинг бошқа иқтисодий соҳаларини билиш лозим, Табиий ресурсларнинг ҳақиқий қийматини билиш уларнинг исроф бўлиши, сифатининг бузилиши, йўқолиши каби номатлуб ҳодисаларнинг олдини олишда ўта зарур.

Табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва қулай экологик вазиятларни барқарорлаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш тамойилига амал қилишда бойликларни иқтисодий баҳолаш ва табиат хизматларининг аниқ қийматига эга бўлиши беқиёс даражада катта аҳамиятга эга. Табиий муҳитнинг жамият учун бир неча вазифалари мавжуд: 1. Табиий ресурслар билан таъминлаш; 2. Ўз-ўзини тозалаш ва қайта тиклаш; 3. Инсон учун қулай табиий хизматларни бажариш чунончи, рекреация (дам олиш, соғлиқни тиклаш ва бошқалар); 4. Эстетик завқ олиш, табиатдан мурувват ва сахийликни ўрганиш. Буларнинг барчаси биргина бош вазифа, яъни инсонга ҳаёт бағишлаш деб таърифлаш мумкин.

Афсуски, ижтимоиийзм даврида табиий бойликларнинг ҳақиқий баҳоси аниқланмади, бу муаммо тўғрисида маълум тадқиқот ишлари бажарилда (Минц, 1968, 1973 ва бошқалар), лекин у мантиқий поёнига етказилмаганлиги туфайли ресурсларни реал баҳолаш масаласи ечилмай қолаберди. Бу муаммо хорижий мамлакатларда ҳам тўлиғи билан ҳал қилинмаган. Шунинг учун ижтимоийзм даврида ресурслар ҳақиқий баҳосига эга бўлмаганлиги сабабли улардан фойдаланишда исрофгарчиликка ва сифатининг бузилишига йўл қўйилди, қашшоқланиш жараёни ривожланди. Натижада атроф муҳитнинг ифлосланиши, ресурслар ҳақиқий баҳосининг тушиб кетиши, иқтисодий самарадорликнинг ниҳоятда пасайиб бориш жараёнлари кучайди.

Табиий бойликлар нархини билиш, аввало лойиҳаларнинг муқобил вариантларини танлаш, иқтисодий самарадорликка эришиш, табиат муҳофазасига кенг йўл очиш, аҳолининг экологик жиҳатдан яшаш шароитларини яхшилаш учун катта имкониятлар очди. Баҳолаш асосида капитал қурилишларнинг вариантларига таъсир эътиши мумкин.

Чунончи, суғориладиган деҳқончилик ривожланган ҳудудда бирор муҳандислик лойиҳаси амалга ошириладиган бўлса, аввало суғорма ер баҳоси ва унинг экин экилганда ҳар йилги келтирадиган иқтисодий самараси ҳисоб-китоб қилингандан сўнг лойиҳани амалга ошириш учун рухсат берилади ёки рад этилади. У лойиҳани бошқа ташландиқ жойда ҳам амалга ошириш мумкин. Шуни ҳисобга олиш зарурки, Ўзбекистонда суғорма ерлар барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймат жиҳатдан 95 % ини етказиб беради. Дарвоқе, суғорма ерлар олтин фонд, уларниэъзозлаш керак, ҳар бир гектар ердан самарали фойдаланган ҳолда экинлар ҳосилдорлигини муттасил ошириб бориш айни муддао ҳисобланади.

Текисликларда баъзан йирик сув омборлари лойиҳаси амалга оширилади. Бу билан суғориладиган ёки суғоришга ярокли ерларнинг катта майдони сув остида қолади. Балки мазкур сув омбори бошқа жойда қурилса самарали бўлиши мумкин, ер деҳқончиликда фойдаланилса анча даромад келтиришини ҳар бир киши яхши билади, лекин бунинг учун ернинг баҳоси аниқланган бўлиши керак. Масалан, Чордара (Сув сиғими 5,9 км куб) ва Қайраққум (сув сиғими 4,5 км куб) сув омборлари ҳозирда лойқа босиши натижасида анча саёзлашиб қолган, лекин катта майдонларни банд қилиб турибди. Айдар ботиғини сув босиши натижасида катта майдондаги яйловлар сув остида қолиб кетди, Жиззах вилояти Фориш туманига қарашли яйловларнинг майдонини қисқариши қоракўл қўйларини боқишни мураккаб аҳволга солиб қўйди.

Табиий ресурсларни қазиб олиш, уларни қайта ишлаш корхоналарига ташиш ва тайёр маҳсулот чиқариш, жараёнларида кўплаб қисми исроф бўлади, йўқолади,тўкилади. Очиқ усулда қазиб олинаётган кўмирнинг йўқолиши 3-8 % дан 10-12 % гача боради, шахта усулида қазиб олинган кўмирнинг йўқолиши ўртача 20-40 %, қора ва рангли металлар рудасининг йўқолиши ўртача 15-25 %, тоғ-кимё хомашёсиники эса 20-60% га боради. Ушбу бойликларнинг нархи маълум бўлган ҳолда иқтисодий ҳисоб-китоб қилинганда катта иқтисодий зарар келтираётгани ўз-ўзидан маълум бўлади. Россиянинг нефть қувурларида авария натижасида ҳар йили 15-20 млн т нефть грунтга оқиб тушади. Жами исроф бўлганнефть миқдори нарх жиҳатдан тахминан 2 млрд долларни ташкил қилади. Ерга сингиб ўтган нефтнинг атроф-муҳитга етказган зарари эса бундан ҳам катта миқдорни ташкил қилади. Бинобарин иқтисодий зарар ва табиатга етказилаётган зиён, миқдори қўшиб ҳисобланган, ҳолда ушбу маблағни нефть қувурларини ўз вақтида таъмирлашга ва назорат ишини яхшилашга сарф қилинса давлат ҳам, табиат ҳам шунчалик зарар кўрмас эди.

Табиий ресурслар мамлакатнинг миллий бойлиги ҳисобланади. Лекин бунинг учун улар тўлиқ баҳоланган бўлиши лозим, яъни қийматга эга бўлиши керак. Ўзбекистонда фақат минерал-хомашё бойликлари ҳисоб-китоб қилинган бўлиб, уларнинг потенциали 3,3 трлн. АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланмоқда. Шундан 1 трлн доллари нефтга ва газга тўғри келади.

Ҳолбуки табиий бойликларни баҳолаш мамлакатнинг миллий бойликларини сарҳисоб қилиш бўлиб, унинг табиий потенциалини акс эттиради. Бу потенциал ижтимоий ишлаб чиқариш бойликлари билан бирга мамлакатда келажакда риввожланиш истиқболларини аниқлаб беради. Лекин табиий бойликларни тармоқлар бўйича потенциал имкониятлари қотиб қолган баҳога эга бўлмай доимо ўзгариб туради. Гап шундаки, масалан, геологлар кўпинча тез-тез янги минерал хомашё конларини топиб турадилар ва уларни заҳираларини олдинги хомашёга қўшиб борадилар, бинобарин, у ёки бу минерал хомашё заҳираси доимо ортиб боришҳ йўналишда бўлади. Ёки бошқа табиий бойликлар (яйлов, ўрмон) антропоген деградация натижасида миқдор сифат жиҳатидан ўзгариб боради, бундай вазиятда тегишли ўзгаришлар киритишга тўғри келади.

**Назорат топшириқлари.**

1.Табиий ресурсларни иқтисодий баҳосини аниқлаш йўлларини тушунтиринг.

2.Табиат вазифаларини ифодалаб беринг.

3.Табиат бойликлари миллий бойлик асоси эканлигини тушунтириб беринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

1.Табиат ресурсларини иқтисодий баҳолаш йўлларини тушунтириш.

2.Ер рентаси моҳияти ва унинг мазмунини ёритиб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Э.В.Гирусов ёндашуви ва табиат ресурсларини иқтисодий баҳолаш йўллари.

-Иқтисодий баҳолаш ва Ер рентаси.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Э.В.Гирусов ёндашуви бўйича табиий ресурсларни иқтисодий баҳолашни тушунтиради.

-Ер рентаси асосида ресурсларни иқтисодий баҳолашни ёритади.

**2-асосий савол баёни.**

Иқтисодчилар табиий ресусғрслар ва табиий муҳит, уларнинг экологик вазифаларини баҳолашга ҳаракат қиладилар. Аслида табиат ва унинг ресурсларини, табиат кўркамлигини аниқ баҳолаш осон эмас, уларни тўлиқ, яъни барча хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бозор нархини қўйишга илож йўқ. Гўзал тоғ манзарасини қандай қилиб баҳолаш мумкин? Ёки тоғ водийсидаги сўлим жойлар, шаршаралар,кўллар, баҳор тароватини баҳолаш учун қанақа нарх қўйиш мумкин? Бундай табиат объектларининг баҳолаш мезонлари ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Лекин, умуман олганда бойликларни баҳолашда талай тажриба мавжуд, улар асосида жуда аниқ бўлмасада тахминий қийматларни ишлаб чиқиш мумкин.

**Э.В.Гирусовнинг фикрича, табиий ресурслар ва табиат хизматларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашни аниқлаш учун мавжуд ёндашувлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: бозор баҳоси, рента, табақалашган рент, сарфлаш, муқобил қиймат, умумий иқтисодий баҳолаш (қиймат).**

Бозорнинг муҳим хусусиятларидан бири ресурсларни хўжаликда самарали ишлатишни таъминлашга имкон беради, чунки бойликларнинг тақчиллиги тўғрисида олдиндан нарх хабарини беради. Нефть, табиий газ, ўрмон ва бошқа табиий ресурсларни бозор нархи ва уларнинг тез-тез ўзгариб туриши бойликлардан самаралифойдаланишнибошқариш учун имкон туғдиради. Аслида ёқилғи турлари нархининг ошиб кетиши аввало улардан режа асосида ишлаш, энг муҳим самарали ишлашни таъминлайди, чунки жаҳон бозорида нефть маҳсулотлари нархининг кўтарилиши транспорт ҳаракатининг бироз бўлсада камайишига таъсир эътади, бу билан атроф-муҳитнинг ифлосланиш жараёнида ижобий ўзгаришлар содир бўлади, яъни ҳавога камроқ углерод ва бошқа чиқиндилар чиқарилади. Бироқ ресурсларнинг қашшоқланиши ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши бозор механизмининг тез-тез ўзгаришига таъсир эътади. Бундай вазиятда бозор нархлари кўпинча бузилган ҳолатни акс эттиради, реал сарф-харажатларни

аниқ ифодаламайди, натижада талаб ва таклиф кўрсаткичлари ресурслар тақчиллигини тўғри ҳисобга олмайди. Бундай вазиятда ресурслардан самарали фойдаланиш учун рағбатлантириш паст бўлади.

Шундай қилиб, бозор ёндашуви табиат муҳофазасининг фақат бир вазифасини, яъни табиий ресурслар билан таъминланишини баҳолашга имкон беради қолган вазифалари-ўз-ўзини тозалаш ва инсонга табий хизматлар кўрсатиш бозорт тизимида акс этмайди.

Табиий ресурсларни баҳолашда рента (немисча-қайтариб берилган) асосида ёндашув яхши натижалар беради. Рента ёндашуви ресурсларнинг чекланган ва ноёб турларига хос  (масалан ер, цитрус мевалар, баъзи саноат ишлаб чиқариш тармоқлари ва бошқалар). Иқтисодий рента одатда чекланган табиий ресурслардан фойдалангандаги (ёки ижара) ҳақи –баҳо тушинилади. Бу вазиятда пассив таклиф негизида талаб рентани аниқловчи ягона таъсир этувчи омил сифатида олдинга чиқади. Кўпинча ресурс эгасининг ундан фойдалангандан оладиган рента даромади тўғрисидаги маънода ҳам қўллаш мумкин.

Ер ресурсларини  баҳолашда рента ёндашуви кўпроқ самара беради. Э.В.Гирусовнинг фикрича ер баҳосини (Р) қуйидаги формула асосида аниқлаш мумкин: РқR:r, бунда R-йиллик рента катталиги, r-коэффициент.

Фараз қилинишича рента маълум бўлмаган муддатга олинди дейлик, коэффициент кам бирлик сифатида олинди, унинг катталиги банк (ссуда) фоизи билан кўпинча боғланади. Масалан, агарда ҳар йилги ер участкасининг рентаси 10 минг сўм бўлса, ссуда (қарз) фоизи 10% га тенг деб олинса, у ҳолда участка нархи 100 минг сўмга тенг бўлади. Бу ҳолда ер ресурси баҳоси банкка қўйилган капитал маблағ ўлчамига кўпинча тўғри келади, бу баҳо рента катталигига тўғри келадиган ҳар йилги даромад миқдорига баробар бўлади.

Табиий ресурсларни турли сифатга эга бўлиши табақалашган рента ёндашувини қўллашга имкон беради. Юқори сифатли табиий бойликлар (маҳсулдорлиги юқори бўлган ер, шўрланмаган тупроқ, руда миқдори кўп бўлган тоғ жинси ва бошқалар) бошқа шароитлар бир хил бўлган вазиятда (замонавий жиҳоз ва ускуналар, самарали технология, малакали мутахассислар ва бошқалар)қашшоқ ёки самараси камроқ бўлган ресурсларга нисбатан иқтисодий натижалари юқори бўлган кўрсаткичга эришишга имкон беради. Шўрланган тупроқларда олинаётган пахта, полиз, шоли экинлари ҳосилдорлиги энг камлиги (пата ҳосилдорлиги 5-12 ц, шоли 10-15 ц), шўрланмаган тупроқларда эса энг кўплиги (пахта ўртача гектарига 30-40 ц, шоли 50-70 ц) билан тавсифланган ҳолда табақалашган рента нархи ҳам юқрилиги билан фарқланади.

Худди шундай самара ресурсларининг жойлашуви ва транспорт омилида ифодаланади. Масалан, йирик шаҳар яқинида жойлашган қишлоқ хўжалик ерлари ва тегишли транспорт турларининг мавжудлиги уларни юқори даражада баҳога эгалигидаг далолат беради. Бунда ерларнинг маҳсулдорлиги кам бўлган тақдирда ҳам рента нархи жуда юқори бўлади. Шаҳар атрофига қатновчи транспорт турлари деҳқончилик маҳсулотларини

қисқа муддатда  шаҳар деҳқон бозорига элтади ва тадбиркор кўп миқдорда арзон транспорт ҳисобига маҳсулотларини ташиб, аҳолига сотишга улгуради ва юқори даромад олади. Ер эгаси  бунинг ҳисобига табақалашган рента ёндашуви асосида катта маблағга эга бўлади. Шаҳарлардан олисда жойлашган қишлоқ хўжалиги жамоалари ерларининг анча маҳсулдорлигига қарамай узоқ  масофа ва транспорт мураккабликлари ҳамда маҳсулотларнинг сифати бузилишини эътиборга олиб шаҳарларга камроқ товар-маҳсулот олиб келади, бундай вазиятда товар-маҳсулот қиймати анча юқорилиги билан тавсифланади, уни ўз вақтида сотиш қийинлашади, бинобарин нарх пасайиб боради, натижада даромад ҳам камлиги биланажралиб туради.

Юқоридагилардан маълум бўладики, табақалашган рента асоси ва унинг ўлчамларини табиий бойликлар сифати ва жойлашувида фарқлар ташкил қилади.

Табиий ресурсларни баҳолашда **сарфлаш (харжлаш)** ёндашуви ҳам фойдаланилади. Табиий бойликларни тайёрлаш ва фойдаланиш учун сарф-харажатларни жамлаш билан ҳосил бўлган қийматнинг ресурсни баҳолаш учун бошланғич нуқта деб қараш мумкин. Бу ёндашув табиий бойликларнинг камайиши, бузилиши ва сифатини йўқотишида қайта тиклаш қийматини баҳолашдан фойдаланилади. Бу ҳолда маълум жойда табиий ресурснинг йўқолиши ёки бузилишини тикловчи тадбирларга қилинган сарф-ҳаражатлар ҳисоб-китоб қилиниб,маълум баҳо аниқланади. Масалан, нефть ёки табиий газ қудуқлари бурғуланганда катта майдонда тупроқ қатлами бузилади, релъеф ўйдим- чуқурлашади, яйлов ишдан чиқади ва б. Бундай вазиятда бурғулаш ишлари тугагандан сўнг геологик  ташкилот табиий ресурсларга етказилган барча зарарни йўқотиб, аввалги табиий ҳолатга келтириш учун техник ва биологик рекультивация тадбирлари ўтказиб, ресурслардан фойдаланувчиларга расмий равишда топшириш шарт. Бу тадбирлар мажмуа ҳолда иқтисодий жиҳатдан ҳисоб-китоб қилиниб, қайта тиклаш сифати аниқланади.

Сарфлаш ёндашуви  қанчалик содда ва кенг фойдаланиши билан бирга ўзида қарама-қаршиликларга эга. Агар табиий ресурс юқори даражада сифатга эга бўлса, у ҳолда сарф-харажат тамойилига мувофиқ камроқ баҳога эга бўлади. Масалан, кучли босим билан отилиб чиқадиган нефть қувурларга тўғридан-тўғри йўналтирилиб, резервуар ёки нефтни қайта ишлайдиганкорхоналарга юборилади. Катта босим ҳатто компрессор станцияларини қуришни т аълаб этмайди. Кўпинча нефть қудуқдан махсус насослар ёрдамида тортиб олинади, бунга насос ва электр энергия, қувурларда нефтьни босим таъсирида ҳаракат қилиш учун компрессор станциялари қурилиши зарур бўлади. Бинобарин нефтни қудуқдан тортиб олиш ва керакли корхонага етказиб бериш учвн транспорт харажатлари зарур. Бундай вазиятда мантиққа тўғри келмайдиган ҳолат юз беради, яъни ресурснинг сифати қанчалик юқори бўлса, ундан фойдаланиш шунча кам харажатлар талаб қилади ва шунга мос равишда кам иқтисодий баҳога эга бўлади ва аксинча. Шунга мувофиқ сарф-харажат ёндашувининг табиий ресурсларни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда фойдаланишни чегаралайди.

**Муқобил қиймат (бой берилган фойда)** баҳолаш концепцияси иқтисодиётда кенг қўлланилади. Табиатдан фойдаланишни иқтисодий баҳолаш, бу баҳолашни ёндашувнинг кўп соҳаларида қўллаш мумкин. Табиатда ресурслар барча ҳудудларда ҳам турли даражадаги маҳсулдорликка эга, баъзан маҳсулдорлик умуман бўлмаслиги ҳам мумкин, масаланбархан қумлари, ҳаракатдаги қум уюмлари яйлов жиҳатдан нол маҳсулдорликка эга, ўта шўр шўрхоклар ҳам худди шундай тавсифланади. Агар бархан қумларини фитомелиорация (махсус ўсимликлар экиш билан қум ҳаракатини тўхтатиш) усули билан уларнинг ҳаракатини тўхтатишга эришилса маълум вақтдан сўнг маҳсулдор яйлов таркиб топади, қоракўл қўйларини боқиш билан маълум миқдорда даромад олиш мумкин.

Алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар-қўриқхоналар, миллий парклар, заказниклар-парваришхонанинг табиий ресурслари давлат қонунига биноан хўжаликда фойдаланилмайди, дарахтларни кесиш, пичан ўриш, мол боқиш қатъиян ман этилади. Демак, бу ҳудудларда табиий ресурслар бойлиги билан ажралиб туради. Муқобил қиймат ёндашувига биноан бу ҳудудларда кўплаб бойликлардан фойдаланмаслик натижасида иқтисодиёт «зарар» кўрмоқда. Аслида халқ хўжалиги катта миқдорда фойда кўрмоқда, чунки бу ҳудудларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилади, йўқолиб бораётган ноёб фауна ва флора вакилларини сақлаб қолишга эришилди, уларнинг сони ортиб бормоқда, табиат ёдгорликлари, геологик кесмалар, тоғ жинслари, палеонтологик ёдгорликлар мухофаза қилади.

Муқобил қиймат конспекцияси маълум даражада сарф харажат ёндошуви билан боғлиқ. Табиат бойликларининг муқобил қиймати қанчалик кам бўлса. Бу бойликларни сақлаб қолиш учун зарур бўладиган иқтисодий товон (хақ учун хам шунчалик кам сарф харажат керак).

Муқобил қиймат ёндошувига мисол сифатида Чирчиқ дарёси ирмоғи Писком дарёсида лойиҳаланган сув омбори ва унинг таркибидаги гидроэлектр станцияларни кўрсатиш мумкин. Агар сув омборини қуриш учун расмий равишда рухсат берилса водийнинг ноёб вам улкан тоғ табиат бойликлари сув остида қолиб кетади. Мутахассисларнинг хисоб-китоб қилишича сув омборини қуриш ва унинг иқтисодий фойдаси табиат бойлигидан камроқ бўлиши тахмин қилинмоқда. Чунки сув омбори фақат арзон электр энергия ишлаб чиқариш учун зарур сув омборида йиғилган сувни Чорвоқ сув омборида  хам жамғариш мумкин. Хозирги мазкур лойихани амалга ошириш тўхтаб турибди. Бу лойихани бошқа дарёда хам амалга ошириш мумкин бу муқобил вариантда Писком водийсининг ажойиб бетакрор табиати сақланиб қолади.

**Назорат топшириқлари:**

1. Э.В.Гирусов таҳлилларини ёритиб беринг.
2. Ер рентасини мазмунини ёритиб беринг.
3. Табақалашган рента ва монопол рентани ифодалаб беринг.

**3-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Э.В.Гирусов ёндашуви бўйича ресурсларни иқтисодий баҳолашни изоҳлаб бериш.

-Бозор баҳоси ва ресурслар мазмунини баён қилиш.

**3-савол баёнига оид муаммолар.**

-Умумий иқтисодий баҳолаш ва унинг хусусиятлари.

-Умумий иқтисодий баҳолаш ва унинг элементлари.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Умумий иқтисодий баҳолашни Гирусов ёндашуви бўйича ёритади.

-Фойдаланилмайдиган қиймат моҳиятини ифодалайди.

**3-асосий савол баёни.**

Табиатни баҳолашда мажмуали ёндошув нуқтаи назаридан ва нафақат тўғри ресурс функцияларини хисобга олишдан ташқари яна табиий мухитининг ўзлаштириувчи хусусиятларини хисобга олиш бўйича истиқболли консепциялардан бири умумий иқтисодий баҳолаш (қиймат) хисобланади. Э. В. Гирусовнинг фикрича умумий иқтисодий баҳолаш тўрт кўрсаткичининг жами катталигидан иборат яни фойдаланиш қиймати қўшув фойдаланилмаган қиймат тенг тўғри фойдаланиш қиймати қўшув билвосита фойдаланиш қиймати қўшув имкон қиймати қўшув мавжуд бўлиш қиймати (2-чизма).




2-чизма. Ўрмон ресурслари учун умумий иқтисодий баҳолаш (қиймат) нинг тузилма кўрсаткичлари (Гирусов ва б 1998).

Иқтисодий баҳолашга фойдаланиш қиймати энг кўп мос келади (шунингдек истеъмол қиймати хам) масалан ўрмонлар берувчи барқарор тўғри қиймати қўйдагилардан иборат бўлади: барқарор ўтин тайёрлаш, доривор ўсимликлар, қўшимча махсулотлар (қўзиқорин, мевалар, ёнғоқ),

сайёҳлик, барқарор овчилик ва баликчилик. Ушбу барча кўрсаткичлар амалда маълум ва ўзининг қийматига эга уларни жамлаш натижасида тўғри қиймат вужудга келади.

Фойдаланишни билвосита қийматини аниқлаш анча мураккаб бу кўрсаткич кўпинча сайёра миқиёсида қўлланилиди. Шунинг учун глобал аҳамиятга эга. Бу глобал ва махалий фойдаларнинг мос келмаслиги билан тушунтирилади. Масалан билвосита қиймат бирор мамлакат ёки худудга фойдали бўлмаса балки бошқа мамлакат ёки бутун сайёра учун наф бўлади. Нам тропик ўрмонларнинг айёвсиз қирқилаётганлиги ва буни оқибатида ноёб ўсимлик ва хайвонот турларининг йўқолиб бораётгани сайёра ёки биосфера миқиёсида нохуш ходисаларни ривожланишига сабаб бўлмоқда. Ўрмонларни қирқишнинг махаллий фойдаси биосфера миқиёсидаги салбий ходисаларга нисбатан бир неча марта кам, хаттоки фалокатлидир, чунки ўрмон тупроқлари қисқа муддатларда хўжалик муомаласида чиқиб кетади. Бунда ботқоқланиш, эрозия, шўрланиш, дефлеациякаби ходисалар фаол ривожланади.

Бу зиддиятни амалий жихатдан хал қилиш учун халқаро миқиёсида глобал экологик жамғарма ташкил қилинган унинг асосий мақсади табиатни мухофаза қилиш тадбирларини инвестиция билан таъминлаш бўлиб бу махаллий фойдага устиворлик бермай балки бутун дунё учун наф беришни назарда тутади. Билвосита қийматидан фойдаланиш кўрсаткичи каттароқ худудлар учун фойдани йиғишга харакат қилади. Ўрмонни билвосита қийматидан фойдаланиш тадқиқоти баъзан қуйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлади: ис гази билан боғланиш (иссиқ хона самарасини юмшатиш); сувни тартибга солиш функцияси (худудни сув тошишидан мухофаза қилиш).

Хисоб китоб учун имконий қиймат янада мураккаблиги билан тафсивланади. Бу хол келажакда фойдаланиш учун худуднинг биоресурларини консервация (асраш) қилиш билан боғлиқ. Бунда имконий қиймати тўғри (бавосита) ва билвосита қийматларнинг фойдаланиш қийматидан иборат бўлади. Фойдаланилмайдиган қиймат мавжуд бўлиш баҳосига асосланади, бу табиатнинг нозик этик ва эстетик сохаларини бахолашга ас қотади. Чунки инсон учун табиатнинг эстетик бахоси жуда юқори хисобланади уни келажак авлод учун сақлаш бурчи, мероснинг бахоси ва бошқалар эътиборга олиниши лозим. Мавжуд бўлишнинг қиймати табиатни мухофаза қилиш учун мухим сабаб бўлиши мумкин. Бу қийматни бахолашда содда иқтисодий ёндашувлар қўлланилади, энг аввало «тўлашга тайёрлиги» назарияси билан боғлиқ «қалбаки» бозорларни тузиш учун урунишлар асосида харакат қилинади. Анкета ва сўроқ қилиш услублари кенг қўлланилади. Меъёрдаги бозор мавжуд бўлмаганда қийматни субъектив бахолаш усулидан фойдаланилади. Бу усулда табиат гўшасининг бахосини аниқлашда уни шу жойдаги мавжуд субъектлардан сўраб билишга асосланган. Шунинг учун уни ифодаланган афзал кўриш услуби деб хам юритилади. Рекреация жихатидан бой бўлган худудлар (дарё ёки сув омбори соҳили, тоғ кўли) даги махаллий аҳоли дам олувчиларга маълум бахода дам олишга рухсат беришини таклиф этадилар. Лекин бу жараёнда объектни

ифлос қилмаслик шарти билан бир қарорга келишади. Хисоб китоб асосида «тўлашга тайёр» тамойили бўйича ўртача бахо аниқланади ва уни дам олувчилар сонини кўпайтирилади ва ўртача жами баҳо аниқланади.

Хузур қилишни баҳолаш услуби табиий ресурслар қийматини аниқлашда кенг қўлланилади. Бу усул кўпроқ уй-жой олди сотдисида қўлланилиб. Мулк эгаси яхши даромад қилиш мумкин. Талабгор тайёр уй-жой сотиб олишда табиатни гўзал жойлари, қуёш нури тушиб турадиган, шамол эсиб турадиган, сув объектлари мавжуд бўлган, дарахтзор, автомабил харакати камроқ бўлган, хуллса табиат инсонга хузур бағишлайдиган жойларидан бўлишини хохлайди. Тайёр уй жой нархига. Албатта экологик жихатдан тоза ва табиат чиройи каби хусусиятлар қўшилади. Бу билан мулк эгаси маълум миқдорда даромад қилади. Демак табиат хиссаси бу жараёнда сотиб олувчининг хузур қилиш услубига асосланганлигидан дарак беради.

**Назорат топшириқлари:**

1.Умумий иқтисодий баҳолашни тушунтириб беринг.

2.Умумий иқтисодий баҳолашни Э.В.Гирусов ёндашуви бўйича изоҳлаб беринг.

3.Имкони қиймат мазмунини изоҳланг.

**Илмий муаммолар.**

1.Табиат ҳамда унинг ресурсларини иқтисодий баҳоси муаммоси.

2.Табиат ресурсларини иқтисодий баҳолаш.

3.Умумий иқтисодий баҳолаш.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Табиий бойликлар нархини билиш, аввало лойиҳаларнинг муқобил вариантларини танлаш, иқтисодий самарадорликка эришиш, табиат муҳофазасига кенг йўл очиш, аҳолининг экологик жиҳатдан яшаш шароитларини яхшилаш учун катта имкониятлар очди. Баҳолаш асосида капитал қурилишларнинг вариантларига таъсир эътиши мумкин.

**Мустақил таълим материаллари.**

1. Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари, Урганч, 1999.

2. Экономика и экология (под ред Н.Н.Агапова), М.Российская экономическая академия, 2000.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.

2.Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.

3.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

## YII.Мавзу. Ерни иқтисодий баҳолашнинг умумий тамойиллари ва услибиёти(2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар).**

1.Ерни иқтисодий баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари.

2.Ерни иқтисодий баҳолашда табиий омилларнинг ўзига хос ўрни.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**

Ерни иқтисодий баҳолаш, табиий ҳосилдорлик, сунъий ҳосилдорлик, ерларни режалаштириш, тупроқ хусусиятлари.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Ҳозирги даврда Ерни иқтисодий баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари.

2.Ерни иқтисодий баҳолашда табиий омилларнинг ўзига хос ўрни.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Ерни иқтисодий баҳолаш мазмунини иқтисодий баҳолаш асосларини изоҳлаб бериш.

-Ерни иқтисодий баҳолашда тупроқ (ерни табиий, сунъий ва самарали ҳосилдорлигини) ўрнини ёритиб бериш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ерни иқтисодий баҳолаш ва бозор иқтисодиёти.

-Тупроқ асосий ҳосила сифатида.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Ерни иқтисодий баҳолаш мазмунини ёритиб беради.

-Ерни табиий ҳосилдорлигинии изоҳлаб беради.

-Ерни сунъий ҳосилдорлигини ёритиб беради.

**1-асосий савол баёни.**

Ерни иқтисодий баҳолаш деганда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги нисбий баҳоси тушинилади. Бошқача айтганда, турли сифат кўрсаткичларига эга бўлган ерларнинг нисбий даромад миқдори англанади. Ерни иқтисодий баҳолашнинг бош моҳияти ернинг сифатини қишлоқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг меҳнат унумдорлигига таъсирини англашдан иборат.

Одатда ернинг табиий, сунъий ва самарали ҳосилдорлик хусусиятлари ажратилади. Ернинг табиий ҳосилдорлиги тупроқнинг ҳосил бўлиш жараёнлари билан боғлиқ. Сунъий ҳосилдорлик инсон томонидан унга турли ишлов бериш (ҳайдаш, ўғит солиш, мелиорация, агротехник ва бошқа тадбирлар) жараёнида вужудга келади. Самараои ёки иқтисодиё ҳосилдорлик табиий ва сунъий ҳосилдорликларнинг ўзаро қўшилишидан вужудга келади. Аслида, бу икки гуруҳдаги ҳосилдорлик ўзаро яқиндан боғлиқ бўлиб, бир-бирларини ўзаро тақозо этади. Сунъий ҳосилдорликни бузилиши тупроқ деградациясига олиб келади. Ернинг ҳосилдорлиги қотиб қолган ҳодиса эмас, у ўзгариб туради. Табиий ёки инсон омиллари таъсирида юқори бўлиши ёки аксинча пасайиши мумкин. Шунинг учун ҳам ернинг иқтисодий баҳосини бутун бир умрга етарли қилиб аниқланмайди, уни маълум вақтларда қайтадан янгилаб туриш лозим. Ерни иқтисодий баҳолаш уни фақат ҳосилдорлик бўйича амалга оширмай, шунингдек, унинг жойлашишини ҳисобга олади, яъни шаҳарларга яқинлиги, саноат марказларидан узоқлиги, транспортнинг мавжудлиги ва бошқалар.

**Назорат топшириқлари.**

1.Ерни иқтисодий баҳолаш деганда нимани тушунасиз?

2.Ерни табиий ҳосилдорлиги деганда нимани тушунасиз?

3.Ерни сунъий ҳосилдорлиги деганда нимани тушунасиз?

4.Ерни самарали ҳосилдорлиги деганда нимани тушунасиз?

**2-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Ерни иқтисодий баҳолашда табиий омилларни ўрнини изоҳлаб бериш.

-Тупроқ хусусияти ва унинг маҳсулдорлигини ёритиб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ерни иқтисодий баҳолашда ва табиий омиллар.

-Тупроқ хусусияти ва унинг маҳсулдорлиги асослари.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Ерни иқтисодий баҳолашда табиий омиллар ўрнини ёритади.

-Тупроқ хусусияти ва унинг маҳсулдорлиги ошириш асосларини тушунтиради.

**2-асосий савол баёни.**

Ерни иқтисодий баҳолаш жараёнига релъефнинг ўйдим-чуқурлиги, горизонтал парчаланганлиги, қиялиги, тупроқнинг қалинлиги, тошлоқлиги, механик таркиби, тупроқ тури ва кичик тури, грунт сувлари сатҳининг жойлашуви, тупроқ таркибида бирламчи туз ва гипснинг мавжудлиги, шамол ва боқа ҳодисалар фаол таъсир этади. Бу омилларнинг таҳлил қилиш билан тупроқ балл тизимида баҳоланади, сўнг ер кадастри ишлаб чиқилади.

Ерни иқтисодий баҳолаш мақсадида уни материаллар билан таъминлаш учун, шунингдек, қишлоқ хўжалигини режалаштириш ва ташкил қилиш ниятида, ҳамдаер баланси, ернинг баҳолашнинг ҳудудий бирликларини ҳисобга олиш учун барча ерларни тоифаларга бўлиш мақсадга мувофиқ: **хўжалик ичидаги ва умумий ер (баҳолаш бирликлари).** Бу бирликлар хўжаликнинг ичида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини режалаштириш ва ташкил қилиш талабларига мос келиши лозим. Бу тоифадаги ерлар ўз навбатида яна икки гуруҳга ажратилиши мумкин: **биринчи гуруҳдаги ерларга хўжаликнинг ердан фойдалаништузилмасига мувофиқ хўжалик учун умуман ажратилган ерлар, бригадалар, фермерлар ва бошқалар фойдаланиш учун берилган ерлар киради; иккинчи гуруҳга хўжалик жиҳатидан фойдаланиладиган (экинзорлар) ер массивлари чунончи, пахта, шоли, буғдой, ем-хашок, полиз, боғ, ўрмон ва бошқалар экиладиган ерлар, ўт-алмашлаб экиш участкалари, айрим далалар, партов, ишдан чиққан майдонлар, яйлов, пичанзор ва бошқалар киради. Жамоа хўжалиги ҳудудида барча экинзорларни шу тартибда ўзаро боғлиқ ҳолда солиштириш йўли билан ернинг нисбий баҳосини аниқлаш мумкин.**

Шуни назарда тутиш керакки, экинзорлар жойлашишида аввало уларни маълум релъеф элементаларига (қаварик, ботиқ,ён-бағир, текислик, қия ва тўлқинсимон текисликлар ва бошқалар) қараб жойлашуви, тупроқ турлари, грунт сувлари режими, иқлим хусусиятлари, яйлов тури ва бошқаларнинг аниқ ҳисобга олиниши баҳолашнинг асосланганлигига жиддий таъсир этади. Бунда сув манбалари ва уларнинг сифати алоҳида эътиборда бўлади.

Тупроқ сифати ёки маҳсулдорлиги унинг тури, физик-химиявий хусусиятлари,,механик таркиби,гумус қатламининг қалинлиги ва миқдори,

грунт сувлари сатҳининг жойлашуви ва бошқа омилларга боғлиқлигиниҳеч ким инкор этмайди. Тупроқ қанчалик қулай табиий хусусиятларга эга бўлса, шунча катта ҳосилдорликка эга бўлади. Лекин бу кўрсаткичлар тупроқ иқтисодий маҳсулдорлигининг мезонлари бўлиб хизмат қила олмайди. Тупроқни иқтисодий жиҳатдан баҳолаганда ундаги экинларнинг ҳосилдорлиги ва майдон бирлиги (гектар) дан олинган даромад энг яхши ва ишончли мезонлар ҳисобланади.

Ҳосилдорлик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг сўнгги натижаси, шунинг учун ҳам ернинг баҳосини қайд қилади. Экинлардан олинган ҳосил миқдорига қараб, далаларнинг баҳосини аниқлаш мумкин, тупрқнинг маҳсулдорлиги қиймати равшан бўлади. Тупроқ маҳсулдорлиги барча табиий ва сунъий мелиоратив аҳволни тўлиқ ўзида мужасамлаштириди. Ерни иқтисодий баҳолаш икки кўрсаткичда амалга оширилади: **Ялпи маҳсулот бўйича амалга ошириш ерни ишлаб чиқариш воситаси сифатида майдон бирлиги бўйича қийматини билишга имкон беради.** Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш ҳажмини майдон бирлигида табақалашган ҳолда режалаштириш учун, экин майдонидан оқилона фойдаланиш, солиқ тизимини тўғри амалга ошириш ва бошқаларни аниқлашда зарур. **Соф даромад бўйича ерни иқтисодий баҳолаш майдон бирлигидан олинадиган даромадни чамалашда қўл келади, бу ҳол табақалашган солиқ, ренталарни аниқлашда зарур омил ҳисобланади. Ҳосилдорлик ва соф даромад жамоа хўжалиги ҳудудида олдиндан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми ва ундан келадиган соф даромадни режалаштиришда энг ишончли механизм бўлиб хизмат қилади.**

### Назорат топшириқлари:

1.Ерни иқтисодий баҳолашда табиий омиллар ўрнини ёритиб беринг.
2.Рельефни ўрнини асосланг.
3.Юқори ҳосилдорлик асосларини тушунтириб беринг.

### Илмий муаммолар.

1.Ерни иқтисодий баҳолаш муаммоси.
2.Ерни иқтисодий баҳолашда табиий омиллар ўрни.
3.Ер-қишлоқ хўжалиги-ҳосилдорлик.

### Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.

Ерни иқтисодий баҳолаш деганда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги нисбий баҳоси тушинилади. Бошқача айтганда, турли сифат кўрсаткичларига эга бўлган ерларнинг нисбий даромад миқдори англанади. Ерни иқтисодий баҳолашнинг бош моҳияти ернинг сифатини қишлоқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг меҳнат унумдорлигига таъсирини англашдан иборат.

### Мустақил таълим материаллари.

1.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

### Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.

1.Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари, Урганч, 1999.

2. Экономика и экология (под ред Н.Н.Агапова), М.Российская экономическая академия, 2000.

## VIII. Мавзу. Ер кадастри ва тупроқ бонитировкаси(2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар).**

1.Кадастр ва ер кадастри моҳияти.
2.Тупроқ бонитировкаси ва унинг моҳияти.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**

Кадастр, тупроқ кадастри, тупроқ бонитировкаси.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Ер кадастри ва бозор иқтисодиёти таъмойиллари.
2.Тупроқ бонитировкаси ва қишлоқ хўжалиги.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Кадастр моҳиятини ёритиб бериш.
-Ер кадастри ва унинг асосларини баён қилиш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Бозор ислоҳотлари ва кадастр.
-Ер кадастри ва қишлоқ хўжалиги самарадорлиги.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Кадастр моҳиятини изоҳлаб беради.
-Ер кадастри асосларини изоҳлаб беради.

**1-асосий савол баёни.**

Кадастр (французча-реестр, рўйхат) –объект ёки ходиса тўғрисида жамлама сифатида миқдорий маълумотларнинг тизимли мажмуаси ҳисобланади, кўп ҳолларда улар иқтисодий баҳолашнинг назарда тутади. Кадастрнинг турлари кўп. **Ер кадастри қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш; ерни миқдорий ҳисоби; Ернинг сифати; тупроқ бонитировкаси; ерни иқтисодий баҳолаш.**

Тупроқ бонитировкаси (лотинча тилдан-асл, сифатли)-тупроқни унумдорлиги бўйича нисбий баҳолашдан иборат. Қиёсий баҳолаш тупроқларни мавжуд объектив хусусиятлари ва белгилари асосида амалга ошириш, булар қишлоқ хўжалик экинларининг ўсишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бонитировкада миқдорий кўрсаткичлар (баллар)қўлланилади. Улар бир тупроқни иккинчи тупроқдан қанчалик яхши ёки ёмон эканлигини аниқлашга имкон беради, бунда тупроқнинг энг муҳим хусусиятлари ва ҳосилдорлиги эътиборга олинади. Бошқача айтганда тупроқ бонитировкаси бу тупроқнинг ҳосилдорлигини балл ҳисобида агрономик инвентаризация қилиш бўлиб, балл тупроқнинг асосий хусусиятлари ва энг муҳим қишлоқ хўжалик экинларининг ўртача ҳосилдорлиги ҳамда табиий яйлов (пичанзор)ларнинг маҳсулдорлигини ҳисобланган кўрсаткичидир.

**Назорат топшириқлари,**

1.Кадастр мазмунини изоҳлаб беринг.
2.Ер кадастри таркибий қисмларини гапириб беринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Тупроқ бонитировкасини изоҳлаб бериш.

-Бонитировка шкаласини баён қилиш.

-Ўзбекистон ҳудудида тупроқ банитети фарқларини тушунтириш

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Қишлоқ хўжалиги ва тупроқ бонитировкаси.

-Республика ҳудудида тупроқ бонитети ва унг асосий жиҳатлари.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Тупроқ бонитировкасини изоҳлаб беради.

-Бонитировка шкаласини баён қилади.

-Ўзбекистон ҳудудида тупроқ банитети фарқларини тушунтириб беради.

**2-асосий савол баёни.**

Тупроқ бонитировкаси ер кадастрининг асосий қисмларидан бири бўлиб, ер фондини миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ҳисобланади. Миқдорий ҳисобга олиш муҳити ердан фойдаланиш ва экинларнинг тури бўйича майдони ҳисобида тақсимланиши кўрсатилади, ҳайдаладиган, суғориладган ерлар, боғлар, пичанзор, яйловлар ва бошқаларни майдони ҳисобга олинади. Сифат жиҳатидан инвентаризация қилиш тупроқнинг асосий хусусиятлари, айниқса, унумдорлиги ҳамда меҳнат маҳсули-экинларнинг ҳосилдорлиги (кўрсаткичи) ҳисобга олинади. Бунда ҳар бир ер участкасининг ҳақиқий ва потенциал (имконий) маҳсулдорлиги, шунингдек бутун жамоа хўжалиги, туман ва вилоят бўйича кўрсаткичлар аниқланади. Бундай тартибда ер участкаларининг ҳисобга олиш қишлоқ хўжалик ерларини (экинзорларини), ҳайдаладиган ерлар, пичанзор, яйлов, ўрмон ва бошқаларнинг маҳсулдорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда зарур бўлади. У хўжаликларни тўғри ихтисослашуви ва тармоқларни оқилона алмашиб келиши, ерларни мелиорация қилишда капитал маблағни сарфлашни режалаштиришда асос бўлади. Шу билан бирга тупроқ бонитировкаси мустақил аҳамиятга эга бўлиб, маълум ҳудудларнинг (жамоа хўжалиги, туман, вилоят) тупроқларининг унумдорлиги бўйича гуруҳларга бирлаштириш ва солиштириш учун имкон беради, жамоа хўжаликлари ва ишлаб чиқариш фаолиятига ҳудуднинг иқлимий ва иқтисодий шароитларини эътиборга олиб объектив баҳо бериш, тупроқлардан оқилона фойдаланиш аосисда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, резервларни аниқлашга ёрдам беради.

Бонитировка пахта, дон, шоли, ем-хашак, қанд лавлаги етиштириш табий ўт ва ўрмонлар, боғлар ташкил қилиш учун энг қулай шароитларни аниқлаш мақсад қилиб қўйилади. У қишлоқ хўжалик мутахссисларини суғорма, лалми ерлардан, яйловлардан жадал фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқишда ёрдам беради. Бонитировка асосида тупроқ сифатига мос келадиган ҳосилдорликни олдиндан белгилаш, тупроққа солинадиган минерал ва органик ўғитлар миқдорини аниқлаш мумкин бўлади. Бонитировка тупроқнинг қандай чора-тадбирларга муҳтожлиги, эрозия ва дефляция, қуритиш мелиорацияси, фитомелиолрация тадбирларини амалга

ошириш зарурлигини худуд бўйича ҳамда айрим ареалларда мунтазам кенг миқёсда қўллашни асослайди.

Бонитировка усуллари ва бонитировка шкаласи баҳолаш мезонлари бўйича фарқланади. Бунда тупроқнинг айрим табиий хусусиятлари ёки ушбу хусусиятлари жами баҳолашда фойдаланилади. Лекин баҳолаш жараёнида тупроқни қишлоқ хўжалик экинлари ривожланишишароитларини белгиловчи хусусиятлари ва белгилари асос қилиб олинади. Шунинг учун ҳам маълум хусусиятларга эга бўлган тупроқ бир турдаги экин учун қулай, бошқа турдаги экинлар учун эса ноқулай бўлиши мумкин.

Тупроқларни хусусиятлари бўйича баҳолаш мантиқан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини назорат қилади. Тупроқларни баҳолашда уларга жиддий таъсир этувчи омиллар, яъни рельеф, грунт сувлари сатҳи ва минераллашув даражаси, иқлим хусусиятлари, грунтнинг сув ўтказувчанлиги, ётқизиқларнинг литологик таркиби, ернинг ўлчамлари бошқаларга катта аҳамият берилади.

МДҲ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда 100 баллик баҳоловчи шкалақабул қилинган. Балларни ишлаб чиқиш ер тузиш давлат лойиҳа институтлари (УЗГИПРОЗЕМ), олий ўқув юртлари тупроқшунослик кафедралари, тупроқшунослик илмий-тадқиқот институтларида маҳаллий табиий ва иқлимий шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

**Бонитировка балларини ҳар бир баҳолаш белгиси бўйича ҳисоб-китоб қилиш қуйидаги қабул қилинган формула асосида амалга оширилади:** $Б = \frac{3x100}{K}$

Б-тупроқ балли, З-бирор белги(Гумус миқдори, азот, фосфор, калий ва бошқалар), К-шу белгининг қиймати, у 100 балл ҳисобида олинади. Балли баҳолаш тупроқларнинг андозали кўрсаткичлариасосида бажарилиши лозим, ўшанда тупроқдаги гумус миқдори 100% га тенг бўлади. Масалан, суғориладиган оч бўз тупроқда гумус миқдори айтайлик 1,3% бўлса, у андозали тупроқда 2,3% га тенг деб ҳисоблаш билан юқоридаги формула асосида қуйидаги миқдорга эга бўламиз: **1,3 % кўпайтирилган юз балл бўлинган 2,3% тенг 57 балл.**

Жадвалдан маълумки яхши, ҳосидор тупроқлар 71-100 балл, ўрта 41-70 балл, 11-40 балл билан тавсифланади.

Мутахассислар тупроқ бонитировкаси балларини таснифлаш натижасида қуйидаги шкалани таклиф қилишган (1-жадвал).

| Бонитет класси | Бонитет балл | Тупроқнинг сифатий тавсифи |
|---|---|---|
| 10<br>9<br>8 | 91-100<br>81-90<br>71-80 | Яхши |
| 7<br>6<br>5 | 61-70<br>51-60<br>41-50 | Ўрта |

| | | |
|---|---|---|
| 4<br>3<br>2 | 31-40<br>21-30<br>11-20 | Ёмон |
| 1 | 1-10 | Деҳқончиликда фойдаланилмайди |

Юқорида мисол сифатида кўрсатилаг 57 баллга эга бўлган суғорма оч тупроқ ўртача даражадаги сифатга эга. Унумдорлиги турлича бўлган ерларда етиштирила оладиган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ўртача тахминий ҳосилдорлиги қандай бўлишини аниқлаш учун муайян тупроқ бонитети баллининг баҳосига кўпайтириш керак. Энг яхши (100) ерларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги турлича баҳоланади (2-жадвал):

| Экин турлари | 100 балли энг яхши ерда етиштирилган ҳосил, га-ц. | 1 баллнинг баҳоси га-ц. |
|---|---|---|
| 1.Пахта<br>2.Беда, биринчи йил соф ҳолда<br>3.Қоплама экин тариқасида экилганда<br>4.Дон учун экилган маккажухори<br>5.Иккинчи ва учинчи йилги беда<br>6.Бошоқли дон экинлари:<br>7.Соф ҳолда экилганда<br>8.Қоплама экин тариқасида экилганда<br>9.Силос учун экилган маккажухори<br>10.Озуқабоп илдиз мевали экинлар | 40<br>100<br>75<br><br>200<br>60<br>25<br>650<br>950<br><br>300<br>260 | 0,40<br>1,00<br>0,75<br><br>2,00<br>0,60<br>0,25<br>6,50<br>9,50<br><br>3,00<br>2,50 |

Юқорида келтирилган балл (57) нинг пахта нуқтаи назаридан қаралса у ҳолда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги жадвал бўйича гектарига 22,8ц тенг бўлади: **57 кўпайтирилган 0,4 тенг 22,8ц.**

Ўзбекистон республикаси вилоятлари учун қуйидаги тупроқ бонитет баллари (суғориладиган ерлар) аниқланган (Толипов ва бошқалар 1994). Масалан, Қорақалпоғистон республикаси –40-63, Хоразм-60-70, Жиззах-53-58, Бухоро-58, Самарқанд-67, Навоий-58, Сирдарё-53, Тошкент-66, Андижон-65, Наманган-66, Фарғона-66, Қашқадарё-54, Сурхондарё-68. Ушбу баллар ўртача бўлиб, вилоятлар бўйича уларнинг тебраниши катта.

Ерларни агрономик ишлаб чиқариш гуруҳларига бирлаштириш-бу ўзига хос таснифланиш бўлиб, бунда генетик жиҳатидан бир хил ва агрономик хусусиятлари бўйича бир-бирларига яқин бўлган тупроқлар ўзаро бирлаштирилиб, улар асосида хўжалик жиҳатдан бир хил бўлган массив аниқланади. Ерларни агрономик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича гуруҳлаштириш у ёки бу экинлар ва ўт алмашлаб экиш ротациясида хўжалик мутахассисларини агротехник, ўғитларни қўллаш, мелиоратив тадбирларни

амалга ошириш, суғоришни ташкил қилиш, мелиоратив белгилаш ва бошқа ишларни бажаришда табақалашган ҳолдаги бошқарувни қўллашга йўналтирилади. Бу ер ва сувдан тўғри фойдаланиш тизимини амалга оширишга имкон беради.

Бинобарин, ерларни агрономик ишлаб чиқариш гуруҳларига бирлаштириш икки мақсадни кўзлайди: Бир томондан бутун туман, вилоят ҳудудида тупроқ контурларини йириклаштириш, бу айниқса, аниқ тадбирларни қўллашга кенг имкониятлар яратади; тупроқ турлари ва айрим ишлаб чиқариш гуруҳларини солиштириш мумкин бўлади. Бу вазиятда сифат бўйича тупроқнинг 4-5 тоифалари ва уларни агрономик ишлаб чиқариш гуруҳларини (энг яхши, яхши, ўртадан паст ва ёмон) ажратиш тавсия этилади. Бу ҳолдеҳқончилик экинларини, қишлоқ хўжалин нуктаи назардан районлаштиришга имкон беради. Ерларни агрономик ишлаб чиқариш гуруҳлари бўйича тоифалашни сифат жиҳатдан баҳолаш деб қараш лозим. Сифат жиҳатдан баҳолаш негизида тупроқларни бонитировка қилиш амалга оширилади. Тупроқни гуруҳлаштириш бонитировка ва ер кадастри тизимида амалга оширилиши асосан туман, вилоят,республика миқёсида тупроқнибаҳолаш мақсад қилиб қўйилган тақдирда бажарилади.

Арид иқлим шароитида ерларни бонитетлашда тупроқнинг гранулометрик таркиби, грунтнинг сув ўтказувчанлик хусусияти, тупроқнинг шўрлиги ва маданийлашган даражаси, грунт сувлари режими ҳисобга олинади ва бонитировка жараёнида уларни ҳар бирига маълум коэффициент ишлаб чиқилади ва уларни ҳисоблашда фойдаланилади.

**Назорат топшириқлари:**

1.Тупроқ бонитировкасини мазмунини изоҳлаб беринг.

2.Ерларни агрономик ишлаб чиқариш гуруҳларига бирлаштириш мақсадларини изоҳланг.

**Илмий муаммолар.**

1.Тупроқ бонитировкаси ва қишлоқ хўжалиги самарадорлиги асослари

2.Тупроқ бонитети класслари шкаласи хусусияти.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Кадастр (французча-реестр, рўйхат) –объект ёки ҳодиса тўғрисида жамлама сифатида миқдорий маълумотларнинг тизимли мажмуаси ҳисобланади, кўп ҳолларда улар иқтисодий баҳолашнинг назарда тутади. Тупроқ бонитировкаси (лотинча тилдан асл, сифатли) -тупроқни унумдорлиги бўйича нисбий баҳолашдан иборат. Қиёсий баҳолаш тупроқларни мавжуд объектив хусусиятлари ва белгилари асосида амалга ошириш, булар қишлоқ хўжалик экинларининг ўсишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бонитировкада миқдорий кўрсаткичлар (баллар)қўлланилади.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Ўзбекистон республикаси конституцияси. Т:. Ўзбекистон, 1992.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон, 1998.

3.Алимов Т.А.Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. Т. Ўзбекистон, 1991.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Банников А.Г и др Основи экологии и охрана окружаюшей среди. М. Колос. 1999.
2.Гирусов Э.В. и др Экология и экономика природопользования, М. ЮНИТИ,1998.
3.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик, Т.Университет,1998.
4.Рўзиев А, Абирқулов Қ Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.
5.Турсунов Х Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.
6.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.
7.Шилов И.А. Экология. М. Вис.школа. 1998.
8.Шодиметов Ю Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.
9.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.

## IX. Мавзу. Сув ресурсларини баҳолаш (2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар).**

1.Сув ресурслари ва уни иқтисодиётда тутган ўрни.
2.Сувдан фойдаланиш таъмойиллари ва уларнинг афзалликлари.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**

Дунё сув захираси, компенсация усули, ҳақ тўлаш механизми.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Дунё сув манбаи ва иқтисодиёт.
2.Сувдан фойдаланиш таъмойиллари ва уларнинг афзалликлари.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Сув ноёб ресурс эканлигини изоҳлаб бериш.
-Суғорма деҳқончилик ва табақалашган рентани тушунтириш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Сув асосий табиий ресурс сифатида.
-Суғорма деҳқончилик ва табақалашган рентани моҳияти.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Дунё сув ресурсини изоҳлаб беради.
-Сув манбаларини тушунтиради.

**1-асосий савол баёни.**

Сув ноёб бойлик, уни ҳеч қандай минерал бойликка тенглаштириб бўлмайди. Бинобарин, сувни баҳолаш ҳам анча мураккаб жараён. Рента муносабатлари асосида сувни ҳам баҳолаш мумкин. Бу айниқса, қуруқ иқлим шароитида, иқлим сувнинг тақчиллиги жиддий сезилиб турган вазиятда жуда ҳам қўл келади. Арид шароитида сувни баҳолаш табақаланган рента асосида амалга оширилиши керак. Хўжаликлар суғорма деҳқончилик асосида қанчалик кўп даромад олса, табақаланган рента ҳам шунчалик катта бўлади ва сувнинг баҳоси ҳам юқори бўлади.

Табақаланган ер рентаси қўшимча даромадга боғлиқлиги, яъни ердан турлича (Ҳайдаладиган ер, яйлов, пичанзор, қурилиш, йўл ва бошқалар) фойдаланиш натижасида унинг баҳосига таъсир эътувчи сувдан

фойдаланилганда ҳам дифференциал рента деҳқончиликда қандай маҳсулот (пахта, шоли ва бошқалар) ёки ердан саноат, қурилиш объекти сифатида фойдаланиш йўналишига боғлиқ ҳолда сувнинг баҳоси ҳам турлича аниқланади. Бу борада сувнинг сифати ҳам маълум даражада уни баҳолашга таъсир этади. Шўр сув билан суғориш деҳқончиликда маҳсулдорликни мутлоқ катталигини оширишга имкон бермайди, боз устига сифати ҳам пастроқ бўлади. Дарвоқе, табақалашган сув рентасининг қўшимча даромад келтириши чекланади. Чирчиқ дарёси ҳавзасида суғорма деҳқончилик шўрланмаган оддий бўз тупроқларда тоза, ифлосланмаган сув билан олиб борилади, ҳосилдорлик юқори, маҳсулот сифати андозаларига тўғри келади. Қорақалпоғистонда шўрланган тупроқлардашўр сув асосида деҳқончилик билан шуғулланилади. Натижа сезиларли даражада паст, умумий ўртача ҳосилдорлик Чирчиқ водийсидан (пахта ҳосилдорлиги бўйича) 3 марта кам, сифат ҳам шунга яраша тавсифланади. Демак, сувнинг сифати табақаланган рентага фаол таъсир этади.

**Назорат топшириқлари:**

1.Дунё океани мазмунини ифодаланг.

2.Чучук сув манбаларини изоҳланг.

3.Сув ресурсларини баҳолашда табақалашган рента ўрнини аниқланг ва тушунтиринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Сув ресурсларини баҳолаш усулларини изоҳлаб бериш.

-Компенсация (тўлдириш) усулини тушунтириб бериш.

-Ҳақ тўлаш усулини тушунтириб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Сув ҳаёт манбаи сифатида.

-Сувдан оқилона фойдаланиш усуллари ва унинг ўзига хос жиҳатлари.

**Идентив ўқув мақсадлари.**

-Сув ресурсларини баҳолаш усулларини изоҳлаб беради.

-Компенсация (тўлдириш) усулини тушунтириб беради.

-Ҳақ тўлаш усулини тушунтириб таърифлайди.

**2-асосий савол баёни.**

**Сув ресурсларининг баҳолашда ўрнини тўлдириш (компенсация)** усули кенг қўлланилади. Масалан, Орол денгизи ҳавзасида кўп миқдорда сувлар берк ботиқларга юборилади, уларда сув буғланиш ва грунтга сизилиб ётишага сарф бўлади. Масалан, Сариқамиш ботиқига йилига ўртача 3-4 км куб қайтган сувлар қуйилиб келмоқда. Шунча сувнинг бошқа жойда (суғориш тизимида) ўрнини тўлдириш мақсадида суғориш тизимларини таъмирлаш ва каналларнинг фойдали иш коэффициентини оширишга тўғри келади. Ёки бошқача айтганда шунча миқдордаги сувни излаб топиш зарур бўлади. Сув хўжалиги ташкилотларининг маълумотига кўра бир км куб сувни тежаб қолиш учун 1200 млн рубль (1980-йиллар нархида) сарфлаш лозим. Агар Сариқамиш ботиғига қуйилаётган зовур сувларини бу кўрсаткичга кўпайтирилса 3,5-4,0 млрд.рубль ҳар йили зарар кўрилаётгани маълум бўлади. Агар бутун Орол ҳавзасида вужудга келаётган коллектор-зовур

сувларини эътиборга олинса, катта рақам вужудга келади, унинг 30-35% берк ботиқларга юборилмоқда.

1988 йилда Тошкент вилояти Бекобод туманида тажриба тариқасида суғорма деҳқончиликда сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш механизми амалга оширилади. Тажриба якуни қуйидагича бўлди. Ишни бошлашдан аввал ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Сув манбаларидан бошланадиган канал, ариқларга махсус сув ўлчагичлар ўрнатилади ва улардан вақти-вақти билан ҳисоб олиб туриш ишлари йўлга қўйилди. Экинларнинг суғориш меъёрлари белгиланди (пахта учун ҳар гектар майдонга 6,6 минг метр куб). Далаларни суғориш ҳолати ва уларни сув билан таъминлаш ишларини туманнинг таъмирлаш-фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмаси бажаради (қисқача ишлаб чиқариш бирлашмаси-ИБ).

Туманда 47.6 минг га суғорма ер мавжуд бўлиб, у 13 хўжаликка тақсимланган, шундан бир хўжалик шоличиликка, қолганлари пахтачиликка ихтисослашган. Туманда хўжаликнинг рентабеллиги салбий миқдордан 56% га ўзгаради. Шоличиликка ихтисослашган хўжалик йилни зарарли кўрсаткич билан тугаллаган. Туман хўжаликлари ҳар йили ўртача 10 млн сўм фойда олган. Сувни далада ҳисобга олиш икки нархда белгиланди. Ҳар бир майдонга сарф қилинган сувга 22.9 руб (ўша ватнинг пули ҳисобига) тўланди. Бу нарх (тариф) ИБ нинг далаларнинг мелиоратив ҳолатини мунтазам яхшилаб туриш, коллектор-зовур иш тармоқларининг иш функциясини юқори даражада таъминлаш, йўл, электр тармоқлари ишини кузатиб туриш ва бошқа техник вазифаларни бажаришга сарфлашни кўзда тутилган. Иккинчи нарх ҳар бир метр куб сувга 0,21 тийин таъриф белгиланди. Бунда ҳар бир хўжаликка сув манбаидан олинган сув ҳисоб-китоб қилинди. Ортиқча олинган (белгиланган миқдордан) сув миқдори учун хўжаликлар икки баробар нархда жарима тўлашларига келишиб олинган.

1988 йил туман хўжаликлари олинган сув ресурси учун ИБ га жами 2181,3 минг рубль тўлашлари маълум бўлди. Аммо олдиндан келишиб олинаган шартномага мувофиқ туман хўжаликлари бу миқдордаги пулни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан сотиб олинадиган нархини ошириш ҳисобига тўладилар. Масалан, 1 т пахта ҳосилини 11,49 руб, шолини 21,57, полиз маҳсулотларини 1,97 ва ҳоказо. Демак, хўжаликлар қанчалик пул даромади олишган ва унинг бир қисмини ҳисоб бўйича сув ресурси учун банкка пул ўтказишган (Шульгин, 1988).

**Амалга оширилган тажрибага, кўра сувга ресурс сифатида ҳақ тўлаш ижобий аҳамиятга эга.** Одатда хўжаликлар суғориш суви, коллектор-зовур тармоқлари (хўжалик ичидаги зовурдан ташқари), электроэнергия тармоқлари ва магистрал йўлларни таъмирлаш, тик зовурлар, насос станциялари ва бошқа гидромелиоратив иншоотлар ҳамда техник жиҳозлар учун ҳақ тўламайдилар, булар давлат ҳисобига бажарилади. Аслида, бу юмушлар хўжалик ҳисобига бажарилишига аста-секин ўтиб мақсадга мувофиқ. Суғориш суви табиий ресурс сифатида хўжаликлар томонидан фойдаланилганда маълум нархда ҳақ тўлаш вақти келди. Чунки сув қатъий нархда сотилган тақдирда ундан оқилона фойдаланиш аломатлари

сезила бошлайди, аввало керакли сув хўжаликда ишлатилади, ортиқча сув исрофгарчилигига йўл қўйилмайди.

Кейин суғориладиган ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилашга ҳақ тўланиши гидромелиоратив иншоатларни таъмирловчи ташкилотларнинг ўз ишига сидқидилдан ёндашишларига таъсир қилади. Бу ташкилотнинг хўжалик ҳисобига ўтишини тезлаштиради ёки у хўжалик ҳисобида бўлган тақдирда хўжаликлар билан аниқ ҳисоб-китобда ишлашни мустаҳкамлайди.

Сувга ҳақ тўлаш қишлоқ хўжалик ташкилотларининг сотиб олиш нархини ошириш ҳисобига эмас, балки хўжаликларнинг олаётган даромадлари асосида тўлашлари лозим, бунда хўжаликларда ҳақ тўлашда ҳеч қандай қизиқиш бўлмайди, бошқача айтганда, улар зарар кўрмайдилар. Хўжалик қачонки сувга ўз ҳисобидан ҳар бир куб метр миқдорига ҳақ тўласа, унда суғоришнинг замонавий усулларини қўллашга мажбур бўлади. Бунинг натижасида ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам яхшиланиб боради, грунт сувлари сатҳи пасайиш йўналишига ўтади. Бинобарин барқарор мелиоратив аҳвол таркиб топа бошлайди. Сув нархи туманда бир хил сифатга эга бўлган тақдирда бир кўрсаткичдаги миқдорда белгиланиши керак.

**Назорат топшириқлари:**

-Сув ресурсларини баҳолаш усулларини изоҳлаб беринг.
-Компенсация (тўлдириш) усулини тушунтириб беринг.
-Ҳақ тўлаш усулини тушунтириб таърифланг.

**Илмий муаммолар.**

1.Дунё сув манбаи ва унинг хусусияти.
2.Сувдан фойдаланиш таъмойиллари ва уларнинг афзалликлари.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Сув ноёб бойлик, уни ҳеч қандай минерал бойликка тенглаштириб бўлмайди. Бинобарин, сувни баҳолаш ҳам анча мураккаб жараён. Рента муносабатлари асосида сувни ҳам баҳолаш мумкин. Бу айниқса, қуруқ иқлим шароитида, иқлим сувнинг тақчиллиги жиддий сезилиб турган вазиятда жуда ҳам қўл келади. Арид шароитида сувни баҳолаш табақаланган рента асосида амалга оширилиши керак. Хўжаликлар суғорма деҳқончилик асосида қанчалик кўп даромад олса, табақаланган рента ҳам шунчалик катта бўлади ва сувнинг баҳоси ҳам юқори бўлади.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Ўзбекистон республикаси конституцияси. Т:. Ўзбекистон, 1992.
2.Каримов И.А. Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон, 1998.
3.Алимов Т.А., Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. Т. Ўзбекистон, 1991.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Банников А.Г и др Основи экологии и охрана окружаюшей среди. М. Колос. 1999.
2.Гирусов Э.В. и др Экология и экономика природопользования, М. ЮНИТИ,1998.
3.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик, Т.Университет,1998.

4.Рўзиев А, Абирқулов Қ Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.
5.Турсунов Х Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.
6.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.
7.Шилов И.А. Экология. М. Вис.школа. 1998.
8.Шодиметов Ю Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.
9.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.

## X.Мавзу.Табиатдан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари (4-соат).

### Мавзу режаси (асосий саволлар)

1.Дунё аҳолиси сонини ўсиш динамикаси ва унинг хусусияти.
2.Дунё аҳолисининг жойлашуви.
3.Аҳолининг кўпайиши ва унинг олдидаги муаммолар.
4.Дунё аҳолиси ва атроф муҳит муаммоси.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Аҳоли, аҳоли динамикаси, дунё аҳолиси, табиий ўсиш, механик ўсиш, аҳолини такрор барпо қилиниши, озиқ-овқат муаммоси, аҳоли зичлиги, Собиқ иттифоқ, Марказий осиё.

### Мавзуга оид асосий муаммолар.

1.Дунё аҳолиси сонини ўсиш динамикаси ва унинг ўзига хос хусусияти.
2.Дунё аҳолисининг жойлашуви ва унга таъсир этувчи омиллар.
3.Аҳолининг кўпайиши ва унинг олдидаги муаммолар.
4.Ҳозирги кунда дунё аҳолиси ва атроф муҳит муаммоси.

### 1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.

-Дунё аҳолиси моҳиятини изоҳлаб бериш;
-Дунё аҳолиси сонини ўсиш динамикасини ёритиб бериш;

### 1-савол баёнига оид муаммолар.

-Дунё аҳолиси моҳияти ва уни ҳозирги кун муаммолари;
-Дунё аҳолиси сонини ўсиш динамикасидаги хусусиятлар;

### Идентив ўқув мақсадлари:

-Аҳоли тушунчасини ёритади;
-Аҳолини кўпайиш хусусиятларини изоҳлайди;
-Аҳоли кўпайишини минтақалар доирасида фарқини тушунтиради.

### 1-асосий савол баёни.

Одамзод пайдо бўлган илк даврларда унинг табиий кўпайиши нисбатан жуда секин кечган. Янги эра бошларида Ер юзасида тахминан 250-300 млн киши яшаган бўлиб, шунинг 100-140 млн атрофидагиси Ҳиндистон, 70 миллионга яқини Хитой, 10 миллиондан зиёди Олд Осиё ва Шимолий Америкада яшаганлиги ҳақидаги фанга маълумотлар бизгача етиб келган. Ўша даврларда Собиқ Иттифоқ ҳудудида 5-10 млн киши яшаган., Марказий Осиё ва Кавказ орти минтақасида ҳам аҳоли анча зич бўлган.

Дунё аҳолиси сони 17-аср ўрталарига келибгина 0,5 млрд га етган, 19 аср ўрталарида, қарийиб 200 йилдан сўнг 1 млрдни ташкил этди. Умуман

дунё аҳолиси сони 1 млрд бўлишига 1000000 йил муддат лозим бўлган бўлса, 2 млрд учун 80 йил, 3 млрдга 30 йил, 4 млрдга 15 йил, 5-6 млрд бўлишига 13-12 йил кифоя қилди (3-жадвал):

Дунё аҳолиси сонининг ўсиши (млн киши), 3-жадвал

| Йиллар | Аҳоли сони | Йиллар | Аҳоли сони |
|---|---|---|---|
| 1000 | 288 | 1950 | 2508 |
| 1500 | 436 | 1960 | 3010 |
| 1650 | 545 | 1970 | 3632 |
| 1750 | 728 | 1980 | 4430 |
| 1800 | 911 | 1987 | 5000 |
| 1900 | 1617 | 1999 | 6000 |
| 1940 | 2252 | 2000 | 6080 |

Ҳозир дунё аҳолисининг йилига ўртача 80 млн кишига ортиб бораётганлиги эътиборга олинса, 2025 йилда сайёрамизда 8206 млн, 2050 йилда 9-10 млрд аҳоли яшаши башорат қилинмоқда. (БМТ башорати). Дунё аҳолисининг тез суратлар билан кўпайиши 20-асрнинг ўрталарида ўзининг энг юқори даражаларига кўтарилди. Бу жараён айниқса, Осий, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида «демографик портлаш» га сабаб бўлди. 1950-1987 йиллар мобайнида ушбу мамлакатлар аҳолиси қарийиб 2,26 мартага кўпайди. Дунё аҳолисининг 80% дан зиёди айнан ўша мамлакатларда яшамоқда.

21 аср бўсағасига келиб аҳолиси сони 10 млн кишидан ортган мамлакатлар сони 71 тага етди. Шулардан 11 тасида аҳоли сони 100 миллиондан ортди. Аҳоли сони 10 миллиондан ортган мамлакатларнинг 50 дан ортиғи ҳам Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳиссасига тўғри келади. Умуман ушбу мамлакатларда дунё аҳолисининг салкам 95 % и истиқомат қилади. Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Индонезия, Бразилия ва Россияда ер шари аҳолисининг деярли ярми яшамоқда.

**Назорат топшириқлари.**

1.Аҳоли ва унинг хусусиятини изоҳлаб беринг.
2.Аҳоли динамикаси деганда нимани тушунасиз.
3.Аҳолини кейинги йилларда кўпайишини тушунтириб беринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Аҳолини жойлашуви ва унга таъсир қилувчи омилларни тушунтириш.
-Аҳоли зичлиги ва унинг сабабларини изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Аҳолини жойлашуви ва унга таъсир қилувчи омиллар.
-Аҳоли зичлиги ва унинг сабаблари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Аҳоли жойлашуви ва унинг дастлабки ўчоқларини гапириб беради.
-Аҳолини жойлашуви ва унга таъсир қилувчи омилларни таърифлайди.
-Аҳоли зичлиги ва унинг сабабларини изоҳлайди.

**2-асосий савол баёни.**

Дунё аҳолисининг 80% қисми асосан баландлиги денгиз сатҳидан 500 м гача бўлган ҳудудларда (қуруқлик юзасининг 28% да) яшайди. Африка ва Жанубий Америка аҳолисининг салмоқли қисми 500-1500 м баландликларда истиқомат қилади (34,6; 27,5%). Боливияда 88%, Перу, Мексика, Афғонистон, Хабашистонда аҳолининг 66% қисми денгиз сатҳидан 1000 м дан баландда, Голландияда эса аҳолининг 40% денгиз сатҳидан паст ҳудудларда яшайди. Дунё аҳолисининг 52,7%и денгиз соҳилларидан унчалик узоқ бўлмаган ҳудудларда (200 км гача), 47,3% и эса қуруқликнинг ичкари қисмларида яшайди.

Дунё аҳолисининг 705 қуруқликнинг 7% ида мужассамлашган ҳолда, қуруқликнинг 50% ида аҳолининг ўртача зичлиги ҳар квадрат километрга 1-2 кишидан ортмайди. Ер юзасининг 15% қисмида аҳоли деярли яшамайди. Аҳолизичлиги 1920 йилда 13 кишидан, 1950 йилда 18, ҳозирда 40 кишига етди. Дунё аҳолисининг зичлиги ҳам унинг турли ҳудудларида турличадир (4-жадвал):

Дунёнинг айрим ҳудудларида аҳоли зичлиги (ҳар кв км ҳисобида):

4-жадвал:

| Ҳудудлар, мамлакатлар | Аҳоли зичлиги |
|---|---|
| Дунё бўйича | 40 |
| Европа | 100 |
| Осиё | 100 |
| Африка | 17 |
| Шимолий Америка | 13 |
| Лотин Америкаси | 19 |
| Австралия ва Океания | 3 |
| Бангладеш | 800 |
| Сингапур | 4500 |
| Монако | 15500 |
| Собиқ Иттифоқ | 12 |
| Ўзбекистон Республикаси | 54 |

**Назорат топшириқлари.**

-Аҳолининг тоғлик зонасида тарқалишини изоҳланг.

-Аҳолини текислик зонасида тарқалишини тушунтиринг.

-Дунё аҳолисини зичлигини сабабларини гапириб беринг.

**3-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Аҳоли сонини ўсиши ва унинг олдидаги муаммоларни тушунтириш.

-Озиқ-овқат муаммосини сабабларини изоҳлаб бериш.

**3-савол баёнига оид муаммолар.**

-Аҳоли сонини ўсиши ва унинг олдидаги муаммолар.

-Озиқ-овқат муаммоси ва ҳозирги давр.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Аҳоли сонини ўсиши ва унинг олдидаги муаммоларни тушунтиради.

-Озиқ-овқат муаммосини сабабларини изоҳлаб беради.

**3-асосий савол баёни.**

Дунё аҳолиси сонининг тез суратларда ўсиши кўп муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлаётганлиги эндиликда сир эмас. Айниқса, озиқ-овқат муаммоси ва атроф муҳитдаги экологик танг ҳолат зудлик билан ўз ечимини кутаётган жумбоқларнинг энг ташвишлиси эканлигини давр кўрсатмоқда. Демак, ёки туғилишни камайтириш, ёки озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Аҳоли сонинг тез ўсиши асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ҳар 30 йилда икки марта оширмоқда. Хуллас, Томас Роберт Мальтуснинг (1798 йил) «тез ўсиб бораётган аҳолини озиқ-овқат билан ҳеч қачон тўлиқ таъминлаб бўлмаслиги тўғрисидаги назарияси» қуруқ сафсата эмас, балки янгича таҳлил ва янгича қараш асосида ўрганишни тақозо этаётганга ўхшайди. Чунки Мальтус назариясини асоссиз эканлигини ўша даврдаёқ қатор олимлар назарий жиҳатдан исботлаган бўлсада, бироқ амалда уни рўёбга чиқиши жуда мураккаб тарзда қийин кечмоқда.

Фан техника тараққиёти (ФТТ) юксак даражаларга кўтарилагн, «коинот асри», «компютер асри», деб аталаётган бир вақтда дунёнинг турли ҳудудларида инсоннинг бир бурда нонга зорлиги, одамларнинг очликдан ўлаётганлиги тажубланарлидир. БМТ нинг маълумотига кўра дунё бўйича кунига 35 минг киши очликдан ҳалок бўлмоқда, ҳозир сайёрамизда 0.5 млрд оч-ялонғоч, 1,5 млрд тиланчи мавжуд.

Аҳоли сонинг жадал суратлар билан кўпайиши озиқ-овқат етишмаслиги муаммоларини келтириб чиқариши, атроф муҳит ҳолатини ёмонлашувига салбий таъсир этиши ўзаро алоқада эканлигини кўпчилик таъкидлаб ўтганлиги бежиз эмас.

**Назорат топшириқлари.**

-Аҳолини ўзига хос муаммосини изоҳланг.

-Аҳоли сони ва озиқ-овқат муаммоси алоқадорлигини изоҳланг.

-ФТТ ва дунё аҳолиси сони олдидаги муаммоларни ифодаланг.

**4-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Аҳоли сони ва атроф муҳит муаммосини тушунтириш.

-Дж. Форрестор назариясини баён қилиш.

-Қишлоқ хўжалигини ривожланиши ва атроф муҳит муаммосини изоҳлаб бериш.

**4-савол баёнига оид муаммолар.**

-Аҳоли сони ва атроф муҳит муаммоси.

-Дж. Форрестор, Г.Кан, Ж.Картер назариялари ва ҳозирги давр.

-Қишлоқ хўжалигини ривожланиши ва атроф муҳит муаммоси.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Аҳоли сони ва атроф муҳит муаммосини гапириб беради.

-Дж.Форрестор, Г.Кан, Ж.Картер назарияларини тушунтиради.

-Қишлоқ хўжалигини ривожланиши ва атроф муҳит муаммоси изоҳлайди.

## 4-асосий савол баёни.

БМТ маълумотича ерларга ҳозирги усулда ишлов бериш асосида ҳосилдорликни 2 ҳисса кўпайтириш учун минерал ўғитлар харажатини 6,5 марта зараркунандаларга қарши кураш чораларини 6 марта ошириш лозим.

Дж.Форрестор (АҚШ, 1961) дун1 статистика маълумотлари таҳлили асосида, дунё аҳолиси сонини 2020 йилда табиий муҳит ифлосланишини 2050 йилда ўзининг максимумига етишини таъкидлайди. Шундай қилиб, у саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳоли сони атроф муҳит таназзулига қадар ўсишини баён қилади. Форрестор фикрича тахминан 2030 йиллар атрофида экологик инқироз бошланади ва шундан сўнг аҳоли сони ҳам сезиларли даражада камаяди.

Г.Кан ўзининг «Кейинги 200 йил» китобида қуйидаги башоратни келтиради, унинг мазмуни шундай: 2076 йилга бориб энергиянинг асосий қисмини атом ва термаядро станциялари беради, қазилма ёқилғилар эса кимё хомашёси сифатида ишлатилади. Қуёш энергиясидан фойдаланиш даражаси юксалади. Шуларга боғлиқ тарзда 2100 йилда сунъий оқсил илиш усуллари ўзлаштирилади, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11 марта ортади. Бундан ташқари фаровонликни ортиши аҳоли туғилиши ва кўпайишини каматиради.

1977 йили АҚШ собиқ Президенти Ж.Картер давлат ва илмий муассасаларга Ер шари аҳолиси сони, табиий ресурслар миқдори ва атроф муҳит ҳолатини 2000 йилгача башоратини яратиш борасида кўрсатма берди. Тайёрланган «Дунё 2000 йилда» (1980) номли маърузада қайд қилинишича, дунё аҳолиси сони 2000 йилда 6,35 млрд кишини ташкил этади, даромад жон бошига 15% га ортади. Озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори фақат ҳосилдорликни орттириш эвазига содир бўлиши мумкин. 2000 йилда жами 1,3 млрд киши оч-ночор ҳолда бўлади. Дунё аҳолисининг ярмисида сувга бўлган талаб 2 ҳисса ортади. Ўрмонлар майдони эса тенг яримга қисқаради. Нефть етишмовчилиги ва баҳосини ортиши натижасида саноати ривожланган мамлакатларда кўмирдан ва ядро энергиясидан фойдаланиш ортади.

Кўмир истеъмолини ортиши атмосфера таркибида чанг ва карбонад ангидрид чиқиндилари миқдорини орттиради. Умуман ифлословчи моддаларни ҳаво таркибида кўпайиши «ишқорли» ёмғирлар ёғадиган минтақаларни кенгайишига сабаб бўлади. Кейинги чорак асрда дунё бўйича ишлаб чиқарилан озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори 2,5% га кўпайди. Бироқ, бу миқдор дунёнинг турли ҳудуд ва мамлакатларида бир хил эмас. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларнинг айримларида ушбу кўрсаткич жуда паст даражада. Озиқ-овқат муаммосининг келиб чиқиши, қисман, ҳудудлардаги табиий ресурсларнинг камайиши, демографик вазият, техника ва технология имкониятлари каби омиллар билан боғлиқ бўлсада, бироқ дунё бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат миқдори илмий асосланган энг паст даражадан анча юқоридир. Муаммонинг асосий сабаби, турли ҳудуд ва мамлакатларда истеъмолдаги номутаносибликдир. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда истеъмолдаги озуқанинг қуввати ривожланган мамлакатларникидан деярли 3 марта пастлиги маълум. **Ушбу муаммонинг**

**ижобий ечими мамлакатларнинг тўлиқ мустақил ривожланиши, фан-техника тараққиёти, ишлаб-чиқариш кучларинингривожланиши, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш маданиятининг юксалиши, аҳолининг илм савиясини ортиши билан ҳал қилиниши мумкин.**

Дарвоқе, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришни қатор имкониятлари, яъни: экин майдонларини кенгайтириш, экинларни ҳосилдорлигини орттириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи янги усулларни жорий этиш, денгиз-океан биоресурсларидан кенг фойдаланиш, синтетик-сунъий озиқ-овқатлар ишлаб чиқариш кабилар киради.

Ҳозирда ер шарининг 4,5 млрд га идан хўжаликда: обикор деҳқончилик 1,5 млрд га ва яйлов сифатида 2,6 млрд га фойдаланилади. Олимлар қишлоқ хўжалигида ер майдонлари кўлами кенгайтирилмай туриб янги нав ва ҳайвон зотлари яратиш, деҳқончилик маданиятини орттириш ҳисобига маҳсулдорликни 90% кўпайтиришни исботладилар, ҳозир тажриба далаларида гектарига 140 ц буғдой ва шоли, 240 ц маккажухори дони берадиган навлар яратилган. Аммо, амалиётда ушбу экинлардан олинаётган ҳосилдорлик жуда паст (23, 39 ва 58 ц). Айниқса ривожланаётган мамлакатларда асосий дон экинлари-буғдой, шоли ва маккажухоридан олинадиган ҳосилдорлик миқдори ачинарли аҳволда 14, 21 ва 13 ц (Африкада бошоқли экинлар умумий ҳосилдорлиги-9,4 ц). Фақатгина агротехникани такомиллаштириш ҳисобига ҳосилдорликни бир неча марта орттириш мумкинлигини мутахассислар кўп таъкидламоқдалар.

Экин далаларига белгиланган меъёрда солинадиган ўғитлар ерлардан олинадиган ялпи ҳосилдорлик, тупроқ унумдорлигини орттириш барчага маълум, ҳар гектар буғдойзорни 80 кг турли ўғитлар билан озиқлантирилиши, ҳосилдорликни 20ц, 110 кг билан ишлов берилиши 35-40 ц, 300-350 кг эса 50 ц га етказиши амалиётда исботланган. Меъёрдаги ўғит ҳосилдорликни орттиришидан ташқариэкинларни турли ташқи таъсирларга (қурғоқчилик, гармсел ва ҳоказо) чидамлилигини ҳам орттиради.

Бунинг устига йилига дунё бўйича қишлоқ хўжалик экинларининг турли касалликларга чалиниш оқибатида 10-20% и, бегона ўтлар ва зараркунандалар туфайли 5-20, ҳосилни йиғиш, ташиш, қайта ишлаш ва сақлаш жарёнида 5-25 фоизи нобуд бўлмоқда. Ушбу кўрсаткичлар жами йилига 20-70% ни ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжаликни ривожлантириш ва ҳосилдорликни кўпайтириш қатор мажмуали тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

-ўсимлик ваҳайвонларни турли касаллик ва зараркунандалардан асраш;

-човачиликда қўшимча кимёвий озуқа ва витаминларни қўллаш;

-мелиорация ва ирригация тармоқларини яхшилаш, суғоришни замонавий технология асосида такомиллаштириш, иссиқхоналарни кенгайтириш;

-тайёр маҳсулотларни сақлаш муддатини узайтириш;

-қишлоқ хўжалик экинларини табиий офатлардан сақлаш;

-қишлоқ хўжалик техникасини такомиллаштириш ва бошқалар.

Дунё океанининг биоресурслари жуда сероб. Инсоният ўз эҳтиёжлари учун ундан оқилона фойдаланиши жуда самаралидир. Бироқ, ҳозир умумий озиқ-овқат салоҳиятида, Дунё океанининг ҳиссаси бор йўқи 1%ни ташкил этади (истъмолдаги оқсилнинг 6%и). Океанлардаги фақат йирик денгиз ҳайвонларининг(балиқ, сут эмизувчилар, бешоёқли молюскалар, қисқичбақалар) умумий қиймати 1 млрд тонна ҳисобида баҳоланиб, шунинг ярми балиқларга тўғри келади. Унинг йиллик маҳсулдорлиги 360 млн т. Океан биоресурсларидаги ёғнинг ўзи дунё чорвачилиги берадиган миқдордан 2 марта кўп. Инсон ўз таънасидаги оқсилга бўлган таълабни асосан ҳайвонлар гўшти ҳисобига қондиради. Энди бу талабни химиявий оқсил қондира олади. 20 асрнинг 70-йилларидан бошлаб саноат асосида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ўсмоқда. 1990 йилда АҚШда 10 млн тонна озиқ-овқат маҳсулотларининг саноат тури ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирда дунёнинг турли мамлакатларда (айниқса, Лотин Америкаси ва ғарбий Европада) бундай маҳсулотлар тури ва кўлами ортиб бормоқда.

Аҳоли сонининг мунтазам орта бориши атроф муҳитга жуда кучли таъсир эта бориши оқибатида қатор экологик тангликларни келтириб чиқаради. Профессор А.М.Рябчиков маълумотича, ҳозир инсон Ер юзаси табиий манзарасини 60% ини бутунлай ўзгартириб юборган,қуруқликнинг 20% ида кучли ўзгаришлар (турар жой, шаҳар ва қишлоқлар, инженерлик қурилмалари, ерларни суғориш ва ҳоказо) содир этган. Ҳар йили ер юзида 4000 км куб тоғ жинси (грунт) ва тупроқ бир жойдан бошқа жойга кўчирилади. Ўтган даврлар мобайнида 20 млн км кв ерлар яроқсиз ҳолга келтирилди (5 млн км кв ҳайдаладиган ерлар В.А.Ковда, 1981).

Дунё бўйича қурилган йирик сув омборлари сони 1980 йилган келиб 2257 тага етгани ҳолда, уларнинг 90 % дан ортиғи 1950 йиллардан кейин қурилди. Демак, кўплаб дарёларда гидрографик режим табиий ҳолатини йўқотди. Сув омборлари атрофида ландшафт сезиларли даражада ўзгарди.

Атроф муҳит ифлосланиши электроэнергетика, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, транспортнинг ривожланиши билан ҳамоҳангдир. Эндиликда, ичимлик суви, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши каби мкаммолар инсоният олдига экологик вазиятни зудлик билан барқарорлаштиришни кўндаланг қўймоқда. Содир бўлган экологик муаммолар ечими, нафақат айрим биогеоценозлар (дашт, ўтлоқ, дала, ўрмон ва ҳоказо) балки бутун биосфера миқёсида намоён бўлмоқда.

Инсоннинг табиатга таъсири билан боғлиқ фаолиятлари зарур ва муқаррардир. Чунки, инсон ушбу фаолиятларсиз, ўзининг моддий эҳтиёжларини қондира олмайди. Шунинг учун ҳам табиатда маълум ўзгаришлар бўлиши аниқ. Лекин табиатни ўзгартиришда унинг ривожланиш қонунияиларини билмаслик, кейинчалик инсон учун анча қимматга тушиши мумкин, ҳозирда инсон фаолияти билан боғлиқ табиатдаги ўзгаришлар кўлами геологик жараёнлар қувватидан ҳам тез ва кучлироқ тарзда рўй бермоқда. Натижада табиатни ўз-ўзини тиклаш ва тозалаш хусусиятига путур етмоқда, бу эса инсон ҳаётига хатар солмоқда.

**Назорат топшириқлари:**

1. Дунё аҳолиси сонининг тез суратлар билан ўсиш сабабларини тушунтиринг.
2.Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш мумкинми?
3.Дунё мамлакатларида атроф муҳит муаммосига таълуқли қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

**Илмий муаммолар.**

1.Дунё аҳолиси сонини ўсиш динамикаси ва унинг ўзига хос хусусияти.
2.Дунё аҳолисининг жойлашуви ва унга таъсир этувчи омиллар.
3.Аҳолининг кўпайиши ва унинг олдидаги муаммолар.
4.Ҳозирги кунда дунё аҳолиси ва атроф муҳит муаммоси.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Табиатдан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари бевосита ва билвосита аҳоли ва унинг сонини ўсиши билан боғлиқ. Аҳоли сонинг тез суратлар билан ўсиши турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммолар доирасида озиқ-овқат муаммоси ва атроф муҳит муаммоси алоҳида ўрин тутади.

**Мустақил таълим материаллари.**

1. Қурбонниёзов Р, Сагдуллаев А, Абирқулов Қ Иқтисодий экология асослари, Урганч, 1999.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Абирқулов Қ, Рафиқов А, Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.
2. Экономика и экология (под ред Н.Н.Агапова), М.Российская экономическая академия, 2000.

## XI.Мавзу. Урбанизация ва унинг ўзига хос жиҳатлари (6-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Урбанизация ва унинг экологик вазиятга таъсири.
2.Урбанизациянинг жадал ривожланиши ва экологик вазият.
3.Урбанизация ва аҳоли саломатлиги.
4.Аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омиллар.
5.Саноат шаҳарлари ва экологик вазият.
6.Саноат шаҳарларида экологик вазиятни яхшилаш.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Урбанизация, урбанизация жараёни, экологик вазият, экологик кризис, агломерация, мегалаполис, смог, саноатлашган шаҳар.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Урбанизация ва унинг экологик вазиятга таъсири.
2.Урбанизация ва аҳоли саломатлиги.
3.Саноат шаҳарлари ва экологик вазият.
4.Саноат шаҳарларида экологик вазиятни яхшилаш.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Урбанизация жараёнини изоҳлаб бериш;
-Урбанизациянинг ўзига хос кўринишларини ёритиб бериш;

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ҳозирги шароитда Урбанизация жараёнини ўзига хос томонлари.

-Урбанизация ва ишлаб чиқариш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Урбанизация жараёнини изоҳлаб беради;

-Урбанизациянинг ўзига хос кўринишларини ёритиб беради;

**1-асосий савол баёни.**

Ҳозир ва келажакда ҳам табиий муҳитга урбанизация жараёнинг таъсири кучли даражада бўлишига шубҳа йўқ. Чунки шаҳар аҳолисининг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда (5-жадвал).

**Дунёнинг йирик ҳудудларида шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсиши (фоиз ҳисобида), 5-жадвал**

| Ҳудудлар | 1950 й | 1970 й. | 1990 й. | 2000 й. |
|---|---|---|---|---|
| Дунё бўйича | 29 | 37 | 43 | 47,5 |
| Африка | 15 | 23 | 31,8 | 37,3 |
| Шимолий Америка | 64 | 74 | 75,4 | 77,4 |
| Лотин Америкаси | 41 | 57 | 71,4 | 76,6 |
| Осиё | 17 | 23,4 | 32 | 37,7 |
| Европа | 53 | 64,4 | 73 | 74,1 |
| Австралия ва Океания | 61 | 71 | 70,6 | 70,2 |
| Хитой | 12 | 17,4 | 26,2 | 34,5 |
| Россия | 44,7 | 62,5 | 74 | 77,9 |
| Ўзбекистон | 30 | 37 | 41 | 37,9 |

Ҳозир дунё мамлакатларининг 120 тасида урбанизация даражаси ўртача дунё кўрсаткичидан юқори, 90 мамлакатда шаҳар аҳолиси улуши қишлоқ аҳолисидан юқори бўлмоқда. Урбанизациянинг авж олиши, айниқса Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида кузатилмоқда. Урбанизация туфайли йирик шаҳарлар сони ортиб бормоқда. 1900 йилда аҳолиси сони 100 мингдан ортиқ шаҳарлар 300 тага яқин бўлган, 1950 йилда- 950, 1980-2370тага. Ҳозир дунё аҳолисининг тўрдан бир қисми йирик шаҳарларда яшамоқда. «Миллионер шаҳарлар» сони ушбу йилларда 10 тадан 250 тага ортди (1950 й, 81, 1960-120, 1980-209). Дунё аҳолисининг 15% га яқин қисми «миллионер шаҳарларда» мужассамлашган.

**Назорат топшириқлари.**

-Урбанизация жараёнини изоҳлаб беринг?

-Дунёнинг йирик ҳудудларида шаҳар аҳолиси салмоғини ўсиши сабабларини изоҳланг?

-Урбанизация авж олган ҳудудларни изоҳланг?

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Урбанизация жараёни ва экологик вазият муаммосини тушунтириш.

-Агломерация моҳиятини баён қилиш.
-Мегалаполис моҳиятини изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Урбанизация жараёни ва экологик вазият.
-Агломерация ва унинг ҳоирги хусусияти.
-Мегалаполис ва унинг асослари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Урбанизация жараёни ва уни экологик вазият таъсирини ёритади.
-Агломерация ва Мегалаполис моҳиятини изоҳлаб беради.

**2-асосий савол баёни.**

Урбанизациянинг ўзига хос кўриниши шаҳар агломерациялари ва мегалополисларнинг ривожланишида намоён бўлмоқда. АҚШ даги Босваш (Бостон-Вашингтон), Чикпитс (Чикаго-Питтсбург), Сансан (Сан Франциско-Сан-Диего) мегалополисларида яқин келажакда 150 млн дан ортиқ аҳоли (АҚШ аҳолисининг 50% дан ортиғи) яшаши тахмин қилинмоқда. Москва агломерацияси ўз марказидан 100 км радиусда 130 та аҳоли яшаш жойларини (шаҳарларни) бирлаштирган.

Агломерация жараёни ҳам ривожланаётган мамлакатлар учун характерли тус олмоқда. Лотин Америкасидаги: Буэнос-Айрес, Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро, Мехико, Каракас, Богота, Сантьяго; Осиёдаги:Калькутта, Бомбей, Сингапур, Гонконг, Жакарта, Истамбул; Африкадаги: Қоҳира, Касабланка агломерациялари тес ўсмоқда. Айниқса, кейинги даврларда аҳолиси сони 10 млн дан ортган «баҳайбат (Гигант) шаҳарлар» салмоғи анча ортди. Яқин келажакда Мехикода 31млн, Сан-Паулуда-26, Токиода-24, Нью-Йоркда-23, Калькуттада-20, Бомбей, Қоҳира ва Жаартада 15 млн аҳоли яшаши эътироф этилмоқда.

Шаҳарларнингжойлашиши ҳам дунё бўйича  бир текис эмас. Аҳолиси 5 млн дан ортган дунёдаги 26 шаҳарнинг 5 таси(Мехико, Папиж, Москва, Чикаго, Деҳли) денгиз қирғоқларидан анча узоқда қолган барча йирик шаҳарларнинг 40% и денгиз соҳилидан 50 км гача бўлган ҳудудларда жойлашган.

Урбанизациянинг жадал ривожланиши Ер юзасида экологик вазиятнинг мураккаблашишига таъсир кўрсатмоқда. Урбанизация жараёни табиат комронентларининг барчасида кучли ўзгаришлар содир этиши аён. Шаҳарларда грунт, рельеф, тупроқ, гидрографик тармоқлар, ер ости сувлари, атмосфера ҳавоси, ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёси ҳатто иқлим ўзгаради. Шаҳарларда нафақат ҳарорат, нисбий намлик, қуёш радиацияси балки, Ернинг иссиқлик, гравитацион, электр ҳамда магнит майдонлари хусусияти ҳам сезиларли даражада ўзгаради. Шаҳарларнинг катталашиши унинг атроф табиатга таъсир радиусини ҳам орттиради, натижада шаҳар ҳудуди билан бирга унинг атрофида экологик вазиятдаги мутаносиблик йўқолади.

Шаҳарлар атрофидаги табиий ҳудудий мажмуалар (ТХМ) га 3-30 км масофада таъсир кўрсатади. Саноат корхоналарининг турли чиқиндилар (заҳарли газ, ифлос сув ва ҳоказо) чиқариши оқибатида шаҳарлар атрофидаги

экин далалари, ўтлоқ, яйлов, сув ҳавзалари ва ўрмонлар зарар кўрмоқда. Канадалик олимларнинг кузатишларича мис-никел корхоналари чиқиндилари 3,5 км радиусдаги ўсимлик ва ҳайвонларни бутунлай йўқ қилиши, 13 кмдаги дарахтларга кучли шикаст етказиши, тупроқ унумдорлигини йўқотишни кўрсатади. Тоғ-металлургия корхоналари таъсири ҳам юқоридагидаг кам эмаслиги маълум.

Кўпгина шаҳарларда ер ости сувларидан истеъмолга олиниши оқибатида шаҳар заминининг чўкиши рўй бермоқда. Токио ва Осакода замин йилига 18-20 см, Калифорнияда 30-35 см, Мехиконинг айрим ҳудудларида 40см пасаймоқда. Шаҳар заминининг чўкиши инсоннинг бошқа фаолиятлари билан ҳам боғлиқдир. Масалан: Москва шаҳри остидаги сув қувурлари узунлиги, шаҳар кўчалари умумий узунлигидан икки марта кўп экан. Демак, бу шаҳарнинг турли ҳудудларда ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Янги шаҳарларнинг барпо этилиши, эскиларининг кенгайиши, аввало ерларнинг қишлоқ хўжалигидан чегирилишига сабаб бўлади. МДҲ да Собиқ Иттифоқ даврида 1200 та янги шаҳарлар барпо этилган. Ҳозирда йилига 500 минг га ер (АҚШ да 1 м лн акр, 1 акр тенг 0,4 га) шаҳарлар ҳудудига қўшилмоқда. Фақатгина МДҲ да 10 млн га дан ортиқ ерни шаҳарлар ҳудуди эгаллаган.

Москва шаҳар агломерацияси 2600 км кв ни, Санкт-Петербург-1300, Париж-1870, Лондон-5400, Нью-Йорк агломерацияси эса 7272 кв км майдонни банд қилган. Шаҳар рельефининг текислигидан гидрографик тармоқлардаги оқим қийинлашади. Пастқамликларда ортиқча сув тўпланишидан рельефда ўпқон, сурилмалар, вужудга келади. Иморатларнинг ертўлалари захлиги туфайли турли касалликларни тарқатувчи микроорганизм ва ҳашаротлар учун маконга айланади.

Йирик шаҳарларда ҳавонинг ифлосланганлиги туфайли қуёш нурининг 15% (қишда ултрабинафша нурларни 30%) кам олиши аниқланган. Бундан ташқари шаҳарларда ёғингарчилик ва булутли кунлар 10%, туманликнинг ёзда 30%, қишда 100% ортиқ бўлиши маълум. Масалан: Москва шаҳри қиш ойларида 24% қуёш нурларини йўқотади. Санкт-Петербург эса қуёш нур сочиб турувчи вақт теварак-атрофга нисбатан йилига 120-160 соатга камлиги аниқланган. Йирик шаҳарларда марказ ва чекка ҳудудларда ҳарорат фарқи 4-5 градус га етиши мумкин (Париж-0.8 градус, Санкт-Петирбург-1 градус, Москва 1,4 градус). Натижада шаҳар марказида «Иссиқлик ороли» вужудга келади, атмосфера циркуляцияси ҳолати ўзгаради. Турли қурилмалар,иссиқлик манбаларининг кўплиги, ҳавонинг ифлослиги туфайли шаҳарларда ўзига хос «оғир микроиқлим» шаклланган. Шаҳарлардаги баланд иморатлар ҳавонинг алмашинувини, айниқса, ёзда кечқурунлари шаҳарга салқин ҳаво киришини қийинлаштиради.

Саноат ва транспорт шаҳарлар атмосфераси таркибида хилма-хил, кучли зарарли газ ва металлар миқдорининг ортишига сабаб бўлмоқда. АҚШ, Япония, Англия, Канада, Франция ва бошқа мамлакатлардаги йирик шаҳарлар ҳавосининг 1 метр куб да 1-2 дан 8-10 микрограммгача қўрғошин бирикмаси борлиги аниқланди. Кадмий, симоб,мис, никель, рух, хром,

ваннадий-шаҳар ҳавосининг доимий бирикмаларига айланмоқда. Металлургия, баъзан нефть-кимё корхоналарига эга бўлган шаҳарлар ҳавоси таркибида одатда сульфат икки оксид аралашмалари юқори даражада бўлади. Э.Ю.Безуглая (1980) шаҳар ҳавоси ифлосланиши борасида муҳим қонуниятни аниқлаган. Аҳоли сони250-500 минг киши бўлган шаҳарларда ҳавонинг сульфат икки оксид билан ифлосланиш даражаси 100 минг кишилик шаҳарга нисбатан 60-80, йирик шаҳарларда эса ушбу кўрсаткич 100% дан ортиши кузатилади.

90 йиллар бошида МДҲ да атмосферага йилига 200 минг т дан ортиқ зарарли моддалар чиқарувчи 70 дан ортиқ шаҳар қайд этилган (Норилскь-2368 минг т (1), КривойРог-1328 минг т (2), Москва-1113 минг т (3). Тошкент-454 минг т (19). Фарғона-234 минг т (53).

Бироқ ҳозирга келиб, айрим шаҳарларда (Хусусан, Тошкент, Фарғона ва бош) ушбу кўрсаткич жуда сезиларли даражада камайган. Бироқ шаҳар ҳавосининг нисбатан ифлосланганлиги, умуман урбанизация жараёни экологик вазиятга кучли таъсир этмоқда. Аҳоли ўртасида турли юқумли оғир касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши, шаҳарларда ўлим кўрсаткичларининг юқорилиги бевосита урбанизациянинг экологик вазиятга салбий таъсири натижасидир.

**Назорат топшириқлари.**

-Агломерация моҳиятини изоҳлаб беринг.

-Мегалаполис моҳиятини сабабларини изоҳланг.

-МДҲ атмосферага кўплаб зарарли моддалар чиқарувчи шаҳарларни ёритинг.

**3-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Урбанизация ва аҳоли саломатлигини тушунтириш.

-Ултрабинафша нурлари ва инсон саломатлигини баён қилиш.

**3-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ҳозирги кунда Урбанизация жараёни ва аҳоли саломатлиги.

-Ултрабинафша нурлари ва инсон саломатлиги.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Ҳозирги кунда Урбанизация жараёни ва аҳоли саломатлиги алоқадорлигини изоҳлайди.

-Ултрабинафша нурлари ва инсон саломатлиги алоқадорлигини таърифлайди.

**3-асосий савол баёни.**

Инсон умрининг салмоқли қисми табиат қучоғида бўлиши унинг соғлом, бақувват ва баркамол ўсиши гаровидир. Кейинги вақтларда йирик шаҳарларнинг барпо бўлиши, аҳолининг физиологик ва ижтимоий ҳаётда қатор ноқулайликларни келтириб чиқармоқда, шу туфайли АҚШ, ғарбий Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатларидаги йирик шаҳарларида (хусусан, Токиода) шаҳар аҳолиси сони тобора камайиб бормоқда. Чунки йирик шаҳарларда атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги, кишиларнинг табиатдан анча йироқлашиб кетганлиги, инсон умрининг кўп вақтини турли

қурилмалар қуршовида ўтиши, ёруғлик (қуёш нури) ҳамда кислород танқислигига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ҳаддан ташқари ифлосланганлиги туфайли қуёш нурларининг қайтиши кўпаяди. Айниқса, ультрабинафша нурларнинг етишмаслиги кишилар ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Бу нурлар теридаги зарарли микроорганизмларнинг йўқотади. Танада минерал алмашинувини таъминлайди, организмнинг турли касалликларга нисбатан бардошлигини орттиради.

Тадқиқотлар ультрабинафша нурларни меёрида олган болалар, уни етарлича олмаган болаларга нисбатан шамоллашга 10 марта кам чалиниши исботланган. Шаҳар аҳолиси саломатлигига, айниқса атмосфера ҳавоси ва унинг ҳолати кучли таъсир этади. Буюк алломамиз Абу Али Ибн Сино: «Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаса, инсон минг йил яшарди» –деб бекор айтмаган. Йирик шаҳарлардаги ўзига хос микроиқлим ҳарорат ва намликнинг ўзгариши кишилар организмида иссиқлик ҳамда модда алмашинувига таъсир этиб, нафас олиш, юрак фаолияти, қон айланиши ва тери ҳолатини белгилайди.

Саноатлашган мамлакатларда аҳолинингкўпчилигида қон айланиши жараёнининг бузилганлиги аниқланган бўлиб, 50% ўлим ҳам айнан ушбу касаллик билан боғлиқлиги аён. Умуман қуёш нури, кислород етишмаслиги,ҳарорат ва намликнинг ўзгарганлиги инсоннинг меҳнат қобилиятипасайишига, кайфиятининг бузилишига, уйқусизликка сабаб бўлади. Йирик саноат шаҳарлдари ҳавосида инсон учун зарарли бўлган аэрозол заррачалари миқдори 10-20 марта кўп бўлиб, касаллик тарқатувчи бактериялар ҳам 5-10 марта ортиқ бўлиши аниқланган. АҚШ (Лос-Анжелос, Донора, Питсбург) ва ғарбий Европанинг йирик саноатлашган шаҳарларида (Лондон, Аффина, Милан) ҳамда Мехико, Токио, Исокогамада заҳарли газ ва чанглар аралашмасидан вужудга келган аччиқ туманлик-**смог(**унинг таркибида намнинг кўп-70% бўлиши фотохимиявий смог деб аталади) мунтазам кузатилади. Токионинг саноатлашган ҳудудларидаги тиббий кўрикдан ўтказилган аҳолининг 35% и. Американинг Донора шаҳрида 65 ёшдан ошаг аҳолининг 60% смог туфайли ўпка касаллигига чалинганлиги аниқланган, ана шундай смог туфайли 1952 йил декабрда Лондонда мудҳиш ҳодиса рўй берди. Смогдан зарарланишдан 4-кеча-кундузда 4000 киши нобуд бўлди, 10 минг киши касалликка  чалинди. 1962 йилда яна ушбу ҳодисадан 1000 га яқин киши ҳалок бўлди.

Ифлос ҳаводан нафас олиш анча қийин бўлади, ўпкага ҳаво тўлиқ етиб бормайди, чанг-ғуборларнинг ўпкада йиғилиши нафақат ўпкани, балки танани бошқа аъзолари ва тўқималарини ишдан чиқаради. Астма, эмфизема, юқори нафас йўллари касалликлари манбаи ҳам ифлос ҳаводир.

**Назорат топшириқлари.**

-Шаҳар аҳолиси сонининг кўпайиши ва атроф муҳит моҳиятини изоҳлаб беринг.

-Шаҳарларда қуёш нурини қайтиши сабабларини изоҳланг.

-Смог ҳодисаси ва турли минтақаларда аҳоли саломатлигини ёритинг.

**4-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Урбанизациянинг инсон саломатлиги ёмонлашувига ўта таъсири омилларини тушунтириш.

-Шовқин-сурон ва инсон саломатлиги алоқадорлигини баён қилиш.

**4-савол баёнига оид муаммолар.**

-Урбанизациянинг инсон саломатлиги ёмонлашувига ўта таъсири.

-Шовқин-сурон ва инсон саломатлиги.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Транспорт омили ва инсон саломатлиги хусусиятларини изоҳлайди.

-Урбанизациянинг инсон саломатлиги ёмонлашувига ўта таъсири омилларини тушунтиради.

-Шовқин-сурон ва инсон саломатлиги алоқадорлигини баён қилади.

**4-асосий савол баёни.**

Урбанизациянинг инсон саломатлиги ёмонлашувига ўта таъсирли омилларидан бири шовқин-сурондир. Унинг асосий манбаи-транспорт(Автомобил, темир йўл, ҳаво транспорти) саноат ва маиший корхоналар ҳамда қурилиш техникасидир. Инсон умуман шовқинсиз муҳитда яшаши мумкин эмас, аммо шовқин кучи ортиши киши саломатлигига салбий таъсир этади. Шовқин кучи децибалда ўлчанади. Унинг 0-50 дб бўлиши инсонга ёқимли овоз сифатида таъсир этади (дарахт баргларини штирлаши, майин мусиқа овози), 60-90 дб шовқин ёқимсиз (бақириб гапмриш, ёзув машинкалари хонасидаги товуш), 100-120 дб  кучдаги шовқин зарали (юк машинаси, жаз мусиқаси), шовқин кучининг 130-200 дб бўлиши хавфли ҳисобланади (реактив самолиёт, артиллериянинг тўп отиш вақтидаги товушлар), шовқин кучининг рухсат этилган меъёри (РЭМ) 80 дб, энг юқори чегараси 110 дб, ҳозирда шовқин кучи йирик шаҳарларда меъёридан 10-20 дб га ортиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Йирик шаҳарлар аҳолисининг 60% дан ортиғи шовқиндан шикоят қиладилар. Германия аҳолиси ўртасида ўтказилган сўровлар натижасида аҳолининг 69% и транспорт, 21% и қўни-кўшнилар ва болалар шовқинидан, 8% иш жойларидаги, 2% и бошқа турдаги шовқин манбаларидан шикоятланиши маълум бўлди. Кишилар қадимдан шовқинга қарши курашиб келганлар. Юлий Цезарь шаҳарларда шаҳарларда кечқурун барча турдагитранспорт ҳаракатларини таъқиқлаган. Англия қироличаси Елизавета 1 шаҳарда кечқурун соат 22 –00 дан сўнг турли жанжалларга барҳам беришни буюрганэ Қадиги римликларда шаҳар ҳудудида товуш чиқарувчи ҳунармандчилик ишларини бажаришга рухсат этилмаган, ҳатто шаҳарда (Рим) хўроз боқиш қатъиян ман этилан, ҳозирда Рио-де-Жанейро, Рим ҳамда Африка (Қоҳира) ва Яқин Шарқда йирик шаҳарлар энг сершовқин шаҳарлар ҳисобланади. Улардаги серқатнов кўчаларда шовқин кучи 110 дб дан ҳам ортади. Бундай кучли шовқин инсоннинг эшитиш қибилиятини бутунлай ишдан чиқаради, марказий нерв системаси фаолиятини ўзгариши, қон босимининг кўтарилиши, модда алмашинувининг бузилиши, юрак фаолиятининг ёмонлашуви, нафас олишнинг қийинлашуви ҳам кучли шовқин таъсиридандир.

Шовқин кучининг 180дб ортиши ўлим билан тугаши мумкин. Кучли шовқин меҳнат унумдолигини 10-60 % камайтиради. Сершовқин муҳитда фаолият кўрсатадиган кишиларда турли касалликларга чалиниш, одатдаги шароитда меҳнат қиладиган кишиларга нисбатан 25% юқори бўлади. Йирик шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланганлиги, транспорт ҳаракатларининг жадаллиги, доимий шовқин, қуёш нурининг етишмаслиги, урбанизация ва саноат ривожланишининг назоратсизлиги турли касалликоларни авж олиши учун кўпгина қулайликлар туғдиради, натижада экологик тушкунликка сабаб бўлади.

**Назорат топшириқлари.**

-Шовқин-сурон унинг манбаларини изоҳлаб беринг.

-Шовқин-сурон муаммосини олдини олиш бўйича қадимда олиб борилган тадбирларни изоҳланг.

-Шовқин-суронни ўлчовчи балл системаси тушунтиринг.

**5-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Қадимий шаҳарлар ва уларнинг асосларини тушунтириш.

-Саноат таъсирида шаҳарларни ривожланишини баён қилиш.

**5-савол баёнига оид муаммолар.**

-Қадимий шаҳарлар ва уларнинг вужудга келиш асослари.

-Саноат таъсирида шаҳарларни ривожланишини ўзига хос томонлари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Қадимий шаҳарлар ва уларнинг вужудга келиш асосларини гапириб беради.

-Саноат таъсирида шаҳарларни ривожланишини ўзига хос томонларини изоҳлайди.

**5-асосий савол баёни.**

Энг қадимги шаҳарлар Вавилонияда, Дажла ва Фрот, кейинроқ эса Нил дарёси соҳилларида вужудга кела бошлаган. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши замини душмандан ҳимояланиш, савдо ва маданиятнинг ривожланиши, бошқарувнинг марказлашуви билан чамбарчас боғлиқдир. Қадимги шаҳарлар манзараси атрофдаги ҳудудларнинг табиий ҳолатига яқин бўлган: рельеф, гидрографик тармоқлар унчалик ўзгартирилмаган ҳаво тоза бўлиб, шаҳар ҳудуди бевосита атрофдаги ўтлоқ, ўрмон ва далаларга туташиб кетган.

Шаҳарларнинг тезкорликда ривожланиши, ўсиши асосан саноат инқилоби билан боғлиқдир. Кўплаб завод ва фабрикалар қурилиши, шаҳарлар зиммасидаги вазифаларнинг орта бориши, аҳолисининг кўпайиши шаҳарларнинг катталашишига, улар қиёфасини ўзгаришига олиб келди. Саноатнинг ривожланиши нафақат шаҳар ҳудуди, балки унинг атрофидаги табий ландшафтларда ҳам кучли ўзгаришлар содир эта бошлади. Шаҳарлар саноат, бошқарув, маданий, транспорт ва бошқа қатор вазифаларини ўзида мужассамлаштирган аҳоли яшайдиган жой бўлиши билан бирга, азалдан кишилар учун ўта қулай меҳнат ва дам олиш шароитларига эга бўлган, маиший эҳтиёжлари қондириладиган бир бутун тарихий-меъморий, ижтимоий-иқтисодий қурилма ҳамдир. Бироқ, ҳозирги йирик саноатлашган шаҳарларда атроф муҳитнинг ифлосланганлиги, транспорт ҳаракатларининг жадаллиги, кучли шовқин-сурон ва бошқа қатор инсон саломатлигига таъсир

этувчи омиллар кишиларни ҳориқишга, турли касалликларни авж олишига, сабаб бўлмоқда. Шу боисдан, саноат шаҳарларида экологик вазиятларни барқарорлаштириш улар жойлашувининг табиий-географик хусусиятлари ва иқтисодий йўналиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Санат шаҳарларида экологик вазиятнинг ёмонлашуви асосан саноат, маиший корхоналар ва транспорт зиммасига тўғри келади. Шаҳарларнинг лойиҳа тузилмалари мураккаб ва кўп омиллидир.

Шаҳарлардаги турар жой, саноат, транспорт, омборхоналар, дам олиш, даволаниш ва санитария ҳимоя минтақаларини тўғри жойлаштиришда географик омиллар(шамол ва оқим (дарё) йўналиши ва бош) қатъий эътиборда бўлиши шарт. Шаҳарлар қурилишидаги ушбу экологик ёндашув шаҳар ҳудудида табиий компонентларнинг антропоген таъсирлари бардошлигини орттиради, табиатни ўз-ўзини тозалаш ва тиклаш қобилиятига ёрдам беради.

**Назорат топшириқлари.**

-Энг қадимги шаҳарларни вужудга келиш марказларини тушунтиринг?

-Саноат тараққиёти асосида шаҳарларни вужудга келишини изоҳланг?

-Саноат шаҳарларида экологик вазиятни ёмонлашувига таъсир қилувчи кучларни тушунтиринг?

**6-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Экологик вазият моҳиятини тушунтириш.

-Шаҳарларда экологик вазиятни яхшилашга доир чора-тадбирларни баён қилиш.

**6-савол баёнига оид муаммолар.**

-Экологик вазият моҳияти ва унинг хусусиятлари.

-Шаҳарларда экологик вазиятни яхшилашга доир чора-тадбирлар.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Экологик вазият моҳияти ва унинг хусусиятларини таърифлайди.

-Шаҳарларда экологик вазиятни яхшилашга доир чора-тадбирлар моҳиятини изоҳлайди.

**6-асосий савол баёни.**

Шаҳарлар ҳавосининг ҳаддан ташқари ифлосланганлиги экологик вазиятга кучли таъсир этади. Шаҳарлардаги саноат корхоналари ҳамда транспортдан чиқадиган заҳарли газлар микдори тобора ортмоқда. Шаҳар ҳавоси мусаффолигини таъминлашда дарахтзор-кўкаламзорларнинг аҳамияти беқиёсдир. Дарахтзорлар шаҳарларга чирой бериш билан бирга унинг «ўпкаси» ҳамдир. Мутахассислар шаҳар ҳудудининг 50%и кўкўламзор бўлиши экологик нуқтаи назардан самарали бўлишини таъкидлайди. Айниқса йирик баргли дарахтларнинг хусусан, теракни кўп экилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки, терак турли шароитларда ҳам яхши ўсади, кислородни кўп чиқаради, зарарли газларга бардошли, чангни кўп ютади, тез ўсади (йилига 2 метргача), ҳаво ҳарорати ва шамол режимига таъсир этиб ўзига хос микроиқлимни вужудга келтиради.

Йирик шаҳарларда кўкаламзор ҳудудлар аҳоли жон бошига камида 30-50 кв метр бўлгани маъқул. Тўрт туп дарахт 1 кишига сутка давомида зарур

кислородни ишлаб берса, 1 гектар ўрмон йилига ўртача 18 млн метр куб ҳавони тозалайди. Ана шу 1 га ўрмон иссиқ даврда ҳаво таркибидаги 220-280 кг карбонат ангидридни ўзлаштиради. Йилига 70 тонна чангни тутади, атмосферага 180-220 кг кислород чиқаради. Дарахтзор ва кўкаламзор хиёбонлар жазирама кунларда соя-салқин беради, тупроқда нам сақлайди. Шу туфайли, шаҳар боғларида йўл ва хиёбонларга қараганда ҳарорат бироз салқин (2-4 градус), ҳаво намлиги эса юқори (13-14%). Хиёбонлардаги яшил ўтлоқларнинг ҳар бир квадрат мерти соатига 200 г сувни буғлатиб ҳавони салқин бўлишига ҳисса қўшади.

Бундан ташқари дарахтзор ва кўкаламзордаги ям-яшиллик киши руҳиятини тинчлантиради. Меҳнат фаолиятини тиклашга кетадиган вақтни 60% гача камайтиради. Кишилардаги чидам-тоқатни 15% га кўпайтиради, фикрни бир жойга жамлашни орттиради. Шунга кўра, шаҳар , оромгоҳ, боғлари турар жойлардан 2-3 км, туман боғлари 1,5 км, болалар оромгоҳлари 1км, гулзор ва яшил хиёбонлар 400-500 м дан узоқ бўлмагани маъқул, яна шунингдек шаҳарлар атрофида яшил хиёбонлар ёки ҳимоя минтақаларини сақлаш ва кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу минтақалар шаҳар аҳолисини дам олишини ташкил этиш, шаҳар микроиқлимини юмшатиш, ҳаво тозалигини таъминлашга ёрдам беради. Бу минтақалар кўлами шаҳарларнинг катта-кичиклиги, иқтисодиётдаги мавқеи каби омилларга мос тарзда барпо этилмоғи даркор.Ушбу минтақаларда мавжуд турар жойларни кенгайтириш, янгиларини қуриш, саноат корхоналарини жойлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Уларда фақат дам олиш ва соғломлаштириш масканлари, сайёҳлик ва овчилик муассасалари. Ҳайвонот ва ботаника боғлари ташкил этиш мумкин холос.

Кўпгина шаҳарларда кўкаламзорлаштиришга эътиборни орта боришидан индустриал марказлар шаҳар-боғларга айланди (Москва, Киев, Тбилиси, Бишкек, Твер) Тошкент шаҳри ҳам бунга ёрқин мисол.

Шаҳарлардаги шовқин кучини камайтиришда ҳам дарахтзорларнинг аҳамияти катта. Саноатлашган ҳудудларда ва турар жойлар оралиғида, турар жойлар билан серқатнов йўллар ўртасидаги барпо этилагн дарахтзорлар шовқинни 20% га, кенглиги 25 м бўлган бута ва дарахтзорлар-хиёбонлар эса 10-12 дб га камайтиради. Турур жойларни йўллардан 200 м узоқроқда қурилиши шовқин кучини камайтириш бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги мажмуали тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

-йирик шаҳарларда ўткинчи (транзит) автомашиналар қатновига барҳам бериш, шаҳар марказида юк машиналар ҳаракатини, транспортлар сигналини таъқиқлаш;

-шаҳар қурилиши ва меморчилигида товуш ютувчи мослама ва материаллардан кенг фойдаланиш;

-турар жойлар яқинида аэропорт қурмаслик, уларни шаҳарлардан узоқроққа кўчириш, учиш йўлларини шаҳарлар устидан ўтказмаслик, аэропортларни қайта таъмирлаш;

-шовқинсиз транспортлар яратиш (мотор, ғилдиракларни такомиллаштириш).

Йирик шаҳарларда метро ҳамда электротранспортдан кенг фойдаланиш, ер ости қурилмаларни кенгайтириш (Англия, Франция, Япония ва АҚШ да шаҳар инфратузилмасининг анча қисми ер остида фаолият кўрсатади) лозим.

Булардан ташқари сершовқин шаҳарларнинг шовқин хариталарини яратиш муҳим масаладир, чунки унда шовқин манбалари, тарқалиш чегаралари, кучи аниқ кўрсатилади. Янги турар жойлар, боғлар муассасалари, даволаш ва дам олиш масканлари учун жой танлашда ушбу харита асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги даврда йирик шаҳарларда тўпланиб қолаётган турли саноат, маиший-хизмат чиқиндилари шаҳарлардаги экологик вазиятга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ўртача ҳар бир шаҳар аҳолиси жон бошига сутка мобайнида 1 кг чиқинди тўпланса, дунё бўйича бу миқдорни қанчага етишини тасаввур этиш мумкин. Фақатгина Тошкент шаҳрининг ўзида бир кеча-кундуз давомида 4,5 минг тоннага яқин чиқинди тўпланмоқда. Шаҳарлардаги тўпланадиган чиқиндилардан иккинчи ресурс сифатида фойдаланиш, улардан турли зарур маҳсулотлар олиш шу куннинг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда, ҳозир дунёдаги айрим шаҳарларда (Тошкент) ҳам чиқинди-ахлатни қайта ишловчи корхоналар барпо этилган, бироқ уларнинг иш қувватлари бугунги кун талабини қондира олмаяпти. Иккиламчи ресурслардан кенг фойдаланишга ўтилиши, чиқитсиз технологияни жорий этилиши билан бу муаммони ижобий ҳал этиш мумкин.

Демак, саноат шаҳарларидаги экологик вазиятларни яхшилаш мажмуали тазда: ташкилий-хўжалик, шаҳарсозлик, меъморий ландшафтшунослик ва бошқа тадбирларни амалга оширилиши, янги саноат корхоналарини қурилиши, аҳоли сонининг ўсишини мунтазам меъёрга солиб туриш билан ҳал қилиниши мумкин.

**Назорат топшириқлари:**

1. Шаҳар ҳавосини ифлословчи омилларни изоҳланг.
2. Экологик вазиятни яхшиловчи чора тадбирларни изоҳланг.
3. Шовқин-сурон ва унинг кучини пасайтирувчи чораларни сўзлаб беринг.

**Илмий муаммолар.**

1.Урбанизация ва унинг экологик вазиятга таъсири.
2.Урбанизация ва аҳоли саломатлиги.
3.Аҳоли саломатлигига таъсир этувчи омиллар.
4.Саноат шаҳарлари ва экологик вазият.
5.Саноат шаҳарларида экологик вазиятни яхшилаш.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Урбанизация ҳозирги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўзига хос ўрин тутади. Унинг ўзига хос кўринишлари-агломерация-мегалополис жамият ҳаётининг пойдевори ҳисобланади. Лекин шу билан бирга унинг тараққиёти экологик вазиятни издан чиқариб турли хил ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.
2.Қурбонниёзов Р. Сагдуллаев А. Абирқулов Қ Иқтисодий экология асослари. Урганч, 1999.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.
2.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

## XII.Мавзу.Табиатдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий жиҳатлари(4-часа).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Табиатдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий жиҳатларининг асослари.
2.Экологик самарадорлик.
3.Иқтисодий самарадорлик.
4.Сарф-харажатнинг самарадорлиги.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Табиатдан фойдаланиш, экологик самарадорлик, иқтисодий самарадорлик, ландшафт, экологик тизим.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Табиатдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий жиҳатларининг асослари.
2.Экологик самарадорлик ва Иқтисодий самарадорлик жиҳатлари.
3.Сарф-харажатнинг самарадорлиги ва натижавий тугаши.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Табиий ва иқтисодий самарадорлик алоқадорлигини тушунтириб бериш;
-Экологик самарадорлик омилларини ёритиб бериш;
-Табиий мажмуаларнинг барқарор хусусиятини изоҳлаб бериш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиий ва иқтисодий самарадорлик алоқадорлиги ва унинг жиҳатлари;
-Экологик самарадорликка элтувчи омиллар.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Табиий ва иқтисодий самарадорлик алоқадорлигини тушунтириб беради;
-Экологик самарадорлик омилларини ёритиб беради;

-Табиий мажмуаларнинг барқарор хусусиятини изоҳлаб беради.

**1-асосий савол баёни.**

Табиатдан фойдаланишнинг экологик (табиий) ва иқтисодий самарадорлиги ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этиши билан тавсифланади. Табиатда компонентлар орасида ўзаро барқарор мувозанат мавжуд бўлса, нохуш табиий ва антропоген жараёнлар ривожланиши мунтазам бошқарилса, ресурслардан фойдаланиш оқилона амлга оширилса,

тикланадиган бойликларни уларни фойдаланиш даражасига қараб сунъий равишда тиклаш ишлари фойдаланиш даражасига қараб сунъий равишда тиклаш ишлари маромида бажарилса, умуман олганда табиатни муҳофаза қилиш ва бойликлардан фойдаланиш илмий асосда бошқариладиган табиат комплексларида амалга оширилса, экологик самарадорликка эришилади.

Экологик самарадорлик-у табиатдан фойдаланиш жараёнида бир қатор табиий ва антропоген омилларнинг фаолиятига боғлиқ. Бу омиллар табиий муҳитни оптимал вазиятда ривожланишига таъсир этиши билан боғлиқ ёки табиий мажмуалар қанчалик илмий асосланган тарзда барқарор бошқарилса, улар шунчалик юқори даражада экологик самарадорликка эга бўлади ва аксинча.

Экологик самарадорликни таъминловчи табиий омиллардан бири табиий мувозанатдир. Экологик мувозанат мавжуд бўлган табиий мажмуа (ландшафт, геотизм), унинг тузилмали динамик ҳолатининг меъёридалиги компонентлар орасида ўзаро боғлиқлик ва таъсир табиий мувозанат ҳолдаги, ресурсларнинг маҳсулдорлигининг юқорилиги, табиий муҳит ифлосланмаганлигидан дарак беради. Дарвоқе, мазкур табиий мажмуа юқори даражада самарадорликда табиат ва жамият тизимида фаолият кўрсатмоқда, деб баҳолаш мумкин.

Экологик мувозанат барқарор бўлган ҳудудда атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар (саноат корхоналари, транспорт, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқалар) таъсири сезилмаслиги мумкин, агар узоқда жойлашган бўлса, ёки улардан техноген чиқинди чиқариш ҳажми меъёрдан ортилса, бинобарин, маълум тадбирлар мажмуаси мунтазам қўлланиб боилса, бу атроф-муҳитни салбий ўзгаришлардан муҳофаза қилади.

Табиий мажмуаларнинг барқарор хусусиятга эга бўлиши уларнинг ўз-ўзини тозалаш ва қайта тиклаш қобилиятларини юқори даражада таъминланганлигидан дарак беради. Уларда атмосфера ҳавоси ёки сув ҳавзалари орқали келиб қолган турли чиқиндилар маълум муддатда табиий ювилиш жараёнида четга чиқиб кетади, ландшафт комплексларида инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгариш бўлиши (яйлов, ўрмон, тупроқ ва бошқалардаги деградация ҳодисаси) мумкин, лекин маълум вақтдан сўнг яна қайтадан табиий ҳолига ўзгаради. Бу хусусият табий комплекснинг қайта тиклаш қобилиятини ниҳоятда кучлилиги билан боғлиқ.

Мазкур табиий хусусиятлар ландшафтлар ресурсларини экологик жиҳатдан тозалигини таъминлайди, бу борада айниқса, атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларининг мусоффолиги жуда ҳам муҳим, тупроқнинг техноген чиқиндилардан ҳоли бўлиши етиштириладиган экин маҳсулотларини экологик жиҳатдан тозалигини таъминлайди, бу эса ўз навбатида инсон ва чорва молларининг саломатлигини кафолатлайди. Барқарор табиий мажмуалар яйлов, тупроқ, пичанзорларнинг сермаҳсулдорлиги, сувнинг тозалиги, ер ости сувларининг ифлосланмаганлиги, ўрмонларнинг мавжудлиги билан тафсифланади.

Тоғ олди ва тоғ мажмуаларида табиатнинг инсонга хизмат қилувчи имкониятлари бисёр ва катта салоҳитга эгалиги билан ажралиб туради.

Бундай ва энг қулай рекрация ресурслари минглаб, аҳолини мусаффо, ҳаво, тоза сув, бетакрор тоғ манзараларига бой бўлган гўшаларда ҳордиқ чиқариши, соғлигини тиклашни таъминлайди. Демак, оптимал маромда ривожланаётган табиий мажмуалар маълум экологик хусусиятларга эгаки, улар қулай табиий шароит ва ресурслар мажмуаси билан маълум даражада самарадорликка эга. **Экологик самарадорлик** ландшафтнинг ресурслари асосида инсон хўжалик фаолиятини юритиш, рекрация бойликларидан баҳраманд бўлиш, табиатдан эстетик завқ олиш ва бошқа жиҳатларда ифодаланади.

**Назорат топшириқлари.**

-Табиат компонентлари орасидаги ўзаро алоқадорликни тушунтиринг?

-Экологик самарадорликка олиб борувчи йўлларни изоҳланг?

-Табиат компонентлари орасидаги барқарор хусусиятни тушунтиринг?

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Экологик самарадорлик моҳиятини тушунтириш.

-Экологик самарадорлик балл кўрсаткичларини баён қилиш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Экологик самарадорлик ва унинг афзалликлари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Экологик самарадорлик моҳиятини тушунтиб беради.

-Экологик самарадорлик балл кўрсаткичларини ёритади.

**2-асосий савол баёни.**

ЭС табиий муҳитда турли даражада мавжуд бўлади, бу аниқ ҳудуднинг табиий шароити ва ресурсларининг хусусиятлари билан боғлиқ. Бизнингча, табиий мажмуаларнинг экологик самарадорлигини қуйидаги баллар асосида кўрсатиш таклиф қилиш мумкин, масалан: самара йўқ-0 балл, паст самара-1-3 балл, ўртача-4-6 балл, юқори-7-9 балл, энг юқори 10-12 балл.

Нолл балл одатда фойдаланилмайдигаг ҳудудлар учун хос, масалан кучли парчаланган рельеф шакллари (бедленд), барханлар, шўрхоклар, туб жинслар очилиб қолган тоғ ёнбағирлари, шўр билан қопланган ботиқлар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу табиат комплексларини хўжаликда фойдаланиш имконияти йўқ даражада, баъзи вазиятларда рекреация объекти сифатида фойдаланиш мумкин, лекин бу камдан-кам бўлади, чунки барханларда қуёш радиацияси кўп бўлганлиги тўфаёли баъзи касалликларни даволаш мумкин, шўр ва шўр балчиқлар ҳам баъзи ҳолларда касалликларни даволашда ишлатилади. Агар булар эътиборга олинмаса, кўрсатилган мажмуаларнинг экологик самарадорлиги йўқ даражада.

Паст самара 1-3 балл табиат мажмуасининг фақат бир компоненти ресурсидан фойдаланиш имконияти бор, лекин у ҳам камбағаллиги билан ажралиб туради. Масалан, тузилмали баландлик ва плптолпрнинг яйловлари (гектарига 0,5-1 ц), Орол денгизининг қуриган қисми яйловлари (0-0,5) ва бошқа. Агарда яйловлар деградацияга берилса, мавжуд самарадорлик янада камаяди ва нул баллга тушган бўлади.

Ўртача экологик самара 4-6 балл табиий мажмуанинг икки компоненти ресурсларидан фойдаланиш имкони мавжуд: яйлов ва тупроқ. Амударёнинг

чўллашишга берилган Оролбўйи делтаси аосан яйлов сифатида фойдаланилмоқда, лекин сув кўп бўлган хиллари қулай ерларда кичик майдонларда деҳқончилик билан ҳам шуғулланилади ва бошқалар.

Суғориладиган ерлар юқори экологик самара-7-9 баллга эга, чунки суғорма ерларнинг маҳсулот етказиб бериш даражаси деҳқончиликда энг катта кўрсаткичга мансуб. Бу хусусият, айниқса, мелиоратив шароитлари қулай ва тупроқ унумдорлиги юқори бўлган ерларда янада яққолроқ сезилади. Ерларнинг мелиоратив шароитлари оғир бўлган воҳаларда юқори экологик самарадорликка инсон томонидан бошқариладиган муҳандислик тизимлари асосида эришилади.

Энг юқори экологик самарадорлик 10-12 балл –суғорма ерларда рекрация тизимлари ривожлантирилган бўлса ёки маҳсулдор яйлов зонасида мавжуд бўлган рекрация бойликларидан самарали фойдаланилаётган ҳудудларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Бу борада Чирчиқ ва Қашқадарё ўрта ва юқори оқимларидаги табиат комплексларини энг юқори самарага эга деб ҳисоблаш мумкин.

**Назорат топшириқлари.**

-Экологик самарадорлик моҳиятини тушунтиринг?

-Экологик самарадорликка олиб борувчи йўлларни изоҳланг?

-Экологик самарадорлик омилларини тушунтиринг?

**3-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Иқтисодий самарадорлик моҳиятини тушунтириш.

-Иқтисодий самарадорликда сарф-харажат ва самара асосларини изоҳлаб бериш.

**3-савол баёнига оид муаммолар.**

-Иқтисодий самарадорлик ва унинг афзалликлари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Иқтисодий самарадорлик моҳиятини тушунтириб беради.

-Иқтисодий самарадорликда сарф-харажат ва самара асосларини изоҳлаб беради.

**3-асосий савол баёни.**

Иқтисодий самарадорлик экологик самарадорликдан фарқ қилади. Иқтисодиётда бирор лойиҳа амалга ошириладиган бўлса, аввало у амалда қўлланила бошлаган тақдирда буюртмачига қанча фойда келтиради ёки самара беради, деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Самара бермайдиган лойиҳа ҳеч вақтда амалга оширилмаслиги лозим.

Молиявий маблағ ҳар қандай иқтисодий тизимда тақчил, шунинг учун таклиф қилинаётган лойиҳаларни амалга тадбиқ қилишдан олдин сарф-харажат ва фойда пул ифодасида таққослаш ёки лойиҳани иқтисодий самарадорлигини аниқлаш керак бўлади. Демак. Иқтисодий самарадорлик чегараланган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш демакдир.

Баъзи мутахассисларни фикрича капитал маблағни табиат муҳофазаси лойиҳаларига сарфлаш билан вужудга келган самарани меъёрий коэффициэнт билан солиштириш натижасида олинган натижа (фойда,

даромад) лойиҳанинг самарадорлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради.

Пулнинг қадри-қиймати ўзгариб турган иқтисодий вазиятда капитал маблағнинг самарадорлигини олдиндан аниқлаш баъзихатоликларга олиб келиши мумкин. Айтайлик, сиз А сўмни банкка қўйдингиз, агарда сизга йилига 10% дан фойда беришини билдирса, у ҳолда 5 йилдан сўнг сизнинг пулингиз А қўшив Б сўмга тенг бўлади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин, яъни ҳизирги пул А сўм келажакдаги пулдан (А қўшув Б сўмдан) қимматроқ ёки қадрлироқ. Бинобарин, капитал маблағни лойиҳаларига сарфлашда маълум йилгача унинг ҳар йилги қўшимча коэффциентини келтирадиган самарасига қўшиб ҳисоблаш лозим.

**Назорат топшириқлари.**

-Иқтисодий самарадорлик моҳиятини тушунтиринг.

-Иқтисодий самарадорликка олиб борувчи йўлларни изоҳланг.

-Иқтисодий самарадорлик омилларини тушунтиринг.

**4-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Сарф-харажат ва самара моҳиятини тушунтириш.

-Лойиҳалар-сарф-харажатлар ва самара асосларини изоҳлаб бериш.

**4-савол баёнига оид муаммолар.**

-Сарф-харажат ва самаранинг асосий жиҳатлари.

-Лойиҳалар-сарф-харажатлар ва самара алоқадорлиги.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Сарф-харажат ва самара моҳиятини тушунтириб беради.

-Лойиҳалар-сарф-харажатлар ва самара асосларини изоҳлаб беради.

**4-асосий савол баёни.**

Афсуски, капитал маблағларни катта миқдорда сарфлаш ҳар доим ҳам иқтисодий самарадорликка олиб келмайди, бунда узоқ келажакни ҳисобга олиб, ҳар бир сўмга келадиган даромад тўғри ҳисоб китоб қилинмаслиги натижасида жиддий хатоликларга йўл қўйилади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида 60-80 йилларда Собиқ СССРда ерларни мелиорация қилишнинг гигант дастурини кўрсатиб ўтиш ўринли. Бу дастурни амалга ошириш ҳажмини улканлигини шундан ҳам билиш мумкинки, барча сарф-харажатлар миқдорини мамлакатнинг озиқ-овқат ва енгил саноатга сарфланган маблағ миқдорига солиштириш мумкин эди. Аммо иқтисодий самарани нотўғри ҳисоб-китоб қилиниши натижасида глобал мелиорациянинг самарадорлигига эришилмади. Умуман олганда олинган самара камлиги билан тавсифланади ва катта миқдордаги пул маблағлари самарасиз бўлди (Гирусов ва бош 1998).

Буни қуйидаги мисоллар асосида тасдиқлаш мумкин: 1960-1986 йиллар мобайнида Орол денгизи ҳавзасида жами суғориладиган ерлар майдони 5 млн га дан 7 млн га ортди, яъни ҳаммаси бўлиб 2 млн га ер ўзлаштирилди. Лекин дарёлардан олинаётган сув миқдори жами 40,4 км кубдан 85 км кубга ортди, яъни икки баробардан кўп. Сувнинг минераллашув даражаси0.3-0,7 г дан 1,0-2,5 г гача кўпайди., ҳар бир га майдонга олинаётган суғориш суви ҳар га ўртача 8,2 минг м кубдан 12,4 минг метр кубгача, коллектор-зовур сувлари ҳажми 5-6 км кубдан 32-34 км кубгача ортди. Суғориладиган ерларда

шўрланган майдонлар 50% га кўпайди. Суғорма ерларда тезкор усулда деҳқончилик қилиш оқибатида тупроқ ҳосилдорлигининг камайиши кучайди. Бу 60-80 йилларда амалга оширилган улкан мелиорация дастурининг натижаси, унинг оқибатлари ҳозиргача тугатилганича йўқ. Масалан, Амударё ва Сирдарё сувидан нотўғри фойдаланиш туфайли Орол денгиз қуриб бормоқда. Демак,табиат муҳофазаси ва экологик вазиятни барқарорлаштиришга сарф қилинадиган капитал маблағларнинг самарадорлигини олдиндан аниқ ҳисоб-китоб қилиб, маълум босқичлар асосида лойиҳаларни амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан самара беради.

**Назорат топшириқлари:**

-Сарф-харажат ва самара моҳиятини тушунтириб беринг.

-Лойиҳалар-сарф-харажатлар ва самара асосларини изоҳлаб беринг.

**Илмий муаммолар.**

1.Табиатдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий жиҳатлари.

2.Экологик ва Иқтисодий самарадорлик.

3.Сарф-харажатнинг самарадорлиги.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Табиатдан фойдаланишнинг экологик (табиий) ва иқтисодий самарадорлиги ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этиши билан тавсифланади. Табиатда компонентлар орасида ўзаро барқарор мувозанат мавжуд бўлса, нохуш табиий ва антропоген жараёнлар ривожланиши мунтазам бошқарилса, ресурслардан фойдаланиш оқилона амлга оширилса, тикланадиган бойликларни уларни фойдаланиш даражасига қараб сунъий равишда тиклаш ишлари фойдаланиш даражасига қараб сунъий равишда тиклаш ишлари маромида бажарилса, умуман олганда табиатни муҳофаза қилиш ва бойликлардан фойдаланиш илмий асосда бошқариладиган табиат комплексларида амалга оширилса, экологик самарадорликка эришилади.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик, Т.Университет, 1998.

2.Рўзиев А., Абирқулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Банников А.Г и др Основи экологии и охрана окружаюшей среди. М. Колос. 1999.

2.Гирусов Э.В. и др Экология и экономика природопользования, М. ЮНИТИ,1998.

3.Турсунов Х Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.

4.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.

5.Шилов И.А. Экология. М. Вис.школа. 1998.

6.Шодиметов Ю Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.

7.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.

## XIII.Мавзу. Табиатдан нотўғри фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш(2-соат).

### Мавзу режаси (асосий саволлар)

1.Табиат мураккаб тизим доирасида.
2.Ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш йўналишлари.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Табиатдан нотўғри фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий оқибат, экологик мувозанат, экологик кризис.

### Мавзуга оид асосий муаммолар.

1.Табиат мураккаб тизим доирасида.
2.Ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш йўналишлари.
3.Орол денгизи ва унинг муаммолари.

### 1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.

-Табиат мураккаб тизим эканлигини тушунтириб бериш;
-Табиатдан нотўғри фойдаланиш оқибатларини ёритиб бериш;

### 1-савол баёнига оид муаммолар.

-Табиат мураккаб тизим;
-Табиатдан нотўғри фойдаланиш ва унинг оқибатлари;

### Идентив ўқув мақсадлари:

-Табиат мураккаб тизим эканлигини тушунтириб беради;
-Табиатдан нотўғри фойдаланиш оқибатларини ёритиб беради;

### 1-асосий савол баёни.

Табиат ўта мураккаб тузилмага эга, айни замонда у жуда нозик ҳисобланади. Табиат географик қобиқ миқёсида геосфераларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирида бўлиш билан бирга унинг хохлаган геотизимида табиий компонентлари ҳам ўзаро боғлиқлиги ва таъсири ниҳочтда кучли ифодаланади. Бинобарин, ер куррасида ва унинг сферадорлари ва компонентлари ҳамда мажмуалари бир бутун яхлит динамик геотизм ташкил қилганки агарда бу табиий ҳолатга меъёридан ортиқча таъсир этилса маълум ҳудудда турли ўзгаришлар содир бўлади. Ўзгаришнинг миқёси ташқи ёки ички таъсир кучи ва унинг мунтазамлигига боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда инсоннинг хўжалик фаолиятининг табиатга таъсири натижасида уч турдаги оқибатлар келиб чиқади: **экологик, иқтисодий ва ижтимоий.**

Табиатдан нотўғри фойдаланишнинг экологик оқибати мавжуд қулай вазиятнинг жиддий вазият алмашишида аниқ ифодаланади. Вазиятнинг ўзгариши одатда атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимлик ва бошқа компонентларнинг ифлосланиши, шунингдек аҳолининг соғлигини жиддийлашуви натижасида содир бўлади. Бу ўзгаришларнинг катта ҳудудлар мисолида иқтисодий жиҳатдан баҳолаш аслида мумкин эмас, жуда мураккаб масала ҳисобланади. Табиат ресурсларининг даградацияси, қашшоқланиш ва муомаладан чиқиб қолиши ҳам катта иқтисодий зарарга олиб келади. Ўтган асрнинг 70 йилларида Марказий Осиё ва Жанубий Қозоғистонда пахта етиштириладиган минтақада тупроқ шўрланиши ҳисобига йилига 2 млн т (шундан Ўзбекистонда 600-700 минг т) кам пахта ҳосили олинган, ҳозирда ҳам тупроқ шўрланиши катта майдонларда ривожланган, демак йилига

камида 1,5-2 млн т кам ҳосил йиғиштирилиб олинмоқда. Бу рақамни тегишли ҳисоб-китоб қилиш йўли билан қанча иқтисодий зарар кўрилаётганини билиш қийин эмас.

Табиатдан нотўғри фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини баҳолаш амалий жиҳатдан аҳамиятга эга, иқтисодий зарарни одатда, табиий ресурсларни деградацияга берилиши, қашшоқланиши, муомаладан чиқиб кетишини пул воситасида баҳолаш тушунилади. Экологик зарарни иқтисодий баҳолаш ҳар бир компонент ёки ресурс табиий ҳолда (ёки инсон томонидан ўзгартирилган маданийлашган вазият) миқдорий аниқланади, сўнгра у иқтисодий жиҳатдан баҳоланади. Айтайлик, маълум суғорма ер ирригация эрозияси натижасида кучли даражада ювилиб кетди, дейлик. Бу вазиятда ювилиб кетган тупроқ майдони аниқланади, унинг ҳосилдорлик даражаси, механик таркиби, сифат белгилари баҳоланади, аввал пахта ёки бошқа (ғалла, полиз ва бошқалар) экинлардан олинагн ўртача (ҳар га майдонга ц ҳисобида) маҳсулдорлиги белгиланади. Шундан, сўнг ювилган ернинг иқтисодий баҳоси аниқланади. Баҳолашда етказилган зарар фақат бир йил (ўша йилнинг пул қадрига нисбатан) учун ҳисоб-китоб қилинади.

**Назорат топшириқлари.**

-Табиат ўта мураккаб тузилма эканлигини тушунтиринг?

-Табиатдан нотўғри фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?

-Экологик зарарни иқтисодий баҳолаш деганда нимани тушунасиз?

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш йўналишларини тушунтириш.

-Орол муаммоси туфайли келиб чиққан сарф-харажатларни изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш йўналишлари.

-Орол муаммоси туфайли келиб чиққан сарф-харажатлар.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш йўналишларини ёритади.

-Орол муаммоси туфайли келиб чиққан сарф-харажатларни изоҳлаб беради.

**2-асосий савол баёни.**

Ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш икки йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналишда оқибатларни ҳисоб-китоб қилиш мавжуд бозор нархларига асосланади. Бу йўналишда ресурсларнинг унумдорлигининг ўзгариши, махсулотларнинг ҳосилдорлиги камайиши (тупроқларнинг шўрланиши туфайли маҳсулдорлигининг кескин ўзгариши, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини камайиши, балиқчиликда балиқ овлаш ҳажмининг қисқариши, яйловларда биомассанинг ўсиши кескин тушиб кетиши, ўрмонларни деградацияси ва бошқалар), аҳолининг турмуш шароитининг жиддийлашуви (ёки даромаднинг йўқолиш услуби) (турли касалликларнинг кўпайиши, ўлим, ўртача умр кўришнинг қисқариши, рекрация ресурсларини қашшоқланиши ва бошқалар) тегишли ҳисоб-китоб қилиш йўли билан иқтисодий зарарлар баҳоланади.

Иккинчи йўналиш баҳолашда бевосита сарф-харажат билан боғлиқ. Бу йўналишдаги баҳолаш услублари олдинги бўлимларда (2.2)таҳлил қилинди.

Бунда табиий бойликларни сарф-харажат йўли билан баҳолаш сарф-харажатлар таҳлили каби услублардан мазкур йўналиш баён этилган.

Ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш юқорида айтиб ўтилгандек осон иш эмас. Бунда мавжуд бозор нархларига асосланган ҳолда ҳар бир зарар турини аниқ ҳисоблаб чиқиш тақозо этилади. Қуйида мазкур мавзуни Орол денгизи ва Оролбўйи мисолида мутахассислар ишлаб чиққан ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш тамойиллари ва услубиёти билан танишасиз.

Орол денгизи сатҳининг тушиб кетиши ва Оролбўйи сув режимини тартибга келтирилиши натижасида вужудга келган салбий ижтимоий-иқтисодий зарари мутахасссислар томонидан 70 йилларда йилига 30-60 млн рубль деб баҳоланган. Буни ҳисобга олган баъзи иқтисодчилар ва сув хўжалиги мутахассислари дарёлар сувини Оролга юбормай суғорма деҳқончиликни ривожлантириб, йилига бир неча миллиард рубльга тенг бўлган маҳсулотлар етиштирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, денгиз сатҳининг тушиб боришига жиддий муносабатда бўлмадилар. Улар ижтимоий-иқтисодий оқибатнинг бошқа соҳаларини, хусусан ижтимоий оқибатини чуқурроқ ўйлаб кўрмадилар. М.Х.Байдал ва А.К.Кияткин (1972)нинг фикрича Орол денгизи тақдирини иқтисодий жиҳатдан ҳисоблаш билан ҳал қилиб бўлмайди, деб жуда тўғри фикрда бўлишган.

70-йилларни охири ва 80-йилларнинг бошларида Орол денгизи қуриб боришини иқтисодий ва ижтимоий оқибатларининг барча соҳалари бўйича иқтисодчилар ва сув хўжалиги мутахассислари муаммони туб жиҳатларини ҳисобга олиб етказилаётган ва келажакда содир бўладиган барча халқ хўжалиги зарарларини сарҳисоб қила бошладилар.

Денгиз акваториясида бевосита иқтисодий зарар Оролнинг кемачиликдаги мавқеини йўқолиши билан боғлиқ. 60-йилларгача денгизда Мўйноқ-Аральск, Учсой-Қозоқдарё  каби портлар оралиғида мунтазам кемалар қатнови мавжуд бўлиб, кўплаб йўловчилар ва халқ хўжалик юклари ташилар эди.

70-йилларга қадар Мўйноқ ярим оролининг шимоли-шарқий қирғоғи ажойиб денгиз курорт зонаси ҳисобланган, бу гўшада ҳар йили минглаб кишилар  ҳордиқ чиқаришган. 1978 йилда курорт ва болалар оромгоҳлари бутунлай ёпилди, курорт зонаси ҳувуллаб  қолди, денгиз қирғоқдан анча (2-5 км) узоқлашиб қолган ва унда чўмилишнинг иложи қолмаган эди. Бу ҳам иқтисодиёт учун жиддий зарар келтирди.

Орол денгизи чучук сувда ҳаёт кечирувчи қимматбаҳо балиқ зотларига бой ноёб ҳавза ҳисобланган, унда йилига ўртача 500 минг ц балиқ овланар эди, шундан 20 минг ц жуда қимматли орол усачи(сўзан балиқ)ига тўғри келган. 1984 йилдан эътиборан денгизда балиқ овлаш амалда тўхтатилди. 70-йилларнинг бошларида балиқчиликка етказилган умумий зарар миқдори С.Н.Крицкий (1973) бўйича йилига 6 млн рубль деб баҳоланди.

Мўйноқ шаҳри йирик порт, унда балиқни қайта ишловчи комбинат бўлган, у йилига 20 млн донадан ортиқ балиқ консерваси тайёрлаб чиқарарди, ҳозирда комбинат 20-25% кувватда фаолият кўрсатмоқда. Балиқ

маҳаллий кичик кўлларда сув ҳавзаларида тутилиб, комбинатга етказиб берилади. Урга, Учсой, Қозоқдарё ва бошқа жойлардаги балиқ цехлари 70-йилларда ёпилган. К.И.Лапкиннинг ҳисоб-китобича Амударё дельтасида балиқ хўжалигига етказилган жами зарар 1980 йил нархлари бўйича йилига 18,9 млн рубльга тенг бўлган.

Амударё ва Сирдарё дельталарида қамишзорларни деградациясига учраши ва кўл-ботқоқликларни қуриши натижасида қимматбаҳо мўйна берувчи ондатрачиликка катта зарар етказилди, ҳар йили дельталарда 3 млн дан ортиқ ондатра териси тайёрланар эди, ҳисоб-китобларнинг натижасига кўра фақат Амударё дельтасида йилига 4,7 млн рубль зарар етказилган.

Оролбўйида маҳсулдор яйловлар ва пичанзорлар катта майдонларни эгаллаган эди. Лекин чўллашиш жараёнининг кучайиши туфайли уларнинг маҳсулдорлигини кескин камайиб борди, чунки қамиш ва турли ўтлар ўрнига шўрга чидамли галофитлар ва ксерофитлар тарқала бошлади. 1963-1978 йиллар мобайнида қўйларнинг 300 минг бошга қисқариши, 10 минг қоракўл ва 5,5 минг йирик шохли қора мол камайиши қайд этилган. Буларнинг жами иқтисодий зарари 20 млн рубль ташкил қилган. К.И.Лапкиннинг ҳисоб-китобича 1980 йилдаги нарх бўйича Амударё делтасида яйлов ва гўшт-сут чорвачилигидан келган зарар ҳажми 9,0 млн рубль тенг бўлган.

Аҳолининг меҳнат қилиш ва яшаш шароитларининг ёмонлашуви натижасида Оролбўйида аввал балиқчи, овчи, кема ҳайдовчи ва уларнинг таъмирловчи, Мўйноқ балиқ комбинатининг турли шаҳарлардаги цехларида ишчиларни ёппасига иш жойларини ёпилиши муносабати билан бўшатилиши 70-80 йилларда катта қийинчиликлар туғдирди. Аҳоли янги иш жойларини топгунча анча қийналди. Бу соҳада Қорақалпоғистондаги умумий иқтисодий зарар 1980 йил пул қийматига кўра мутахассисларнинг ҳисоб-китобига биноан йилига 6,0 млн рубль ни ташкил қилган.

Э.Д.Раҳимов (1990)нинг ҳисоб-китобларига қараганда Жанубий Оролбўйида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий потенциалини камайиши эвазига келажакда тахминан 14-15% га агросаноат комплексининг жами маҳсулоти ва даромади камайиши башорат қилинади.

Демак, табиатдан нотўғри фойдаланишнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари инсон учун катта зарар келтиради, энг муҳими табиий салоҳият ишдан чиқоди, ресурсларнинг қашшоқланиши иқтисодиётни ривожлантириш имкониятларини бузади, аҳолининг саломатлигига путур етказади.

**Назорат топшириқлари:**

-Ижтимоий-иқтисодий оқибатларни баҳолаш йўналишларини тушунтириб беринг.

-Орол денгизини қуриши билан боғлиқ муаммоларни изоҳлаб беринг.

-К.И.Лапкин ҳисоб-китобларини изоҳланг.

-Э.Д.Раҳимовнинг башоратини изоҳланг.

**Илмий муаммолар.**

1.Табиатдан нотўғри фойдаланиш ва унинг оқибатлари.

2.Ижтимоий-иқтисодий оқибатлар ва уларнинг йўналишлари.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Табиатдан нотўғри фойдаланишнинг экологик оқибати мавжуд қулай вазиятнинг жиддий вазият алмашишида аниқ ифодаланади. Вазиятнинг ўзгариши одатда атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимлик ва бошқа компонентларнинг ифлосланиши, шунингдек аҳолининг соғлигини жиддийлашуви натижасида содир бўлади. Бу ўзгаришларнинг катта ҳудудлар мисолида иқтисодий жиҳатдан баҳолаш аслида мумкин эмас, жуда мураккаб масала ҳисобланади.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик, Т.Университет,1998.
2.Рўзиев А., Абирқулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Банников А.Г и др Основи экологии и охрана окружаюшей среди. М. Колос. 1999.
2.Гирусов Э.В. и др Экология и экономика природопользования, М. ЮНИТИ,1998.
3.Турсунов Х Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.
4.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.

**XIY.Мавзу.Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари ривожланишининг иқтисодий-экологик стратегияси (2-соат).**

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва унинг омиллари.
2. Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари ривожланишининг иқтисодий-экологик стратегияси.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Ишлаб чиқариш, ҳудудий-ишлаб чиқариш, тактика, стратегия, ишқорли ёмғирлар.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Ҳозирги давр ва ишлаб чиқариш жараёни.
2.Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва унинг омиллари.
3. Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари ривожланишининг иқтисодий-экологик стратегияси.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Ҳудудий ишлаб чиқариш моҳиятини тушунтириб бериш;
-Ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омилларни ёритиб бериш;

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ҳудудий ишлаб чиқариш ва унинг асослари;
-Ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омиллар.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Ҳудудий ишлаб чиқариш ва унинг асосларини ёритади;
-Ишлаб чиқаришга таъсир этувчи омилларни тушунтиради.

## 1-асосий савол баёни.

Ишлаб чиқариш кўп ҳолларда ҳудуднинг табиий шароити, ресурслар турларининг бойлиги, меҳнат ресурслари ва бошқа омилларга жуда ҳам боғлиқ бўлади. Атроф муҳит ва экологик вазият нуқтаи назаридан табиий экологик шароит ишлаб чиқаришнинг ривожланишига маълум даражада таъсир этади. Чунки, ер ости ва ер усти бойликларининг мавжудлиги ресурс турига қараб унга мос (саноат) корхоналарини вужудга келиши ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон беради. Саноат корхоналарини таркиб топиши аҳоли сонини ортиб бориши ва пировардида ишга туширилган корхоналар негизида аҳоли яшаш пункти ва баъзан меёрдаги шаҳарни вужудга келишига туртки бўлади (масалан, Учқудуқ, Мурунтов, Шўртан шаҳарлари).

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантириш ҳудуднинг табиий экологик шароитларига жуда мос тушиши ва асосан унинг хусусиятларидан келиб чиқиши шарт (бу тамойил қуйирокда таҳлил қилиб ўтилади). Аммо 30-50 ва хатто 70-80 йилларда ҳам собиқ Иттифоқ мавжуд бўлган вақтларда бунга жиддий эътибор берилмади ва натижада турли миқёсда экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлар юзага келди. Масалан, Чирчиқ ва  Оҳангарон водийларида кўплаб турли саноат корхоналарини жойлаштириш, Сурхондарё водийсида (қўшни Тожикистон) да алюминий комбинати ишга туширилиши ва бошқалар. Бунинг оқибатида атроф муҳит ҳозирга қадар ҳам азият чекади, аҳоли саломатлиги, чорва моллари, қишлоқ хўжалиги жиддий зарар кўрмокда.Бошқача айтганда саноат ишлаб чиқаришдан кўплаб даромад олиниши билан бирга атроф муҳит, аҳоли ва қишлоқ хўжалигига келтирилаётган зарар ва унинг иқтисодий баҳоси, бизнингча, бир-бирларига тўғри келмоқда. Ёки ишлаб чиқариш жуда ҳам кам самара билан ишлаётганлиги тўғри, оқилона таҳлил қилинса булар ўртасида ҳақиқий айирма объектив баҳоланган бўлар эди.

Ишлаб чиқариш мажмуаларини вужудга келтириш мавжуд табиий экологик шароитларни тўлиқ ҳисобга олишни тақозо этади. Биринчи навбатда иқлимий омиллар, хусусан шамол режимини аниқ эътиборга олиш юксак аҳамиятга эга. Чунки шамолнинг ҳаракати, тезлиги ва йўналиши саноат чиқиндиларини турли томонга ёяди, бунда бир ёки икки томонга йил давомида барқарор эсиш йўналишини кўпроқ назарда тутиш муҳимдир. Тожикистондаги алюминий корхонасини лойиҳалаш ва қуриш жараёнида тоғ-водий шамолининг қўшни Ўзбекистонга томон эсиши тўлиқ ҳисобга олинмаганлиги туфайли Узун, Сариосиё, Денов туманлари мунтазам азият чекиб келмоқда. Сурхондарёнинг ушбу туманларига етказилаётган умумий ижтимоий-иқтисодий зарар миқдори Тожикистондаги алюминий корхонасидан олинаётган даромаднинг маълум қисмини ташкил қилади. Бу вазиятни корхона лойиҳачилари ва экспертлари ўйлаб кўрмаганмикан? Худди ушбу ҳол Олмалиқ, Оҳангарон, Ангрен ҳудудларида ҳам мавжуд.

**Назорат топшириқлари.**

-Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуасини тушунтиринг.

-ҲИМ таъсир этувчи омилларни ёритинг.

-Чирчиқ-Оҳангарон водийси ва табиатдан нотўғри фойдаланишни қандай тушунасиз?

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Ижтимоий-иқтисодий стратегия моҳиятини тушунтириш.

-Ҳудудни истиқболда ривожланиш асосларини изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ижтимоий-иқтисодий стратегия ва унинг жиҳатлари.

-Ҳудудни истиқболда ривожланиш асослари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Ижтимоий-иқтисодий стратегия моҳиятини ёритади.

-Ҳудудни истиқболда ривожланиш асосларини изоҳлайди.

**2-асосий савол баёни.**

Ушбу фикрларни ҳисобга олиб ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуаларини ривожлантиришнинг узоққа мўлжалланган иқтисодий-экологик стратегиясини ишлаб чиқиш катта амалий аҳамият касб этади. **Иқтисодий-экологик стратегиянинг дастлабки таъмойили ҳудуднинг халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш жараёнида унинг табиий шароити, ресурслари ва экологик вазият ўзгаришлари, янги таркиб топадиган номатлуб антропоген ҳодисалар, сабаб-оқибат занжирининг узлуксиз тараққиёти натижалари, рўй берадиган экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлар атрофлича ва чуқур асосланиши прогностик хулосалар ишлаб чиқилиши, таркиб топадиган янги антропоген тизимнинг бошқарув йўллари олдиндан таҳлилий усуллар асосида тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда ҳудудий ишлаб-чиқариш мажмуаларининг истиқболда келтирадиган иқтисодий самаралари ижобий бўлмаслиги мумкин.**

Ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини режалаштиришда истиқболда корхоналарнинг қувватини ошириш ва янгиларини барпо этишни назарда тутганда ишлаб чиқаришнинг атроф муҳитга таъсирини эътиборга олиш билан табиатнинг иқтисодиёт объектларига акс таъсирини ҳам тўғри ва ҳаққоний ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳодиса одатда инсоннинг табиий муҳитга меъёридан ортиқ даражада таъсир этиши натижасида юз беради. Акс таъсир кўпинча кучли бўлади, мисол Орол денгизи.

Ишлаб-чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг стратегиясини асослаганда уларни қандай табиий географик муҳитда амалга оширилаётганини ҳисобга олиш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда географик ўрин биринчи даражали амалий аҳамият касб этади. Тоғ дарё водийлари (Чирчиқ, Оҳангарог, Қашқадарё ва бошқалар), тоғ водийлари (тоғларнинг ички қисмидаги берк водийлар), тоғ олди текисликлар саноат корхоналарини жойлаштиришда бир неча табиий экологик омилларни тўғри ҳисобга олишни таълаб этади. Бунда асосан иқлимий (метерологик), гидрологик, гидрогеографик, геоморфологик, геологик, тупроқ ва бошқалар назарда тутилади.

Қоравулбозордаги нефтни қайта ишлаш мажмуаси чўлда, аҳоли яшаш манзилгоҳларидан узоқда қурилганлиги туфайли унинг атроф муҳитга

таъсири камроқ., бунинг устига технология самарадорлиги анча юқорилиги сабабли муҳитнинг ифлосланиши меёрида, худди шунингдек Муборак ва Шўртан газни қайта ишлаш мажмуалари ҳам ҳамма жиҳатдан қулай жойда қурилган ва атроф муҳитга бўлган салбий таъсири анча заиф. Чиқиндилар чиқарилиши ҳам меъёридан унча катта эмас, худди шундай тавсифга Толимаржон ИЭС ҳам эга, унинг атроф муҳитга таъсири камроқ бўлади ва баланд дудбўронлардан чиққан техноген чиқиндилар муҳитни нисбатан кам ифлослайди вашамол таъсирида улар атмосферада тез тарқалиб кетади.

Ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаётганда ҳудуднинг табиий хусусиятларини ҳисобга олиш, узоқни мўлжаллаб иқтисодиётнинг тараққиётини белгилашга имкон беради. Бу вазиятда ишлаб чиқаришнинг муттасил ривожланиши ҳамда атроф муҳитнинг заҳмат чекмаслиги, аҳоли саломатлигининг барқарор бўлиши таъминланади.

**Назорат топшириқлари:**

-Иқтисодий-экологик стратегия моҳиятини тушунтириб беринг.

-Ижтимоий-иқтисодий стратегиянинг дастлабки тамойилини тушунтиринг.

-Ҳудуднинг табиий хусусиятларини изоҳлаб беринг.

**Илмий муаммолар.**

1.Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси ва унинг жиҳатлари.

2.Ишлаб чиқариш ва иқтисодий-экологик стратегия.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Иқтисодий-экологик стратегиянинг дастлабки таъмойили ҳудуднинг халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш жараёнида унинг табиий шароити, ресурслари ва экологик вазият ўзгаришлари, янги таркиб топадиган номатлуб антропоген ҳодисалар, сабаб-оқибат занжирининг узлуксиз тараққиёти натижалари, рўй берадиган экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлар атрофлича ва чуқур асосланиши прогностик хулосалар ишлаб чиқилиши, таркиб топадиган янги антропоген тизимнинг бошқарув йўллари олдиндан таҳлилий усуллар асосида тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда ҳудудий ишлаб-чиқариш мажмуаларининг истиқболда келтирадиган иқтисодий самаралари ижобий бўлмаслиги мумкин.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Банников А.Г и др Основи экологии и охрана окружаюшей среди. М. Колос. 1999.

2.Гирусов Э.В. и др Экология и экономика природопользования, М. ЮНИТИ,1998.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик, Т.Университет,1998.

2.Рўзиев А, Абирқулов Қ Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.

3.Турсунов Х Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.

4.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.

## XY.Мавзу. Табиатдан фойдаланиш концепцияси ва Иқтисодий экологик барқарор ривожланиш (2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Табиатдан фойдаланиш концепциясини қайта қуриш.
2.Иқтисодий экологик барқарор ривожланиш.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Табиатдан фойдаланиш концепцияси, иқтисодий барқарор ривожланиш, экологик барқарор ривожланиш, иқтисодий-экологик барқарор ривожланиш.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Табиатдан фойдаланиш концепциясини қайта қуриш ва унинг вазифалари.
2.Иқтисодий экологик барқарор ривожланиш асослари.
3.Инсон-ишлаб чиқариш-экологик муаммо.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Табиат ва жамият алоқадорлиги моҳиятини тушунтириб бериш;
-ТФК асосларини ёритиб бериш;

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ҳозирги шароитда табиат ва жамият алоқадорлиги.
-ТФК асослари ва уни ишлаб чиқарилиши.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Ҳозирги шароитда табиат ва жамият алоқадорлиги моҳиятини ёритади.
-ТФК асослари ва уни ишлаб чиқариш жараёнини таърифлайди.

**1-асосий савол баёни.**

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни оптималлаштириш масалалари нақадар мураккаб ва чигал бўлишлиги фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришни мунтазам тараққий қилдиришга тадбиқ этилиши билан боғлиқ. Инсон табиатдан керагича ва ҳатто ундан ҳам кўп хомашё ҳамда бойликлар олишга ҳаракат қилади, лекин уларнинг ўрнини нима билан тўлдириш лозимлигини кўп ҳолларда хаёлига ҳам келтирмайди. Боз устига минерал хомашёларни қазиб олиш ва улардан зарур бўлган оз миқдордаги, айтайлик металларни ажратиб олгандан сўнг бўш тоғ жинслари маълум жойларда йиғилиб кўпая боради, кейин улардан сунъий «тоғлар» вужудга келади. Ёки дарё сувларини суғориш мақсадларида ҳаддан ташқари кўп ҳажмда олиб, эҳтиёждан ортиқ қисми қайтган, сифати бузилган сувлар сифатида берк ботиқлар ва яна ўша дарёларга қайтарилади. Бинобарин, табиатда мавжуд бўлган бирламчи экологик мувозанат бузилади, янги вазият таркиб топади. Албатта, бу жараёнда инсон ўзи учун зарур бўлган ютуққа эга бўлади, яъни тайёр маҳсулот етиштиради, маълум товарларни ишлаб чиқаради ва ҳоказо. Лекин табиий муҳит аввалги ҳолатига нисбатан жиддий зарар кўради, чунки кўп асрлик мувозанат ва вазият бузилади, табиатнинг қулай бўлиб келган шароитлари издан чиқади, ўз-ўзини идора қилиш хусусиятларига зиён етади. Бу инсоннинг хўжаликни юритиш анъанавий усуллари билан объектив равишда мавжуд бўлган табиий муҳит (биосфера) ўртасидаги зиддиятдир.

Аслини олганда табиат кўраётган зарарни бир учи инсонга ҳам салбий таъсир этади. Буни одатда табиатнинг акс таъсири деб ҳам юритилади.

Маъмурий-буйруқбозлик ҳукм сурган тизимда пахта яккаҳокимлиги суғорма деҳқончиликка катта зиён етказди. Сурункасига катта майдонларда пахта етиштириш туфайли ерни маҳсулдорлиги камайиб борди. Чунки ҳар га майдондан энг кўп ҳосил етиштириш мўлжалида тупроққа кўплаб (500-600 кг гача) минерал ўғитлар, ҳашаротлар, бегона ўтларга қарши ҳаддан ташқари кўп(ҳар га га 40-50 кг гача) турли заҳарли, даражаси юқори бўлган пестицидлар мунтазам ишлатилди.

Натижада тупроқдаги гумус миқдори 40-50% га камайди, чувалчанг ва боқа фойдали микроорганизмлар бутунлай қирилди, тупроқ ўз-ўзини тозалаш ва маҳсулдорлигини тиклаш қобилиятини йўқотди. Бу хусусиятларни сунъий равишда тиклаб туриш учун деҳқонлар ерга кўплаб минерал ўғит ва бошқа кимёвий ашёлар солишни кучайтирдилар. Шу зайлда 90-80 йилларда пахта ва бошқа экинлардан тегишли ҳосил олинди, давлат режалари бажарилди. Жамият бу билан ўз мақсадига эришди, лекин табиий муҳит улкан даражада зиён кўрди.

Чунончи, текисликдаги воҳаларда грунт сувлари сатҳи кескин кўтарилиб, ер бетидан уни чуқурлиги 1-3 м ни ташкил қилди. Грунт сувлари минераллашганлиги туфайли тупроқда туз тўпланиши кўчайди. Тоғ олди тупроқлари айниқса оч ва оддий бўз тупроқлар минтақаси қашшоқлашди, эрозия ва дефляциянинг ҳаракат майдонлари кенгайди. Воҳаларда дарё ва суғориш каналлари, қудуқларнинг сувлари аҳоли яшаши учун мутлақо яроқсиз ҳолга келди. Боз устига дарёларга воҳаларнинг қайтган сувларини ташланиши суғориш жараёнида тупроқда туз тўпланишини тезлаштиришга ўтди. Оролбўйида эса ҳаводан туз ёғила бошлади.

Бу табиий-иқтисодий ўзгаришлар хўжаликларга, хусусан давлатга қимматга тушади. Чунки, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун тегишли узунликдаги коллектор-зовурлар тизимини бунёд этиш, мавжудларини мунтазам тозалаб иш коэффициентини ростлаб туриш тақозо этилади. Умуман, суғорма ирригация массивларини барқарор бошқариш учун мураккаб суғориш-мелиоратив тизимларини бунёд этиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш лозим. Чунки бошқарув даражаси ва унинг сифати, мунтазамлиги ҳамда кенг қамровлиги воҳанинг қулай мелиоратив режими(мароми)ни бир хил тарзда ёки сунъий равишдаги экологик мувозанат ҳолида сақлашга хизмат қилади. Зотан, бу мураккаб муҳандислик иншоотлари ва тадбирлари муайян даражада сарф-харажатларни талаб этади. Агар сарф қилинаётган харажатлар йиғиндисини олинаётган даромадлар билан солиштирилса, бунинг нисбати унчалик катта кўрсаткичдан иборат бўлмаслиги ўз-ўзидан аён. Бу ҳол, айниқса, машина усулида суғориш ташкил қилинган ҳудудларда, масалан, Қарши дашти, Бухоро ва Қоракўл воҳалари ва бошқа сувни насос станциялари асосида тортиб олаётган суғорма ерларда пахта ва бошқа экинларни таннархи анча қимматга тушаётганлигида яққол кўриш мумкин.

Инсон ишлаб чиқариш жараёнида табиий бойликлардан фойдаланишнинг турли муддатларга мўлжалланган стратегик режаларга амал қилмаслиги туфайли, нес-нобудгарчиликка йўл қўйиши оқибатида анча панд

ейди, лекин вақт ўтганлиги сабабли юзага келган номақбул ҳодисалар билан муроса қилишга тўғри келади. Ресурслардан оқилона фойдаланмаслик ва узоқни кўра олмаслик, пухта ҳисоб-китобларга эга бўлмай содир бўлаётган мураккаб табиий-хўжалик ҳодисаларни бошқа ресурслар ҳисобига ососнлик билан тезда қутулишга инсон ўрганиб қолган. Бу ҳол аслида кейинчалик бошқа хунук бир (ёки гуруҳли) кенг миқёсли ҳодисаларни келтириб чиқаришини у тўғри башорат қила олмайди. Табиий ҳодисаларни бир-бирлари билан узвий боғлиқлигини олдиндан кўра олмаслик жамиятга катта кулфатлар келтиради, иқтисодиётга зарар етказади, аҳолининг соғлигини ёмонлаштиради.

Масалан, 70-80 йилларда Марказий Осиёда кўплаб янги ерлар ўзлаштирилиб суғорма деҳқончилик муомаласига киритилди. !960 йилда жами суғориладиган ерлар 4106 минг га ташкил қилган эди. Эндиликда ҳаммаси бўлиб 7,1 млн га дан зиёд майдонда суғорма деҳқончилик билан шуғулланмоқда. Шунча ерларни суғориш учун ўлкада ***105,2 км$^3$*** сув дарёлардан олинмоқда, коллектор зовурлар оқими эса жами 33,9 км$^3$ ни ташкил қилади. Ўртача суғориладиган ҳар гектар майдонга сарф қилинаётган сув миқдори Ўзбекистонда 1980 йилдаги ўртача 18,7 минг м$^3$ дан 1980 йилга келиб, 13,4 минг м$^3$ га, 1996 йилда 12,4 минг м$^3$ га камайди. Лекин бу кўрсаткич хали ҳам талабга жавоб бермайди, пахта учун суғориш меъёри ўртача 7-8 минг м$^3$ бўлиши амалда тасдиқланган.

Суғориладиган деҳқончиликнинг муттасил ва кенг миқёсда ривожлантирилиши натижасида Ўзбекистонда кутилмаган табиий-антропоген ҳодисалар таркиб топа бошлади. 70-йилларда воҳаларда вужудга кела бошлаган қайтган сувлар ирригацияда асосий муаммо даражасига кўтарилди, чунки уларнинг ҳажми йил сайин прогрессив равишда орта борди. Қайтган сувлар минераллашганлиги туфайли суғоришда фойдаланишга яроқсиз, дарёларга яна қайтадан ташланса, уларнинг сувини ифлослайди ва шўрлигини ошишига сабаб бўлади, берк ботиқларга юборилса, сув буғланишга сарф бўлиб, исрофгарчиликка йўл қўйилади. Шунинг учун ҳам қайтган сувлар муаммоси ечими мураккаб бўлиб, унинг ечими ҳозирги фан ва техника ютуқлари даражасида ижобий ҳал қилиш мушкуллигини ҳисобга олиб, республика мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари уларнинг катта қисмини Амударё ва Сирдарёга камроқ қисмини эса берк ботиқларга ташлашга жазм қилишди. Шу тариқа дарёлар сувининг ифлосланиши ва минераллашуви бошланди, Марказий Осиёнинг текислик қисмидаги шўрхокли ботиқларда шўр кўллар таркиб топа бошлади, Турон пасттекислигининг қоқ марказида жойлашган улкан ва ноёб Орол денгизи қурий бошлади. Чунки унга дарёлардан сув келиши борган сари камая борди.

**Дарвоқе, Турон ўлкасида 60-йиллардан бошлаб, суғориш ишларининг мислсиз катта суръатларда тараққий қилишининг экологик оқибати шуларга олиб келди. Лекин шундай танг, жойларда ҳалокатли экологик вазиятларнинг таркиб топишини мутахассислар башорат қила олишган эдими, деган мантиқий савол ўртага ташланиши**

**турган гап. Орол денгизи ҳавзаси сув ресурслари бўйича кўзга кўринган мутахассислар (В.Л.Шульц, С.Ю.Геллер, В.Н.Куниц, Л.С.Дитвак ва б). Оролнинг қуриши ўлка учун унчалик қўрқинчли эмас, унинг сатҳидан сув буғланишига бекорга сарф бўлганидан кўра суғорма деҳқончиликни ривожлантириш афзалроқ, шу боисдан денгизнинг мавжуд бўлиши шарт эмас, деган ибора билан Орол муаммоси жуда ҳам хас-пўшланган эди. Оролбўйида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий оқибатларга дуч келиши, санитария гигиеник шароитларнинг оғирлашиши, турли касалликлар ва гўдакларни ўлимининг кескин даражада ортиши каби масалалар бўйича эса экологик ва ижтимоий-иқтисодий башорат ишлаб чиқилган эмас эди. Амударё ва Сирдарёга коллектор сувлари ташланиши натижасида сифатини кескин ўзгариши ва ичиш учун мутлақо ярамас ҳолга келиш ҳам аввалдан чуқурроқ ҳисоб-китоб қилинган эмас, экологик экспертиза ишларини ўтказиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган.**

Берк ботиқларда ташлама сувларнинг юборилиши уларда балиқчиликни тараққий қилишига асос бўлади деган хаёлда иш тутиб, катта майдонлардаги табиий яйловларни сув остида қолиб кетиши билан ҳеч ким қизиқмаган. Айдар кўл ўрнида ҳозирда 600 минг га дан зиёд яйлов сув остида қолди. Ўша вақтларда собиқ Иттифоқ ҳукуматига жаҳон бозорларида чаққон бўлган пахта толасини кўплаб сотиш ва ундан мўмай даромад олиш ҳар қандай бошқа юмушлардан афзалроқ эди. Маҳаллий аҳолининг ичимлик сувисиз қолиши билан ҳеч ким қизиқмаган, Оролнинг қуриши ва унинг экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий оқибатларига мутлақо эътибор берилмаган.

Эндиликда сайёравий, ҳудудий ва маҳаллий экологик муаммолар тобора кенг миқёсда шаклланаётган бир пайтда табиатдан фойдаланишнинг анъанавий усулини қайта қуриш вақти етди деб ҳисоблаш мақсадга мувовиқ. Аввало, экологик қайта қуриш концепцияси нимага асосланиши лозим? Бу борада илмий асосланган концепция мавжудми? Бизнингча, бу борада қуйидаги тамойилларга асосланиш юқори самара беради.

Бутун биосферани макро-геотизим деб қаралса, қисмлари (қуруқликлар, океанлар) мезотизмлар, қуруқликнинг айрим қисмлари ҳудудий геотизимлар, уларнинг қисмларини провинцияли геотизим, ундан сўнгра округли, районли, ландшафтли геотизимлар ва ҳоказоларга ажратиш мумкин. Бинобарин, биосфера беҳисоб геотизимлардан иборат, бу Ер курасини геотизимлардан ташкил топгпнидпн дарак беради. Ҳар бир геотизим яхлит (ўша ҳудудда) табиат, аҳоли ва хўжалик интеграциясидан ташкил топган. Бошқача айтганда, ҳар бир геотизимдаги табиий шароит ва ресурслар, аҳоли ва хўжалик бир-бирларига мос келадиган хусусиятларга эга. Мазкур геотизим микрокомплекс (фация, майдон ва жой) ва макрокомплекс (ландшафт, район) дан иборат бўлиши мумкин, бинобарин геотизим мавқеи, миқёси ва хусусиятларига қараб, унинг ресурсларидан фақат оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, бу борада ишлаб чиқаришни берк ёки чиқиндисиз технология асосида ривожлантириш, табиий шароит ва

ресурсларнинг маҳаллий ҳамда ҳудудий хусусиятларини, албатта ҳисобга олиш зарур.

Бу геотизимли тамойил табиатдан фойдаланишни бир хил табиий ва экологик хусусиятларга эга бўлган ҳудуд (геотизим) ларда амалга оширишни тақозо этади. Ишлаб чиқаришни леярлик бир хил табиий(экологик) шароитларда амалга оширишнинг кўп афзалликлари бор, масалан, маҳсулот ишлаб чиқаришда ихтисослашиш, ресурсларни бир-бирларига яқинлиги ёки бир хиллиги, аҳолини жойлашиши, саноат корхоналарини жойлаштиришда, қишлоқ хўжалигини маълум бир тармоқларини ривожлантиришда асқотади. Табиий жараён ва ҳодисаларнинг барқарор бошқарувида ҳам қулайликлар мавжуд. Хуллас, ишлаб чиқаришни ҳудудий такомиллаштириш борасида табиатдан фойдаланишнинг бу янги концепциясини ўзига хос хусусиятлари мавжудки, уни амалда синаб кўриш ва ижобий хулосага келинган тақдирда уни истиқболда кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ.

**Назорат топшириқлари.**

-Маъмурий буйруқвозлик тизими ва унинг табиатдан фойдаланиш нуқтаи назардан салбий оқибатларини тушунтиринг.

-Марказий Осиё давлатлари ва табиатдан фойдаланиш таъмойилларини ёритинг.

-Ишлаб чиқилиши лозим бўлган концепция ва унинг мазмунини изоҳланг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Иқтисодий барқарор ривожланиш моҳиятини тушунтириш.
-Экологик барқарор ривожланишни изоҳлаб бериш.
-Иқтисодий-экологик барқарор ривожланишга доир олиб борилган тадбирларни ёритиб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Иқтисодий-Экологик барқарор ривожланиш.
-Иқтисодий-экологик барқарор ривожланишга доир олиб борилаётган тадбирлар.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Иқтисодий барқарор ривожланиш моҳиятини тушунтиради.
-Экологик барқарор ривожланишни изоҳлаб беради.
-Иқтисодий-экологик барқарор ривожланишга доир олиб борилаётган тадбирларни ёритиб беради.

**2-асосий савол баёни.**

1992 йилнинг 3-14 июлида Рио-де-Жанейро шаҳрида жаҳон давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарлари иштирокида БМТ нинг атроф муҳит ривожланишига бағишланган конференциясида шундай якдил хулосага келинди: агарда бизнинг цивилизациямизнинг тараққиёт характери ўзгартирилмаса,уни халокат кутмоқда. Конференцияда дунёнинг 178 мамлакатидан хукумат раҳбарлари қатнашди. Конференция оламшумул аҳамиятга эга бўлган «XXI аср учун кун тартиби” номли хужжат қабул қилинди. Унда қуйидаги бош йўналишлар мавжуд: 1) қашшоқлик билан кураш; 2) ҳозирги техносферада ресурслардан фойдаланишни камайтириш;

3) биосферанинг барқарорлигини сақлаб қолиш; 4) сиёсий,иқтисодий ва ижтирмоий соҳаларда қарор қабул қилишда табиат қонуниятларини хисобга олиш.

Дунё аҳолисининг бир қисми оч-яланғоч ва қорни овқатга тўймайди. Маълумотларга қараганда хозирда 1,5 млрд. тиланчи ва 0,5 млрд. оч-камбағаллар мавжуд. Уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда , аҳоли жон бошига ҳар йили етиштириладиган ғалла миқдори камаймоқда. Дарвоқе,бундай мисоллардан шундай хулоса чиқариш мумкин: дунёда нафақат экологик танглик хукм сурмай,шунингдек,аҳолининг иқтисодий жиҳатдан таъминланганлик даражаси ҳам мутлақо паст.

Рио-Де-жанейродаги конференцияда қуйидаги сўзлар бир неча бор қайтарилди:1) атроф муҳитга эътибориқтисодий ривожланиш сайёрамизни чўлга айланишига олиб келди; 2) атроф муҳитни муҳофаза қилишда иқтисодий тараққиётга эътибор бермаслик қашшоқликка олиб келади,шунинг учун ҳам экологик-иқтисодий сиёсатга ўтиш зарур; 3) ижтимоий адолатсиз дунёда экологик хавфсизликни таъминлаш мумкин эмас. Бу сўзларнинг маъносини битта жумла “XXI аср учун кун тартиби»даги атроф муҳит ва ривожланиш Декларациясида барқарор ривожланиш шундай таърифланади: жахон давлатлари хозирги ва келажакдаги авлодни атроф муҳитни сақлаш ва ривожланишда улар эҳтиёжларини қаноатлантириш учун мажбурият оладилар. Шундан келиб чиққан ҳолда конференция Декларацияси барқарор ривожланишни қуйидагича ифодалади: «хозирги ва истиқболдаги авлодни атроф муҳитни сақлаш ва ривожлантиришда улдар эҳтиёжларни қондириш барча худудларда бир хил даражада амалга оширилиши стратегиясидан иборат».

Мазкур конференция барқарор ривожланиш иқтисодий ва экологик жихатдан тараққиёт негизида амалга оширилгандагина самарали бўлишлигини алоҳида уқтиради. Бу тезисда катта маъно бор,чунки агар иқтисодиёт ўз йўлида ривожланаверса,экологик муҳит бузилиш йўналишида тараққиёт босқичида орқага қараб кетса,жамият халокатга учрайди. Иқтисодиёт худуддаги табиий ресурслар, меҳнат бойлиги ходимларга таянади,ресурслар деградацияга,атроф муҳит ифлосланиши натижасида мутахасислар касалланишга мубтало бўлган тақдирда жамиятда қандай қилиб иқтисодий ривожланиш бўлиши мумкин. Демак экология ва иқтисодиёт ҳарн доим бир-бирини тоқозо этади, бирини ривожланиши иккинчисининг ҳам тараққиётга олиб келиши керак. Бу тамойил факт унга тўғри, объектив ва ишончли тарзда қаралгандагина самарали бўла олади.

Барқарор ривожланишга эришиш учун олимлар қуйидагиларни эътироф этадилар: а) сайёра аҳолиси сонини тез фурсатда барқарорлашуви; б) истеъмол соҳасида эҳтиёждан ортиқчасидан кечиш» в) ишлаб чиқариш соҳасида хом ашё ва энергияни ўртача сарфини камайтириш; г) саноат ишлаб чиқариши, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва майиший тармоқларни экологиялаштириш; д) ишлаб чиқаришда қайта тикланмайдиган рнесурсларни иложи борича тикланадиган бойликлар билан алмаштириш; е) атроф муҳит холатини муттасил кузатиш; ж) инсоният олдидаги экологик

муаммоларни ечиш учун фандан кенг миқёсда фойдаланиш; з) янги моделдаги тараққиёт талабларини барча мамлакатлар томонидан бажарилишини таъминлаш учун халқаро ва давлат йўли билан тартибга солиш ва рағбатлантириш.

Жаҳон хамжамияти доирасида ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш технолдогиясини тадбиқ этиш учун молиявий,моддий ва меҳнат ресурсларини фақат битта резерви мавжуд,бу дунё миқёсида қуролсизланиш, барча мамлакатлар бўйича ҳамма харбий сарф-харажатларни кескин камайтириш. Маълумотларга қараганда йилига харбий харажатларга тахминан 1 трлн. доллар сарфланади, қўлига қурол ушлаган энг навқирон 40 млн киши харбий хизматда, харбий саноат ишлаб чиқаришида 20 млн киши банд.

Барқарор ривожланишга ўтишга кўпинча ернинг минерал ресурсларини камайиб бораётганлиги тўсқинлик қилмоқда деган шов-шувлар эшитилиб туради,хақиқатдан ҳам дунё иқтисодиёти табиий ресурсларни кўплаб ишлатади ва бу ишлатиш коэффициенти йилдан-йилга ортиб бормоқда. 1990-2010 йиллар мобайнида дунё аҳолиси 32% га ортиши ва 7млрд кишини ташкил қилиши башорат қилинмоқда. Бу даврда қазилма ёқилғига бўлган талаб 33% га ортиши,яъни 7,0 млрд метр куб нефть эквивалентидан 9,3 млрд куб метрга кўпайиши тахмин қилинмоқда. Жаҳонда 90% энергия истеъмоли минерал бойликлар хисобидан олинмоқда,қайсики улар қайта тикланмас хусусиятга эга. Бу борада тикланиб турадиган энергия турларидан фойдаланиш экологик жиҳатдан тўғри ва мақсадга мувофиқдир. Булар қуёш, дарё, шамол, денгиз тўлқинлари, сув қайтиши ва кўтарилиши, ер қаридаги термал сувлар энергиёси ва б. Булардан фойдаланиш коэффициенти хозирча анча кичик, лекин истиқболда улардан фойдаланиш даражаси ортиб бориши башорат қилинмоқда.

Тўғри, қуёш, сув, шамол энергияси турларидан фойдаланиш айниқса, беғубор атроф муҳитга салбий таъсири жуда ҳам кичик, уни хатто назарда тутмаса ҳам бўлади,чунки уларни бошқариш инсон қўлида,энг муҳими атмосфера ҳавоси ва сув хавзалари ифлосланмайди,иқтисодиёт икки томонлама ютади: 1) минерал ресурс ишлатилмайди; 2) атроф муҳитни мусаффолигини сақлаш учун сарф-харажатлар деярли бўлмайди.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин, барқарор ривожланишда фақат иқтисодий экологик жиҳатдан табиий ресуцрслардан оқилона ва илмий асосланган ҳолда чиқиндисиз теҳнология,ресурсларни тежаб-тергаб фойдаланувчи мухандислик жихозлар негизида амалга оширилганда қадамба-қадам эришиб борилади, Энг муҳими саноат,транспорт,қишлоқ хўжалиги, рекреация ва майиший чиқиндилар меъёридан ошмаслиги,иккиламчи ресурслар ҳам тўлиқ қайта ишланиб,улардан тайёр маҳсулотлар олиниши лозим. Аҳолининг экологик маданияти ва саводхонлиги, иқтисодий хисоб-китоб, рентабеллиги фойда ва бошқа кўрсаткичлар юқори кўрсаткичларга эга бўлиши даркор.

Ўзбекистонда,умуман Марказий Осиёда барқарор ривожланиш масаласи бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада 1995 йил 10-

20 сентябр кунлари БМТнинг «Орол денгизи хавзасининг барқарор ривожланиши «номли конференцияда Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоқистон Республикаларининг президентлари томонидан имзоланган Нукус Декларацияси барқарор ривожланиш тамойилларига содиқ эканликларини аниқ ифодалайди.

**Назорат топшириқлари:**

1.Иқтисодий-экологик барқарор ривожланиш моҳиятини изоҳлаб беринг.

2. «21 аср учун кун тартиби» номли ҳужжат ва унинг асосий йўналишларини изоҳлаб беринг.

3.Барқарор ривожланишга эришиш учун нималарни амалга ошириш лозим?

**Илмий муаммолар.**

1.Табиатдан фойдаланиш концепциясини қайта қуриш.

2.Иқтисодий экологик барқарор ривожланиш.

3. Иқтисодий экологик барқарор ривожланишга доир олиб борилаётган тадбирлар ва улар олдидаги муаммолар.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Барқарор ривожланишга эришиш учун олимлар қуйидагиларни эътироф этадилар: а) сайёра аҳолиси сонини тез фурсатда барқарорлашуви; б) истеъмол соҳасида эҳтиёждан ортиқчасидан кечиш» в) ишлаб чиқариш соҳасида хом ашё ва энергияни ўртача сарфини камайтириш; г) саноат ишлаб чиқариши,энергетика,қишлоқ хўжалиги,транспорт ва майиший тармоқларни экологиялаштириш; д) ишлаб чиқаришда қайта тикланмайдиган рнесурсларни иложи борича тикланадиган бойликлар билан алмаштириш; е) атроф муҳит холатини муттасил кузатиш; ж) инсоният олдидаги экологик муаммоларни ечиш учун фандан кенг миқёсда фойдаланиш; з) янги моделдаги тараққиёт талабларини барча мамлакатлар томонидан бажарилишини таъминлаш учун халқаро ва давлат йўли билан тартибга солиш ва рағбатлантириш.

**Мустақил таълим материаллари.**

1. Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари, Урганч, 1999.

2. Экономика и экология (под ред Н.Н.Агапова), М.Российская экономическая академия, 2000.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.

2.Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.

3.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

## XVI. Мавзу. Бозор иқтисодиёти ва табиатдан фойдаланиш(2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш.

2.Табиатдан бевосита ва билвосита фойдаланиш.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Бозор иқтисодиёти, Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш, табиатдан билвосита фойдаланиш, табиатдан бевосита фойдаланиш.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш жиҳатлари.

2.Табиатдан бевосита ва билвосита фойдаланиш йўналишлари.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш моҳиятини изоҳлаш.

-Инсонни табиатга тармоқлар орқали таъсир қилишини изоҳлаш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш.

-Инсонни табиатга тармоқлар орқали таъсир қилиши жиҳатлари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш моҳиятини изоҳлайди.

-Инсонни табиатга тармоқлар орқали таъсир қилишини тушунтиради.

**1-асосий савол баёни.**

Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш режали ривожланишга асосланган социализм жамиятига нисбатан тубдан фарқ қилади. Социализмда табиий ресурслардан кўпроқ экстенсив усулга асосланган,исрофгарчиликка йўл қўйиш,истиқболни ўйламасдан мавжуд бойликлардан керагидан ортиқ ишлатиш, уларни қашшоқланиши ва сифатини бузилиши билан яқиндан шуғулланмаслик тарки одат бўлган.

Ишлаб чиқаришнинг хусусийлаштирилиши, ерга бўлган муносабатнинг ўзгартирилиши, табиат тўғрисида Олий Мажлиснинг бир неча қонунларини қабул қилиниши, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва бошқа ислоҳотлар бозор иқтисодиёти шароитида табиий ресурслардан фойдаланиш ва умуман табитага бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга асос солди. Эндиликда табиий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш ва экологик омилни эътиборга олиш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди. Бу аввало атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришни экологик жиҳатдан тоза ҳолда ривожлантириш ва ижтимоий-иқтисодиётга йўналтирилган экологик сиёсатнинг амалга ошира бошланишидир. Бироқ, бу жараён етарли даражада мураккаб, сер қиррали ва муаммолиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан қараганда табиатдан фойдаланишнинг экологик ва иқтисодий асосларини билиш барқарор иқтисодий ривожланишга ўтишда муҳим ҳисобланади.

Инсон табиатдан фойдаланиш жараёнида унга икки турдаги тармоқлар ёрдамида таъсир кўрсатади: 1. Табитадан бевосита фойдаланиш; 2. Табиатдан билвосита фойдаланиш. Биринчи турдаги табиатдан фойдаланиш тармоқлари табиий муҳитдан тўғридан-тўғри керакли бойликларни олади ва фойдаланади. Шунинг учун ҳам бу тармоқлар табиатни муҳофаза қилиш борасида биринчи ўринда жавобгар ҳисобланадилар, шунга яраша табитани сақлаш ва қайта тиклаш, ресурсларнинг сифатини доимо юқори бўлиши, атроф муҳитни ифлосланишдан сақлашда маъсулдирлар. Иккинчи турдаги

табиатдан фойдаланиш тармоқлари биринчи турдаги тармоқлар фойдаланган бойликлар қолдиқларини қайта ишлаш билан шуғулланадилар. Бу жиҳатдан улар табиатдан тўғридан-тўғри ресурсларни олмайдилар ва атроф-муҳитга бевосита таъсир кўрсатмайдилар. Лекин бевосита таъсир одатда иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш жараёнида юзага келади.

**Назорат топшириқлари.**

-Боор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш қай тарзда амалга оширилади?

-Табиатдан оқилона фойдаланишни мазмунини изоҳланг?

-Табиат ва унинг ресурсларидан тармоқ нуқтаи назаридан фойдаланишни ёритинг?

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Табиатдан бевосита фойдаланишни тушунтириш.

-Табиатдан билвосита фойдаланишни изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиатдан бевосита ва билвосита фойдаланиш асослари.

-Инсонни табиатдан фойдаланишида ҳудудий гуруҳлар.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Табиатдан бевосита фойдаланишни ёритади.

-Табиатдан билвосита фойдаланишни изоҳлаб беади.

**2-асосий савол баёни.**

Табиатдан фойдаланиш муаммолари бўйича фаолият кўрсатаётган мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра бу жараённи бир неча турлари мавжуд:

1.Бевосита фойдаланиш:

1.Бойликни қазиб олиш: табиатдан омборхона сифатида, тайёр меҳнат предметларини, яъни қайта тикланмайдиган тугалланадиган ресурслар манбаи сифатида фойдаланиш. Бу фаолият тўлиғи билан тоғ-кон қазиб олиш саноатига тўғри келади. Бу борада юз берадиган барча табиатни муҳофаза қилиш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф муҳит муаммоларини айни ушбу саноат фаолияти билан боғлиқдир.

2.Табиий ресурсларда фойдаланиш: табиатдан маҳсулотлар ишлаб чиқариш манбаи сифатида фойдаланиш, бунда қайта тикланадиган, тугалланмайдиган ресурсларга асосланилади. Бу тармоқлар қишлоқ, ўрмон, сув ва бошқа хўжаликлардан иборат. Шунингдек бунга гидро, шамол, гелио, ой, иссиқлик энергетика манбаларини ҳам тармоқ сифатида киритиш мумкин. Табиий кучлар ва жараёнлардан энергия ишлаб чиқариш воситаси сифатида фойдаланилади. Табиатни мақсадга мувофиқ ҳолда ўзгартирилган ареалларни қулай ҳолда сақлаб туриш ресурслардан фойдаланишни асосий шарти ҳисобланади. Баъза бу-ареаллар табиат-хўжалик тармоқлари ҳам деб аталади.

3.Ландшафт (геотизим)нинг табиий, экологик, ресурс хусусиятларидан хўжаликларни жойлаштириш ва ривожлантитриш шароитлари сифатида фойдаланиш. Бу борада қишлоқ ва шаҳар аҳолисини жойлаштириш, рекреация, соғломлаштириш-санитария, спорт объектлари, экинзорлар,

саноат ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда ландшафтларнинг табиий хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш яхши самара беради.

4.Алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар ва илмий –тажриба жиҳатдан табиатдан фойдаланиш: бу тоифадаги табиатдан фойдаланиш асосан табиатни инсон томонидан кам (кучсиз) ўзгартирилган ҳудудларида қўриқхоналар ташкил қилиш ва уларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга асосланган. Бу ҳудудлар кучли ўзгарган геотизмларда мониторингли тадқиқот ишлари олиб борилганда солиштириш учун асқотади.

2.Билвосита фойдаланиш:

5.Ресурсни истеъмол қилиши ҳудуднинг табиий хусусиятларига талабчанлиги энг кам, табиатдан фойдаланиш билвосита, яъни бошқа бир тармоқ орқали амалга оширилади. Масалан, қазиб олинган хомашёлар, ёқилғи, энергия бошқа тармоқлар томонидан тайёрланган бўлиб, улар бу тармоқларда истеъмол қилинади. Бунга хомашё, ёқилғини қайта ишловчи тармоқлар, транспортнинг барча турлари, ижтимоий инфратузилма, маиший-комунал хўжалик ва бошқалар киради.

Табиатдан фойдаланишнинг ҳудудий тузилмаси. Табиатдан фойдаланиш-бу кенг хўжалик фаолияти соҳаси бўлиб, кўплаб тармоқларни ўз таркибига бирлаштиради. Табиатдан фойдаланувчиларнинг барчаси ҳам унинг ноз-неъматларидан бир хилда бир даражада баҳраман бўлмайди: баъзилари кучли, бошқаси камроқ даражада моддий бойликларни хўжалик муомаласига киритади. Бу жараён турли катталикдаги ҳудудларда юз беради, баъзан чоғроқ майдонда (маъдан олинадиган карьерлар) табиий муҳитнинг тубдан ўзгариши, улкан маконда (чорва яйловлари) кучсиз ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Табиатдан фойдаланишнинг бундай таснифланишини ўрганиш амалда катта аҳамиятга эга.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек табиатдан фойдаланишнинг асосий соҳаси: 1. Табиий макон (геотизмда) ишлаб чиқариш кучлари ва аҳолини жойлаштириш, инфратузилмаларни ривожлантириш ва бошқалар; 2. Ер қаъридан табиий хомашёларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш мавжуд.Бу икки тур Табиатдан фойдаланишнинг аосий мағзини ташкил қилади.

Инсоннинг табиатдан фойдаланиш фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики у билан боғлиқ бир қатор ҳудудий йирик гуруҳларни (Т.Г.Рунова, 1987) ажратиш мақсадга мувофиқ:

1.Йирик ҳудудларни (табиий минтақа, катта ареаллар ва б) эгалловчи тармоқлар, улар табиий маконларни бойликлар манбаи, маҳсулдор экинзорлар ва яйловлар сифатида фойдаланадилар, яъни ишлаб чиқариш воситаси, меҳнат предмети сифатида ишлатади. Булар ресурслардан фойдаланувчи тармоқлар-қишлоқ, ўрмон, овчилик хўжаликлари ҳисобланади.

2.Йирик манбали тармоқлар, табиат томонидан яратилган ноёб мажмуали конлар бойликларини қазиб олиш ва қайта ишлаш жараёнлари

билан шуғулланади(қазиб олиш саноати, энергетика, металлургия, нефт ва нефтни қайта ишловчи корхоналар, кимё саноати). Бу тармоқларда кондан фойдаланишнинг табиий имкониятлари ва иқтисодий харажатлари рентабеллиги қизиқтиради. Табиий манба мавжуд бўлган ҳудуднинг релъеф шароитлари, грунт тузилиши, иқлимий (шамол режими), сув билан таъминланиши, йўл қуриш имкониятлари ва бошқа инфратузилма обектларини вужудга келтириш биринчи даражали аҳамиятга эга.

3.Майда манбали, узун йўналган, тўрсимон шакллардаги объект маконлари қайта ишланган бойликлардан маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу тармоқлар табиий шароит хусусиятларига унчалик талабгор эмас, фақат чиқиндилар учун қулай майдонларни мавжуд бўлишлиги кифоя.

4.«Ландшафтдан фойдаланиш», манбали, дисперсли тармоқлар учун геотизимнинг табиий шароитлари уларни жойлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Бу тармоқларга рекрация, сув хўжалиги, қўриқхоналар, табиатни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш, алоҳида аниқ ва нозик технология жараёнлари корхоналарини киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон ҳудудида табиатдан фойдаланиш туб моҳияти билан табиий шароит ва ресурслар, маъданлар мавжудлигига, аҳоли ва меҳнат ресурсларининг жойлашувига боғлиқ. Республиканинг текислик қисми чўл зонасидан, тоғ олди-чала чўл, тоғ ёнбағирлари-баландлик минтақаларидан иборат. Мамлакат ҳудуди учта йирик қисм-минтақага бўлиниши табиатдан фойдаланишни 3та макроминтақага ажратишга имкон беради.

Текислик қисми минтақаси табиий шароитлари хилма-хил: қумли, лёсли, чўллар билан бирга Қизилқумда палеазой жинсларидан ташкил топган қолдиқ тоғлар, дарёларнинг йирик дельталари, террассали дарё водийлари мавжуд.

Тоғ этакларидаги дарё водийлари, конус ёйилмалари-суғорма деҳқончилик, адирлар, қирлар-яйлов чорвачилиги, неоген ва палеоген ётқизиқлари-нефть ва табиий газ газ қазиб олишда фойдаланилади. Соғломлаштириш ва дам олиш обектлари сифатида ишлатилади.

Тоғ ёнбағирлари-асосан яйлов чорвачилиги, полиметалл ва нодир металл рудалари, қурилиш материаллари , мармар қазиб олиш учун фойдаланилади. Бу минтақада рекреация обектлари мавжуд.

Воҳаларда ердан (70-95%) ва сувдан (64%) фойдаланиш коэффициенти нисбатан анча юқори, лекин бу кўрсаткичлар замон талабига жавоб бермайди, шунинг учун ҳам суғорма ерларнинг ярмисидан зиёд қисми шўрланган, ирригация эррозияси, дефляция кенг майдонларда ривожланган, тупроқнинг қашшоқланиш даражаси юқори (гумус миқдори 2 марта кам), ўртача суғориш меёри (ҳар га майдонда 11-12 минг м куб) илмий асосланган кўрсаткичлардан (7,5-8 минг метр куб) кўп ва бошқа. Бинобарин, суғорма ерлардан олинаётган ўртача ҳосил миқдори нисбатан кам, чунки ерларнинг агрономик ва мелиоратив шароитлари юқори даражада (пахтадан айтайлик 35-40 ц) ҳосил етиштириш учун қулай эмас, бу ҳол тегишли амалий тадбирларни мунтазам қўллашни талаб этади. Яйловлар салоҳияти пасайиб бормоқда саксавулларни, черкез, жузғунни қирқиш ва автомабилларни

тартибсиз ҳаракати асосида. Шу сабабларга кўра яйловлардан фойдаланиш даражаси замон талабларига умуман жавоб бермайди.

**Назорат топшириқлари:**

1.Табиатдан бевосита фойдаланиш йўлини изоҳлаб беринг.
2.Табиатдан билвосита фойдаланиш йўлини изоҳлаб беринг.
3.Ландшафтнинг хўжалик ривожига таъсирини тушунтиринг.
4.Тоғлар, тоғ олди ва текислик зоналарида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожланиши ва экологик вазият моҳиятини изоҳланг.

**Илмий муаммолар.**

1.Бозор иқтисодиёти ва табиатдан фойдаланиш асослари.
2.Инсон ресурслари ва табиатдан фойдаланиш.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланиш режали ривожланишга асосланган социализм жамиятига нисбатан тубдан фарқ қилади. Социализмда табиий ресурслардан кўпроқ экстенсив усулга асосланган,исрофгарчиликка йўл қўйиш,истиқболни ўйламасдан мавжуд бойликлардан керагидан ортиқ ишлатиш, уларни қашшоқланиши ва сифатини бузилиши билан яқиндан шуғулланмаслик тарки одат бўлган.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Банников А.Г и др Основи экологии и охрана окружаюшей среди. М. Колос. 1999.
2.Гирусов Э.В. и др Экология и экономика природопользования, М. ЮНИТИ,1998.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик, Т.Университет,1998.
2.Рўзиев А, Абирқулов Қ Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.
3.Турсунов Х Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.
4.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.

## XYII.Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг объектлари ва субъектлари (2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Табиатдан фойдаланишнинг бошқаришнинг объектлари.
2.Табиатдан фойдаланишнинг бошқаришнинг субъектлари.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.**Табиатдан фойдаланишни бошқариш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг объектлари, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг субъектлари .

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Табиатдан фойдаланишнинг бошқаришнинг объектлари ва уларнинг хусусиятлари.
2.Табиатдан фойдаланишнинг бошқаришнинг субъектлари ва уларнинг фаолияти.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини аосий жиҳатларини изоҳлаш.

-Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг объектларини изоҳлаш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми.

-Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг объектлари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми изоҳлайди.

-Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг объектларига таъриф беради.

**1-асосий савол баёни.**

Табиатдан фойдаланиш мураккаб жараён: ижтимоий ишлаб чиқаришда инсон бетўхтов табиатга таъсир кўрсатади. Бунда унинг бойликларидан ва қулай шароитларидан турли ҳажмда фойдаланилади, бунинг натижасида табиий муҳит муайян даражада ўзгаришга учрайди. Тфнинг бир неча механизмлари мавжуд, чунончи, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик ва бошқалар. Уларни ўз вақтида мунтазам қўллаб бориш табиатдан фойдаланишни илмий асосланишига имкон беради.

Тфнинг иқтисодий механизмини мутахассислар қуйидагича таърифлайдилар, яъни бу давлат ташкилотлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ва барча табиатдан фойдаланувчиларнинг ундан фойдаланиш, такрор ишлаб чиқариш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича ташкилий ва иқтисодий тадбирларнинг бир-бирлари билан боғлиқ тизимидир.

Иқтисодий механизмнинг асосий мақсади ижтимоий ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ва экологик мақсадларини ўзаро мувофиқлаштиришдир., бунда давлат, ҳудудий, маҳаллий ташкилотлар ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг умумий мақсади назарда тутилади. 1992 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида БМТ раҳбарлигида бўлиб ўтган, жаҳон табиатни муҳофаза қилиш анжуманида қабул қилинган «21-аср учун кун тартиби» ҳужжатида шундай дейилган: «Стратегиялар иқтисодиётни ижтимоий жавобгарлик тараққиёти учун йўналтирилган бўлиши керак, бу жараёнда ишлаб чиқариш учун ресурслар базаси сақланиши ва келажак авлод учун атроф муҳит сақланади». Бу шиор ҳар бир мамлакатда иқтисодиётни барқарор тараққиёти учун устивор аҳамиятга эга.

Табиатдан фойдаланиш объектлари ниҳоятда кўп: у бирор табиий ресурс, табиий мажмуа (ландшафт), рекреация ҳудуди ва бошқалар бўлиши мумкин. Инсон улардан меёрида фойдаланади, бойликларни хўжалик муомаласига киритади, бинобарин табиатда турли ўзгаришлар содир бўлади. Дарвоқе, табиат инсон томонидан бошқарувга муҳтож, аксинча турли табиий ва антропоген жараёнлар ривожланиши натижасида табиатдан фойдаланиш самарадорлиги кескин пасайиб кетади ёки объект муомаладан чиқади. Демак, табиатдан фойдаланиш объекти инсон томонидан мунтазам сифатли бошқарилишга муҳтож.

**Назорат топшириқлари.**

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини тушунтиринг.

-Табиатдан фойдаланишнинг объектларини изоҳланг.
-Рекрацион ҳудуд моҳиятини тушунтиринг.
-Табиий мажмуа моҳиятини изоҳланг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Табиатдан фойдаланишнинг субъектларини тушунтириш.
-Табиатдан фойдаланишнинг мажмуали ва соҳали йўналишларини изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиатдан фойдаланишнинг субъектлари ва улар фаолияти.
-Табиатдан фойдаланишнинг мажмуали ва соҳали йўналишларининг асосий жиҳатлари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Табиатдан фойдаланишнинг бошқаришнинг субъектларини ёритади.
-Табиатдан фойдаланишнинг мажмуали йўналишини изоҳлайди
-Табиатдан фойдаланишнинг соҳали йўналишини тушунтиради.

**2-асосий савол баёни.**

Тфнинг бошқарув субъектлари бўлиб давлат муассасаларининг умумий доирасига кирувчи идоралар, табиатни муҳофаза қилиш бўйича махсус вакил қилинган ташкилотлар, шунингдек, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари ҳисобланади. БС сифатида корхона даражасидаги табиатдан фойдаланиш хизмати (цехлар, бўлимлар) фирмалари ёки айрим хизматчилар бўлиши мумкин. Бу идоралар турли хизматларни бажарсада табиатдан фойдаланишни у ёки бу даражада амалга оширади, бу жараёнда иқтисодий услубларни қўллайди, умуман олганда иқтисодий механизмнинг турли элементлари иштирок этади.

Умумий доирадаги давлат муассасаларида мамлакат Президенти Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вилоятларнинг ҳокимлари табиатдан фойдаланиш масалалари бўйича назорат ва қонунлар ижросини амалга оширадилар. Махсус давлат муассасалари доирасига табиатни муҳофаза қилувчи республика миқёсидаги ташкилотлар киради. Улар ижро фаолиятларига кўра уч турга бўлинади: мажмуали, соҳали ва функционал. Мажмуали табиатни муҳофаза қилиш идоралари барча вазифаларни бажарадилар. Бу борада бош мажмуали ташкилот Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси махсус вакил сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Қўмитанинг ҳуқуқий ҳолати табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун (9 декабрь 1992) қўмита тўғрисидаги низомда асосланган. Қўмита мувофиқлаштиручи, тартибга солувчи, назорат-инспекция, экологик-маърифий вазифаларни бажаради.

Бошқа мажмуали махсус вакил қилинган муассаса санитария эпидемология назорат ташкилоти бўлиб, республика соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибида фаолият кўрсатади, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги Бошгидрометеорология хизмати. Фавқулодда вазият ва табиий офат оқибатларини йўқотиш бўйича вазирлик ҳам табиатни муҳофаза қилишда фаол иштирок этади.

Айрим соҳали муассасалар диққат эътиборни баъзи табиат объектларига қаратадилар. Бу борада қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ўрмон хўжалиги қўмитаси, баликчилик бошқармаси, муттасил назорат ишларини олиб борадилар. Айрим табиий ресурслар ва обектлар бўйича Геология қўмитаси (Радиацион хавфсизлик), Давлат божхона қўмитаси, ички ишлар вазирлиги, республика прокуратураси ва бошқалар назорат ишларини амалга оширадилар.

Кўрсатиб ўтилган муассасалар ва ташкилотлар табиат муҳофазаси, экологик вазиятни юмшатиш, табиатдан фойдаланишни меъёрлаштириш бўйича назорат ҳамда чора-тадбирларни қўллаш ишлари билан шуғулланадилар. Бу борада мунтазам экологик мониторинг, экспертиза, экологик-маърифий вазифаларни бажарадилар.

**Назорат топшириқлари:**

1.Табиатдан фойдаланиш субъектларини изоҳлаб беринг.

2.Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг мажмуали йўлини изоҳлаб беринг.

3.Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг соҳали йўлини изоҳлаб беринг.

**Илмий муаммолар.**

1.Бозор иқтисодиёти шароитида табиатдан фойдаланишнинг бошқаришнинг объектлари.

2.Субъектлар ва ҳозирги шароитда улар фаолияти.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

ТФИнинг иқтисодий механизмини мутахассислар қуйидагича таърифлайдилар, яъни бу давлат ташкилотлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув ва барча табиатдан фойдаланувчиларнинг ундан фойдаланиш, такрор ишлаб чиқариш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш бўйича ташкилий ва иқтисодий тадбирларнинг бир-бирлари билан боғлиқ тизимидир. Иқтисодий механизмнинг асосий мақсади ижтимоий ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ва экологик мақсадларини ўзаро мувофиқлаштиришдир., бунда давлат, ҳудудий, маҳаллий ташкилотлар ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг умумий мақсади назарда тутилади.

**Мустақил таълим материаллари.**

1.Банников А.Г и др Основи экологии и охрана окружаюшей среди. М. Колос. 1999.

2.Гирусов Э.В. и др Экология и экономика природопользования, М. ЮНИТИ,1998.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Ўзбекистон республикаси конституцияси. Т:. Ўзбекистон, 1992.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон, 1998.

3.Алимов Т.А.Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. Т. Ўзбекистон, 1991.

4.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик, Т.Университет,1998.

5.Рўзиев А., Абиркулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.

6.Турсунов Х Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.
7.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.
8.Шилов И.А. Экология. М. Вис.школа. 1998.
9.Шодиметов Ю Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.
10.Экономика и экология (под.ред.Н.Н.Агапова). М. Российская Экономическая академия.2000.
11.Қурбонниёзов Р. Сагдуллаев А. Абирқулов Қ Иқтисодий экология асослари. Урганч, 1999.
12.Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.
13.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

## XYIII.Мавзу.Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойиллари (2-соат).

### Мавзу режаси (асосий саволлар)

1.Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойиллари.
2.Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизм элементлари.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Табиатдан фойдаланиш таъмойиллари, пуллилик тамойили, ерни ишлаб чиқариш баҳоси, илмий жиҳатдан асосланиш тамойили, иқтисодий жавобгарлик тамойили, мажмуалилик тамойили, табиатдан фойдаланиш иқтисодий механизми, иқтисодий рағбатлантириш, экологик фондмажмуали экологик дастур .

### Мавзуга оид асосий муаммолар.

1.Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойиллари.
2.Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизм элементлари.
3.Мажмуали экологик дастуралар ва уларнинг мазмуни.

### 1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойилларини изоҳлаш.
-Тўлов яъни пуллилик тамойилини изоҳлаш.
-Илмийлик ва иқтисодий жавобгарлик тамойилини тушунтириш.
-Мажмуалилик тамойилини изоҳлаш.

### 1-савол баёнига оид муаммолар.

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойиллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
-Бозор иқтисодиёти шароитида тўлов яъни пуллилик, илмийлик ва иқтисодий жавобгарлик тамойиллари.

### Идентив ўқув мақсадлари:

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойилларини изоҳлайди.
-Тўлов яъни пуллилик тамойилини изоҳлайди.
-Илмийлик ва иқтисодий жавобгарлик тамойилини тушунтиради.
-Мажмуалилик тамойилини тушунтиради.

### 1-асосий савол баёни.

Табиий ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми бир неча тамойилларга асосланади. Ушбу тамойиллар ижтимоий ишлаб чиқариш амалиётида кўп йиллар мобайнида юзага келган.

Табиатдан фойдаланишнинг асосий тамойилларидан бири пуллилик ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳар қандай табиий ресурслардан фойдаланиш маълум тўловлар натижасида амалга оширилади. Социализмда, ер, сув ва бошқа ресурслар корхона , хўжалик ва фуқаролар томонидан бепул фойдаланилган. Бу таъмойилнинг нотўғрилиги шундаки, улардан фойдаланувчилар катта ҳажмда исрофгарчиликка йўл қўяр эдилар, ер ва сувни сифатини сақлаб қолиш тўғрисида қайғурмас эдилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда 60-80 йилларда суғорма ерларнинг талай қисми шўрланиш, эрозия, дефляция, қашшоқланишга мубтало бўлди. Ернинг табиий маҳсулдорлиги 1,5-2 баробар камайиб кетди. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида Орол денгизининг сатҳи 1961 йилдан эътиборан пасайиш йўналишга ўтди, сувнинг ифлосланиши туфайли қишлоқ аҳолиси турли касалликларга чалина бошлади, суғорма ерлар шўр сув билан суғорилиши натижасида тупроқ шўрланиши кучайди ва бошқалар. Бу салбий ҳодисалар учун ҳеч ким жавобгарликка тортилмас эди. Ер ва сувдан экстенсив фойдаланиш оқибатлари экологик вазиятни жиддийлаштирди, ўз навбатида бу аҳвол иқтисодий самарадорликни пасайишига олиб келди.

Пуллилик тамойили негизида табиий ресурсларни иқтисодий (қиймат) баҳоси туради. Кўпгина хорижий мамлакатларда табиий ер фонди учун табақалашган тарзда ер эгаларидан солиқ ундирилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳали бу даражага эришилганича йўқ, чунки ер маълум кўрсаткичлар асосида ўз баҳосига эга бўлиши керак, бошқача айтганда ер кадастри ишлаб чиқилган тақдирда солиқлар ўта табақалашган имконга эга бўлади, ҳозир бу йўналишда мамлакат миқёсида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ерни хусусан суғорма ерни пул билан баҳолаш ишлаб чиқаришда уни бошқа ресурслар ёрдамида солиштиришга имкон беради, бу ҳол ернинг мелиоратив ҳолати бузилиши, уни турли қурилиш объектлари учун чегириб олиш, муомаладан чиқиб кетиши, экин экмай қолган йил зарари ва бошқа оқибатларни сар-ҳисоб қилишга имкон беради.

Ернинг ишлаб чиқариш баҳосини аниқланиши ва уни деҳқонлар, фермерларга, хуллас барча тоифадаги фойдаланувчиларга маълум муддатга берилиши аввало ундан самарали фойдаланиш тамойилига тўлиқ амал қилинишига имкон беради. Фойдаланувчи ернинг мелиоратив ҳолатини мунтазам аъло даражада бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади, ерни турли табиий ҳодисалар таъсирида муомаладан чиқиб кетишининг олдини олинади, ундан иложи борича максимал фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бошқача айтганда ер ҳақиқий ўз эгасини топади.

Табиий ресурслардан пуллилик йўлига ўтилиши бир қанча экологик ва иқтисодий вазифаларни ечишга имкон беради: 1. Улардан самарали фойдаланишга қизиқиш кучаяди; 2. Ресурсларни қайта такрор ишлаб

чиқариш учун қўшимча молиявий манбалар вужудга келади; 3. Қўшимча даромад миқдори ортиб боради.

Табиатдан фойдаланишни илмий жиҳатдан асослаш тамойили жамиятнинг экологик ва иқтисодий манфаатларини пухта ўйлаб иш тутишни, инсоннинг соғлом ва қулай ҳаёт тарзини вужудга келтиришнинг кафолатланишини таъминлайди. Табиатдан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишни илмий жиҳатдан асослаш иқтисодий механизмнинг бир қатор дастакларини ишга солинишига йўл очиб беради. Бу борада табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш ва баҳони вужудга келиши иқтисодий зарарларни ҳисоб-китоб қилиш, экологик ва ижтимоий оқибатларни ҳисоблаб чиқиш муаммолари эндиликда кескин бўлиб турибди.

Табиатдан фойдаланишни илмий жиҳатдан асослаш тамойили серқиррали, кенг миқёсли кўплаб фанлар илмий натижаларини биргаликда қўллашни тақозо этади. Бу борада табиий фанлар қатори иқтисодиёт, ҳуқуқ, тиббиёт ва бошқалар ҳам ресурслардан фойдаланишни ҳар томонлама асослашда фаол қатнашиши зарур. Бу фанлар таркибида география, геология, биология ва иқтисодиётнинг эришган илмий натижалари негизидан фойдаланиш тамойилини асослаш юқори самара беради.

Иқтисодий жавобгарлик тамойили табиатдан фойдаланишда кенг қўлланилади, чунки ҳар бир корхона, цех, жамоа хўжалиги, оилавий пудрат аъзолари, ҳар бир инсон ресурслардан фойдаланиш жараёнида табиатга етказган зарари учун жавобгардир.

Мажмуалилик тамойили табиат ресурсларидан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Бу таъмойил қазилма бойликлардан самарали ва тўлиқ ҳамда бошқа мураккаб хомашёларни хўжалик муомаласига киритишда, км чиқиндили ва чиқиндисиз технологияни тадбиқ этишда асқотади. Иккиламчи ресурсларни қайта ишлаш жараёнида мажмуалилик тамойилини қўлланиши катта иқтисодий самара беради. Лекин бу тамойилни мамлакат миқёсида ҳалигача тўлиқ қўллашга ўтилмаган.

**Назорат топшириқлари.**

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий тамойилларини изоҳланг.
-Тўлов яъни пуллилик тамойилини изоҳланг.
-Илмийлик ва иқтисодий жавобгарлик тамойилини тушунтиринг.
-Мажмуалилик тамойилини тушунтиринг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмини тушунтириш.
-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизм элементларини изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизми ва ҳозирги давр.
-Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизм элементлари хусусияти.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Иқтисодий рағбатлантириш моҳиятини ёритади.
-Экологик солиқлар мазмунини ифодалайди.
-Мажмуали экологик дастурлар хусусиятини изоҳлайди.

-Экологик суғурталаш мазмунини тушунтиради.

**2-асосий савол баёни.**

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва бу жараёнда атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ўзига хос иқтисодий механизми таркиб топган. У кўплаб турли элементлардан иборат, лекин ҳозирги юқори даражада такомиллашган деб бўлмайди, бозор ииқтисодиёти шароитида ушбу механизм борган сари яхшиланиб боради.

Табиий ресурсларни иқтисодиё баҳолаш ва баҳолар негизида табиатдан фойдаланишда пуллик йўлга ўтиш борган сари реаллашибборади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий механизмнинг айрим элементларини қўллаш табиатдан фойдаланишни такомиллаштириб боришда дастлабки қадам бўлади. Табиатдан фойдаланишда пуллик йўлга ўтиш экологик омилни иқтисодиётда янада кенгроқ қўллашга бойликлардан оқилона фойдаланишда кўмаклашади. Табиий ресурсларданфойдаланганлиги учун тўланадиган тўловлар икки турда бўлиши мумкин: 1. Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи учун; 2. Такрор ишлаб чиқариш ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш учун.

Табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи учун тўланадиган ҳақ ушбу ресурслар эгасига олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ҳол мутлақ рентанинг бекор қилиниши билан боғлиқ. Табиатдан фойдаланишда ҳақ тўлашни йўлга қўйилиши борасида жарималар ундириш жиддий самара беради, турли ресурслардан тўлиқ фойдаланмаслик, сув ва ҳавони ифлослантирганлиги учун санкциялар белгилаш кенг миқёсда амалга оширилиши керак. Суғорма ерларни шўрланиш эрозия ва дефляцияга берилишига имконият яратган ердан фойдаланувчиларга, айниқса, пестицидларни кўп ишлатгани, тупроқ сифатини пасайишига йўл қўйгани учун меъёрдан кўпроқ жарима солиш, ҳатто ҳаво ва сув ҳавзаларини ифлослантираётган корхона ва цехларни маълум муддатга ёпиб қўйиш ва катта ҳажмда жарима солиш амалий аҳамият касб этади. Атмосфера ҳавосини булғалайдиган автотранспортлардан фойдаланишни бутунлай тўхтатиш зарур. Жарима микдори қанчалик катта бўлса, унинг таъсири ҳам шунчалик жиддий бўлади.

**Иқтисодий рағбатлантириш** табиатдан фойдаланганлиги учун ҳақ тўлаш таъмойилига амал қилиниши натижасида атроф муҳитни янада кенгроқ миқёсда муҳофаза қилишга имкониятлар яратади. Бу тизимни амалиётга татбиқ қилиш ишлаб чиқарувчилар билан истъмолчилар ўртасида экологик жиҳатдан тўғри мувозанат вужудга келтиришга ёрдам беради, бу ҳодиса талаб ва таклифни реал эътиборга олиш билан мустаҳкамланиб боради. Иқтисодий рағбатлантириш тизимига мутахассислар қуйидаги йўналишларни қўшишни таклиф қиладилар: имтиёзли солиқ солиш, ёрдам пули бериш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига имтиёзли кредит ажратиш, табиатни муҳофаза қилиш фондларини тезлаштирилган ҳолда амортизация қилиш, экологик жиҳатдан тоза бўлган маҳсулотларга рағбатлантирувчи баҳолар белгилаш, қўшиш ва бошқа тадбирлар.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларидан бири **экологик солиқлар** ҳисобланади. Солиқнинг бу тури дунё мамлакатларида

ўзининг экологик самарадорлигини кўрсатиб келмоқда. Уни кўпинча «яшил» солиқ ҳам деб аташади. Истиқболда бу солиқнинг янада кенг миқёсда ривожланиши учун барча асослар мавжуд. Экологик солиқлар асосан икки вазифани ҳал қилишга лаёқатли: Маҳсулотлар нархини уларни ишлаб чиқариш сарфларига нисбатан бир хилда бўлишлигини таъминлаш, атроф муҳитга етказилган экологик зарарлар ўрнини қоплпш мақсадида ифлослантирувчилар ҳисобидан уларни ундириб олиш. Экологик солиқлар экологик жиҳатдан мувозанатли ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантиришга ҳам хизмат қилади. Ишлаб чиқарувчилардан олинган пул маблағлари табиий муҳитни муҳофаза қилиш, айниқса, атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлайдиган турли самарадор мосламаларни корхоналарга ўрнатиш ва уларни мунтазам фаолият кўрсатишини таъминлашга хизмат қилади.

Корхона, транспорт, қурилиш объектлари, шахсларга солиқ тайинлашда уларнинг табиатни муҳофаза қилиш йўналишида олиб бораётган амалий ишларининг характерини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Юридик шахслар корхона, транспорт ва қурилиш объектларида табиий муҳитни ифлосланишини олдини олувчи тадбирларни мунтазам қўллаб келаётган бўлса улардан имтиёзли солиқ ундириш лозим. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот экологик жиҳатдан тозалиги билан ажралиб турса, бундай вазиятда енгилроқ солиқ тайинлаш мақсадга мувофиқ, бу ҳол уларни иқтисодий ва экологик муҳит мусаффолигини янада барқарорлаштириш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди.

Аммо кохона ҳудудида тўпланиб бораётган иккиламчи ресурслардан уларни қайта ишлаш жараёнида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўғрисида қайғурилаётган, йехларда газ, ғубро, чангларни тутиб қолувчи турли мосламалар ўрнатиш ва мавжудлари самарадорлигини ошириш, оқава сувларни дарё, сув омборлари, каналларга муттасил ташлаб келаётган саноат ва қурилиш корхоналарига нисбатан солиқ солиш ҳажмини оширилган миқдорда тайинлаш жиддий самара беради. Ўзбекистонда бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Солиқ имтиёзлари, умуман солиқ ҳажмини белгилашда корхоналарни икки гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ:

-табиатни муҳофаза қилувчи, экологик жиҳозлар, материаллар ишлаб чиқарувчи ҳамда экологик хизмат кўрсатувчи давлат, давлат акционерлик, хусусий корхоналар;

-экологик жиҳатдан жуда хавфли ҳисобланган ишлаб чиқарувчи, ҳаво ва сувни мунтазам заҳарли моддалар билан булғаб келувчи, пестицидлар, сифатсиз ёқилғи тайёрловчи, энергияни кўп миқдорда талаб қилувчи корхоналар. Биринчи гуруҳга мансуб бўлган корхоналарга имтиёзли экологик солиқлар белгилаш ҳақиқатга тўғри келади, иккинчи гуруҳга кирувчи корхоналарга нисбатан оширилган солиқ ҳажмини тайинлаш айни муддао. Бошқа жиҳатдан бу гуруҳдаги корхоналарнинг йиллик даромадлари ҳам ишлаб чиқилган маҳсулот турларига қараб анча юқори.

Хорижий мамлакатларда экологик солиқлар кўпинча мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилади. Бу жиҳатдан АҚШда «яшил» солиқларга алоҳида аҳамият берилади. 1989 йилда фреонларни ишлаб чиқаришни камайтириш мақсадида (фреон озон қатламини бузишда фаол таъсир этувчи кимёвий бирикма) уларни сотишга қарши корхоналарга солиқ солиш таъсис этилди. Саноатда фреонни ўрнига бошқа кимёвий воситани ишлаб чиқариш билан алмаштиришни тезлатиш учун солиқ вақт мобайнида прогрессив ўсиб борувчи шаклда тайинланди. Аввалига, ҳар кг фреон учун 3,02 доллар, 1995 йилад-6,83, 1999-йилда-10,82 доллар тайинланган. Ҳисоб китоблар натижасига кўра АҚШда «яшил» солиқларни чегараланган тарзда белгиланишига қарамай федерал бюджет учун йилига 100 млрд. доллар даромад қилиш имконини беради.

Табиий муҳитни ифлосланишини олдини олиш мақсадида ва экологик вазиятларни қулай ҳолда сақланишини барқарор таъминлаш учун биосферани турли чиқиндилар билан энг кўп булғаётган корхоналарга чиқинди номи билан аталадиган солиқлар белгилаш пайти келди. Яқин келажакда кўпгина мамлакатларда «углерод» солиғини таъсис этиш мўлжалланмоқда, бунга сабаб минерал ёқилғи-кўмир, нефть маҳсулотлари, табиий газ, сланец ва бошқаларни  кўп миқдорда ёқилиши туфайли атмосфера ҳавоси борган сари ифлосланиб бормоқда. Ер куррасини кенг кўламда исиб бориши «иссиқхона самараси», углерод чиқиндиларини чиқаришни камайтириш мақсадида давлат раҳбарларининг қўл қўйган халқаро шартномалари бундай экологик солиқни кўпгина мамлакатларда қўллашни заруратга айлантирмоқда. Бундай солиқ Голландия ва Финляндияда амалда қўлланилмоқда. Углерод солиғини ҳатто энг кам миқдорда белгиланиши катта ҳажмда маблағ тўпланишига олиб келади. Атмосферага чиқарилаётган углерод гази учун ҳар тонна чиқиндига 10 доллар солиқ деб белгиланганда ривожланган мамлакатларда йилига қўшимча 25 млрд доллар йиғилиши мумкин. АҚШда углерод солиғини ҳар тонна чиқиндига 100 доллар деб белгиланиши таклиф қилинмоқда. Бу ҳолда йилига 140 млрд доллар бюджетга қўшилиши мумкинлиги башорат қилинмоқда.

Экологик солиқни табақалашган тарзда тадбиқ этиш самарали бўлишини мутахасислар эътироф этишмоқда. Масалан турли ёқилғи энергетика ресурсларига солиқ солишда уларни турига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Энг юқори экологик солиқ кўмирга белгиланиши лозим,чунки ундан энг кўп углерод чиқиндиси ажралади,энг кам солиқ миқдори табиий газга тўғри келади.

Истиқболда углерод солиғини тадбиқ этилиши мамлакатларда кўмирни ёқилғи сифатида ишлатишни борган сари камайишига ижобий таъсир этади. Бу ҳол кўмир ўрнига унга муқобил бўлган вариантларни излашга жазм қилади,айниқса ,Қуёшва шамол, океан ва денгизлар сувининг кўтарилиши ва қайтиши энергиясидан фойдаланиш борган сари кенгайиб бормоқда.

Халқ хўжалигини ривожлантириш учун давлат ёрдам пули (субсидия) эндиликда тубдан такомиллаштиришга муҳтож. Давлат томонидан

ажратиладиган субсидия табиатдан фойдаланишда экологик мувозанатни барқарорлаштиришга сарф қилиниши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга жуда катта таъсир этади. Хозирда ажратилаётган субсидиялар табиат муҳофазаси кўзламаган тарзда амалга оширилмоқда ёки анти экологик аҳамиятга эга. Бу айниқса,тоғ-металлургия,энергетика,кимё,кўмир саноати ва бошқа тармоқларда аниқ ифодаланган. Собиқ совет хокимияти даврида янги маъдан конларини очиш, иқтисодиёт ва коммунал энергияни кўплаб талаб қилувчи технология, қишлоқ хўжалигида кўплаб пестицидлар, минерал ўғитлар,оғир қишлоқ хўжалиги техникасини қўллаш,янги ерларни очишга кўплаб маблағ ажратилар эди,лекин табиат мухофазаси ишларига давлат хисобидан капитал маблағ ажратиш жуда ҳам кам миқдорни ташкил қилар эди.

Бахтга қарши аввалги пассив экологик сиёсат баъзан хозир ҳам учраб туради. Иқтисодиётда аввал ишга туширилган йирик энергетика объектларининг ишлаб чиқариш хажмини ошириш учун тегишли субсидиялар берилиб турибди,уларининг самарадорлиги ва экологик жихатдан тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга аҳамият етарли эмас.

Табиатдан фойдаланишнинг иқтисодицй механизми тизимида табиий муҳитни ифлослантиргани учун тўлов муҳим аҳамият касб этади. Бу тўловлар корхона ва ташкилотларнинг ўз ишлаб чиқариш фаолиятида атроф муҳитга етказилаётган зарарларни ўрнини қоплаш учун сарф қилиниши назарда тутилади. Лекин аслида табиатни бузувчилардан келаётган тўловлар хажми экологак вазиятни яхшилаш учун сарф қилинаётган барча харажатларнинг фақат бир қисмини қоплайди,холос. Атроф муҳитни ифлослантиргани учун тўланадиган тўловлар ифлослантирувчи-корхоналарга жазо воситаси бўлиб «ифлослантирувчи тўлайди» тамойилини амалга ошириш йўлидир.

Россияда дунё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб табиий муҳитни ифлослантиргани учун тўловлар расмий равишда белгиланди. Бунда уч хил тўлов тайинланган: 1) атмосфера хавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаргани учун; 2) сув объектлари ёкм жой релъефига ифлослантирувчи чиқиндиларни чиқаргани учун; 3)чиқиндиларни жойлаштиргани учун.

Атроф муҳитга бўлган таъсир даражасига кўра мутахасислар тўловларнинг икки меъёрдаги турини ажратадилар:

-рухсат этилган хажмдаги чиқиндилар учун;

-руҳсат этилган миқдордан оширилган чиқиндилар учун.

Биринчи турдаги тўлов хажми меъёрдалиги билан тавсифланади, иккинчи турдаги тўлов бир неча марта кўплиги билан характерланади. Бринчи турга оид чиқиндилар гарчи кам миқдорда бўлсада, лекин чиқариб турилгани туфайли атроф муҳит потенциал ифлосланиб боради. Меъёрдаги тўловлар корхона ишлаб чиқараётган махсулот қийматига қўшилиши мумкин, демак уни истеъмолчи тўлайди, лекин меъёрдан ортиқ чиқинди учун тўланадиган тўловлар корхоналар хисобидан тўланиши керак.

Тўловларнинг бу шаклда ташкил қилиниши ишлаб чиқарувчиларни Атроф муҳитга чиқараётган чиқинди ҳажмини камайтиришга ундайди, демак

кам чиқиндили технологияни татбиқ этишга ҳаракат қилина бошлайди. Бу йўл ҳам табиий муҳитни ифлослантиришни камайтириш йўналишидаги уринишлардан бири, лекин унинг самараси етарли даражада катта. Чунки, корхоналар чиқинди чиқаришни қандай қилиб камайтириш тўғрисида ҳаракатда бўладилар.

Табиат муҳофазасини молиялаштириш учун бюджетдан ташқаридаги экологик фондлар (пул маблағлари) муҳим аҳамиятга эга. Бундай фондларни ташкил қилиш табиий муҳитнинг энг оғир экологик вазиятдаги объектлар, сув ва ҳаво ҳавзаларини жиддий даражада ифлосланган ҳудудлар, аҳоли саломатлиги танг бўлган жойларнинг аҳволини тубдан яхшилаш ишларига сарфлашда асқотади. Умуман олганда экологик фондларнинг вазифаси қуйидаги устивор долзарб муаммоларни ечимига қаратилади: 1. Атроф муҳит ҳолатини яхшилаш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган дастурлар ва илмий-техника лойиҳаларини молиялаштириш ва кредитлаш; 2. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва дастурлари учун молиявий ресурсларни сафарбар этиш; 3. Оқилона ташкил қилинган табиатни муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш, экологик жиҳатдан тоза технологияни татбиқ этиш; 4. Экологик тарбия ва таълимни тараққий қилдириш учун кўмаклашиш.

Экологик фондлар манбаини асосан корхоналарнинг чиқинди чиқарганлиги, ифлослантирувчи моддалар ташланганлиги, чиқиндилар жойлаштирганлиги, авария натижасида табиий муҳитни ифлосланганлиги учун жарима тўлови, корхоналарни табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлиги учун вужудга келган экологик зарарни ўрнини қоплаш маблағи, ихтиёрий взнос ва бошқалар ташкил қилади. Буларни ичида атроф муҳитни ифлослантирганлиги учун тўланадиган тўловлар улуши 80% дан кўп бўлишлиги амалда тасдиқланган. Ўзбекистонда табиий ресурсларга зарар етказиш, ўрмонларни кесиш, ов қилиш маън этилган вақтда овчилик билан шуғулланиш, ҳавзаларда балиқларни кўплаб махсус воситалар билан тутиш (тўр, портлатиш, электр токи ва бошқ), доривор ва техник хомашё берувчи гиёҳларни йиғиш, номи «Қизил китоблар»га тушган ўсимлик ва ҳайвонларни йиғиш, овлаш ва бошқа зарар келтирувчи фаолиятлар учун жуда ҳам кам жарима солинади, бундан фойдаланган браконьерлар қўрқмасдан ўз ишларини бемалол давом эттира верадилар. Агар жарима солиқлари ва бошқа турдаги тўловлар миқдори оширилса қонунбузар анча зарар кўради, табиатни муҳофаза қилувчилар кўпроқ маблағ тушумига эга бўларди. Бу борада ташкилий ишлар такомиллаштирилиши зарур.

**Мажмуали экологик дастурлар** мамлакат ҳудудидаги кескин вазият таркиб топган ва ҳалокатли ҳодисалар ривожланиши мумкин бўлган жойларда умумий аҳволни юмшатиш, пировардида қулай шароитларни қарор топтиришга қаратилган бўлади. Уларнинг амалга ошириш миқёсига кўра халқаро, мамлакат ва ҳудудий даражада бўлиши мумкин. Экологик дастур ҳудуднинг экологик жиҳатдан таркиб топган вазият даражасига кўра кўп профилли, мажмуали ва мақсадга мувофиқ йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Уни амалга ошириш муддати ҳам белгиланган босқичлар

(йиллар) сони ва кўламига боғлиқ. Масалан, Орол ва Оролбўйи экологик дастури кўп йилларга мўлжалланган бўлиб, бир-бирлари билан боғлиқ бир неча босқичларга асосланиши мумкин.

Дастурни амалга оширишда давлатнинг роли кўпроқ бўлади, чунки ресурсларни тез фурсатда тўплаш зарурлиги, муаммонинг мураккаблиги, иқтисодий самарадорликни ноаниқлиги тўғридан-тўғри бошқарувни тақозо этади. Баъзи ҳолларда чет эл инвестицияларидан ҳам фойдаланиш имкониятлари вужудга келади. Ўзбекистонда мақсадга мувофиқ йўналтирилган экологик дастурлар қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш учун зарур:

-халқаро мажбуриятларни бажариш (озон қатламини муҳофаза қилиш, иссиқхона газларини ҳавога камроқ чиқариш, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш);

-суғорма ерлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан илмий асосланган ҳолда фойдаланиш, уларнинг сифатини яхшилаш ва бошқ;

-Оролбўйи ва Орол денгизи муаммосини ечиш;

-маҳаллий экологик муаммоларни ҳал қилиш (саноат шаҳарлари атрофида табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқ).

Табиий муҳитни муҳофаза қилишда кўп қўлланиладиган иқтисодий механизм турларидан бири гаров тизимидир. Дўконлардан аҳоли кўплаб турли маҳсулотларни харид қилади. Лекин маҳсулотлар махсус идишларда сотилиши туфайли харидор уларга ҳам бир йўла ҳақ тўлайди, маҳсулотдан фойдаланиш тугагандан сўнг бўшаган идишлар дўконга ёки махсус қабул пунктларига қайтарилса уларни қиймати харидорга қайтарилади. Бу билан атроф муҳитни бўш идишлар билан ифлосланиши камаяди. Хорижий мамлакатларда бу механизм аниқ йўлга қўйилган шиша, пластмасса, металл, қоғоз, ёғоч, газлама, сунъий материаллардан тайёрланган идишлар махсус пунктларда ёки дўконларда қайтариб олинади. Бу гаровга олинган идишларни қайтариб олиш тамойилини Ўзбекистонда ҳам қўллаш табиий муҳитни ифлосланишдан сақлашда фаол аҳамиятга эга бўлар эди, бошқа жиҳатдан мамлакат иқтисодиёти ҳам катта ҳажмда фойда олган бўлур эди.

**Экологик суғурталаш** мухандислик иншоотларининг техник бузилиши натижасида атроф муҳитни ифлосланиши, ҳалокатли ҳодисаларнинг юз беришини олдини олиш каби номатлуб ҳодисаларнинг содир бўлишини чеклайди. Нефть ва табиий газ қувурларининг ёрилиб кетиши натижасида катта ҳажмда экологик-иқтисодий зарар етказилиши барчага маълум, шунингдек, заҳарли кимёвий моддаларни вагонларда, автомобилларда ташилиши баъзан техник сабабларга кўра фалокатга олиб келади. Бундай хунук ҳодисалар содир бўлишини олдини олишнинг энг самарали усули ҳудуд ёки объектни экологик суғурталаш ҳисобланади. Бундай вазиятда корхоналар бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш тараддидуни жиддий амалга оширадилар, чунки акс ҳолда катта ҳажмда зарар кўришлари мумкин. Бинобарин, нефть маҳсулотли қувурлар тез-тез назоратда бўлади,

техник кам-кўстлар ўз вақтида таъмирланади, хуллас хавфсизлик кафолатланади.

Суғурта компанияларининг вужудга келиши бир неча иқтисодий масалаларни ечишга имкон беради: хавфсизлик учун турли тадбирларни амалга ошириш мақсадида корхоналарга маълум миқдорда пул маблағи ўтказилади, суғурта фондларида тўпланган пул маблағларидан самарали фойдаланиш даражаси оширилади, шунингдек бахтсиз ҳодиса юз берган ҳолда суғурта қилинган корхона, шахсий уй-жой фонди ва бошқа суғурта қилинган объектларга етказилган зарарни қоплаш учун тегишли пул маблағлари етказиб берилади.

**Назорат топшириқлари:**

-Иқтисодий рағбатлантириш моҳиятини ёритинг.
-Экологик солиқлар мазмунини ифодаланг.
-Мажмуали экологик дастурлар хусусиятини изоҳланг.
-Экологик суғурталаш мазмунини тушунтиринг.

**Илмий муаммолар.**

1.Иқтисодий рағбатлантириш ва Экологик солиқлар хусусияти.
2.Мажмуали экологик дастурлар элиментлари.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва бу жараёнда атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ўзига хос иқтисодий механизми таркиб топган. У кўплаб турли элементлардан иборат, лекин ҳозирги юқори даражада такомиллашган деб бўлмайди, бозор ииқтисодиёти шароитида ушбу механизм борган сари яхшиланиб боради.

**Мустақил таълим материаллари.**

1. Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари, Урганч, 1999.
2. Экономика и экология (под ред Н.Н.Агапова), М.Российская экономическая академия, 2000.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.
2.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

## XYIII.Мавзу. Табиатдан фойдаланишнинг экологик-иқтисодий ҳудудий бирлиги(2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Экология билан иқтисодиёт ўртасидаги алоқадорлик.
2.Экологик-иқтисодий тизим.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Экология, иқтисодиёт, экологик вазият, экологик шароит, релъеф, дарё дельтаси, конус ёйилмалар, экологик-иқтисодий тизим.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Экология билан иқтисодиёт ўртасидаги алоқадорлик ва унинг жиҳатлари.

2.Экологик-иқтисодий тизим мазмуни ва ҳозирги давр.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-Экология ва иқтисодиёт алоқадорлигини тушунтириш.
-Табиий яъни экологик шароит хусусиятини изоҳлаш.
-Ҳудуд ва хўжалик тараққиёти боғлиқлигини ёритиш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Экология ва иқтисодиёт алоқадорлиги муаммоси.
-Табиий яъни экологик шароит хусусияти ва ҳудуд хўжалик тараққиёти.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Экология ва иқтисодиёт алоқадорлигини таърифлайди.
-Табиий яъни экологик шароит хусусиятини изоҳлайди.
-Ҳудуд ва хўжалик тараққиёти боғлиқлигини ёритади.

**1-асосий савол баёни.**

Экология билан иқтисодиёт ўртасида боғлиқлик нимада? Экологик (табиий) вазият (шароит) иқтисодиётга таъсир этадими ёки аксинча, яъни иқтисодий аҳвол экологик шароитга таъсир этадими, булар ўртасида қандай яқинлик мавжуд? Экологик вазият ёки табиий шароит маълум чегараланган ҳудудда бир хил табиий хусусиятга эгалиги сабабли иқтисодий жиҳатдан ҳам деярли бир хил кўрсаткичга эга бўлишлиги аввалдан маълум. Чунки, бир хил табиий шароит мавжуд бўлган ҳудудда унга мос равишда бир хил ресурслар мос келади. Яъни, бир турдаги тупроқ унга мос ҳолда бир турдаги ер ресурсини, маълум ассоциациядаги ўсимликлар унга мос равишда шу турдаги ўсимликдан иборат яйлов турини мавжуд бўлишини тақозо этади ва бошқ. Шу жойнинг тупроқ, яйловидан фойдаланганда маълум қийматдаги даромад келиши маълум, бунда инсоннинг тупроқ ва яйловни маҳсулдорликларини оширишдаги хизматлари ўртача меъёрда деб ҳисобланган. Гектар ҳисобига экин маҳсулдорлиги ҳудуднинг барча қисмларида бир хил, яйловда ҳам шундай, деб олинган.

Табиий ёки экологик шароит мураккаблашиши ресурслар махсулдорлигини турлича бўлишлигига таъсир этади, бинобарин ҳудудда етиштириладиган экинлар маҳсулдорлиги шунга мувофиқ турличалиги билан тавфсифланади. Бунда иқтисодий самарадорлик ва даромадда ўзгаришлар содир бўлади. Тоқ олди текисликлари одатда тўлқинсимон текисликдан иборат бўлади: бу шаклдаги реълефда ботиқ кўринишдаги ер юзаси қаварик шаклдаги ер юзаси билан алмашиб келади. Дарвоқе, тўлқинсимон рельеф шаклида тупроқ ресурслари турлича маҳсулдорликка эга бўлади: қаварик кўринишдаги реъелфда доимо эрозия, ботиқда ёнбағирлардан ювилган тупроқ тўпланиши мунтазам юз беради, демак эрозия билан аккумиляция ҳодисалари ўзаро алмашиб келади. Ботиқ шаклдаги рельефда баъзан грунт сувлари сатҳи ер бетига яқинлашиб (1-3м) келади ва кўпинча тупроқда туз тўпланиши ҳодисаси ҳам содир бўлиши мумкин ёки гипс қатлами ер бетига яқин туради.

Юқоридаги тавсифдан маълум бўладики қаварик шаклдаги рельефда ювилиш содир бўлгани учун тупроқ қатлами юпқароқ ва дағал механик таркибли, шунингдек ёнбағирларда ирригация эрозияси: юзаки ювилиш,

арикчали ювилиш, промоина (чукур арик) кўринишдаги шакллар ривожланади. Бу ҳол тупроқни механизмлар билан ҳайдашда, экинларни суғоришда, ҳосилни йиғиштириб олишда маълум қийинчиликлар туғдиради. Тупроқнинг дағаллиги ва камроқ қалинликда бўлиши ўсимликларнинг ўсиш вегетациясига, илдиз ўсадиган қатламида намликни тўпланишига, бинобарин ҳосил тўплашига салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, экинларнинг меёрдаги вегетацияси қаварик рельеф шаклда юз бермайди, бу ҳол уларнинг ҳосилдорлигига таъсир этади, пахта ҳосилдорлиги текисликка нисбатан 5-10ц га, буғдой 10-15 ц га фарқ қилиши мумкин, демак олинадиган даромад ҳам шунга яраша камроқ бўлади.

Ботиқ рельеф шаклида экинларнинг вегетацияси меъёрдан ортиқча намлик, ёнбағирлардан ювилган тупроқ, минерал ўғит, пестицид, ҳисобига , шунингдек грунт сувлари сатҳининг яқин жойлашиши асосида юз беради. Бундай экологик шароит ҳам экинларнинг меъёрида ўсиши ва ҳосил тугиши учун жуда ҳам қулай эмас, пахта намликни кўплиги эвазига кеч етилиши мумкин, ғовлаб кетиш, бегона ўтларнинг тез ўсиши натижасида улар орасида қолиб кетиши мумкин. Демак, ботиқ рельеф шакли хусусан унинг тубида экинларнинг меъёрида ўсиши учун жуда ҳам қулай эмас.

Юқоридаги тавсифлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қаварик ва ботиқ рельеф шаклига эга бўлган текисликларда эрозия ҳодисасини барқарор бошқаришга эришиш, суғоишни изогипслар бўйича, яъни қияликка кўндаланг равишда ташкил этиш айни муддаодир. Суғоришни жойнинг рельеф шароитларига тўлиқ ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса экинларнинг ҳосилдорлигини юқори даражаларда бўлишига эришса бўлади, бу Ўзбекистон деҳқончилик тажрибасида бир неча марта амалда исботланган, тўлқинсимон рельеф шароитида гектаридан 30-40 ц пахта ҳосили олаётган бригадалар ва дала фермерлари бисёр.

Дарёларнинг делталарида ва конус ёйилмаларида суғорма деҳқончиликни ривожлантириш уларнинг литологик-геоморфологик хусусиятларига жуда ҳам боғлиқ. Одатда дельта ва конус ёйилмаларининг юқори қисмлари қалин дағал жинслардан иборат бўлгани учун грунт сувларининг ётиқ ҳаракати барқарор таъминланган бўлади ва тупроқда туз тўпланиши ҳодисаси юз бермайди, экинларнинг ҳосилдорлиги юқорилиги билан тавсифланади. Дельта ва конус ёйилмаларининг ўрта қисмида дағал жинсларнинг қумоқ, қумлоқ ва гилга нисбатан камроқ ва юпқароқ бўлиши грунт сувларининг ётиқ ҳаракатига нисбатан тик ҳаракати устун бўлишига сабаб бўлади, бинобарин тупроқда туз тўпланиши юз бера бошлайди, лекин бошқариш мураккаб эмас. Дельта ва конус ёйилмаларининг этак қисмларида механик таркиб оғир бўлган жинслар-қумоқ, қумлоқ ва гилнинг ўзаро алмашиб келишидан таркиб топганлиги туфайли грунт сувларининг ётиқ ҳаракати бутунлай таъминланган эмас, тик ҳаракат устиворлик қилади. Шунга мувофиқ тупроқда туз мунтазам ётқизилади. Ернинг туз балансини ростлаб туриш фақат зовур тизими ва қишки шўр ювиш асосида амалга оширилади.

Дарё дельталари ва конус ёйилмалари мисолида турли табиий шароитларга эга бўлган ҳудудларда экинлардан турлича ҳосил олиниши муносабати билан уларнинг иқтисодий рентабеллиги, самарадорлиги ва табақалашган даромад келтириши ўз-ўзидан маълум. Бу ҳудудларда бир кўрсаткичдаги маҳсулдорликка эга бўлишнинг иложи йўқ, чунки, бунда катта ҳажмда мелиоратив ва агротехник тадбирлар амалга оширилиши лозим бўлади. Иқтисодий жиҳатдан қараганда сарф-харажатлар чора-тадбирлар мажмуасига катта миқдорда тўпланади, даромад эса энг пастлиги билан тавсифланади. Дельтанинг юқори қисмидаги хўжаликлар сарф-харажатлар миқдори камлиги учун иқтисодий жиҳатдан рентабелли, қуйи қисмлардаги хўжаликлар рентабел бўлмаслиги мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин, яъни ҳар бир табиий жиҳатдан чегараланган ҳудуд (хўжалик доирасида) маълум табиий шароит (экологик вазият)га эга бўлган ҳолда унга хос иқтисодий кўрсаткич (рентабеллик, ҳосилдорлик, самарадорлик, даромад ва бошқа)ларга эга бўлади.

Ҳар қандай ҳудуд (табиий мажмуа) тузилмали динамик ва мелиоратив жиҳатдан мураккаблик даражасига мувофиқ хўжаликни ривожлантириш учун унга мос келувчи иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлади. Бошқача айтганда, ҳудудда хўжаликни юритиш учун қанчалик табиий (экологик) мураккаблик мавжуд бўлса, шунчалик иқтисодий сарф-харажатлар ҳам кўп бўлади ва ҳосилдорликдан олинадиган даромад ҳам шунга яраша бўлади. Буни тушиниш учун қуйидаги мисолни кўриб чиқиш кифоя.

Тошкент, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларининг 3 ва 4 террассаларида экинларни вегетацияси оддий бўз тупроқларда кечади. Грунт сувларининг ётиш ҳаракати барча жойларда тўлиқ таъминланган, бинобарин тупроқда туз тўпланмайди, грунт сувлари сатҳи барқарор равишда 10 м дан қуйида, фақат лёссимон ва лёсс жинсларда жойларда ирригайия эрозияси ривожланган. Тупроқда минерал ва органик ўғитлар меъёрида солинса ва беда алмашиб экиш ротацияси тартиб билан амалга оширилиб турилса, экинлардан олинадиган ҳосил (масалан, пахтадан гектарига 35-40 ц) чўғи юқори бўлишига барча имкониятлар мавжуд бинобарин, кўрсатиб ўтилган табиий комплекс (агроландшафт)ларни бошқариш учун ортиқча харажатлар сарф қилишни талаб қилмайди (агар сувнинг грунтга шимилишини олдини олиш ва суғориш техникасини такомиллаштириш, эрозияни олдини олиш каби тадбирлар эътиборга олинмаса). Бу ҳудудларда 1 ц пахта ҳосили етиштириш учун X сум сарф қилинади дейлик.

Қорақалпоғистон, Хоразм, Қоракўл, Бухоро (жанубий қисм), Қарши чўли, Мирзачўл, Жиззах чўли, Марказий Фарғона воҳаларида грунт сувларининг ётиқ ҳаракати амалий жиҳатдан таъминланган эмас, тик ҳаракат устиворлик қилади. Бинобарин, тупроқда тупроқда туз тўпланмайди, грунт сувлвари сатҳи барқарор равишда 1-3 м чуқурликда жойлашган. Туз тўпланишининг олдини олиш мақсадида зич (ҳар га майдонда 40-60 м ва ундан кўп, жойларда 75-150 га майдонда 1 та тик қудуқ) фаолият кўрсатиб турибди, қишда ҳар йили 1-2, жойларда 3-4 марта яхоб суви ҳисобига тупроқдаги тузлар мунтазам ювилади. Коллектор-зовур тармоқлари ҳар уч

йилда тозаланиши ва таъмирланиши шарт, тик зовурлар ҳам маълум муддатда профилактикадан ўтказилади ва асосан катта кучланишдаги электр токи асосида ҳаракатга келади. Ёпиқ зовурлар алоҳида назорат, таъмирлаш ва тозалашга муҳтож. Бинобарин, дарё этаклари ва 3 терассалардаги воҳаларда суғорма деҳқончиликни ривожлантириш энг мураккаб ва сарф-харажатларнинг кўплиги жиҳатидан юқори тавсифланган ҳудудларга нисбатан ҳар йили қўшимча капитал маблағларни таълаб этади. Бунда коллектор-зовур тармоқлари тизимида магистрал ва хўжаликлараро коллекторлар давлат, хўжаликлар ичидаги зовурлар эса хўжаликлар ҳисобига амалга оширилади. Машина канали асосида дарёлардан сув чиқариш ҳам давлат зиммасига тушади. Агарда барча сарф-харажатлар етиштирилаётган ҳосил ҳисобидан тўпланадиган бўлса, у ҳолда фойдалалик жуда ҳам кичик кўрсаткичга тўғри келади.

Юқорида тавсифланган 2 гуруҳдаги ҳудудларнинг табиий шароити (мелиоратив ҳолати, экологик вазияти)ни таҳлил қилиш натижаларига кўра уларнинг оддий тузилишига эга бўлган ҳудудлар бошқарув нуқтаи назардан ва мелиоратив тадбирларга кетадиган сарф-харажатлар жуда ҳам камлиги ҳамда рентабеллик ва даромаднинг катталиги билан ажралиб туради. Мураккаб тузилишга эга бўлган ҳудудлар мелиоратив тадбирларга сарф-харажатларнинг кўплиги билан характерланган ҳолда, рентабеллик ва даромаднинг энг пастлиги билан тавсифланади. Демак, табиатдан фойдаланишда экологик (табиий)-иқтисодий ҳудудий бирлик мавжудлиги амалда тасдиқланган.

**Назорат топшириқлари:**

1.Экология ва иқтисодиёт алоқадорлигини тушунтиринг.
2.Табиий яъни экологик шароит хусусиятини изоҳланг.
3.Ҳудуд ва хўжалик тараққиёти боғлиқлигини ёритинг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Экологик-иқтисодий тизим моҳиятини тушунтириш.
-Фация, урочиша, ландшафт ва ҳудуд моҳиятини изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ҳозирги шароитда Экологик-иқтисодий тизим асослари.
-Ишлаб чиқаришни жойлаштиришда Фация, урочиша, ландшафт ва ҳудуднинг афзалликлари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Экологик-иқтисодий тизим моҳиятини тушунтиради.
-Фация, урочиша, ландшафт ва ҳудуд моҳиятини изоҳлаб беради.

**2-асосий савол баёни.**

**Экологик-иқтисодий тизим.** Маълум табиий чегараланган ҳудуд ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан деярли бир хил умумий кўрсаткичга эга эканлиги юқорида асосланилди. Бошқача айтганда бундай ҳудудлар маълум экологик-иқтисодий тизим (ЭИТ)ҳосил қилади. ЭИТ нинг миқёси ва эгаллаган ҳудуди турлича, бунинг негизида бир қатор мезонлар мавжуд.

Уларнинг энг устивори экологик шароитнинг мураккаблиги ва инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгарганлик даражаси. Шунингдек хўжаликнинг ривожланганлик даражаси, аҳоли зичлиги, ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва бошқ. Шу жиҳатдан қараганда бундай ҳудудлар ландшафтнинг морфологик қисмлари: фация ва урочишчага мос келади. Ҳудуд мураккаблашганда ЭИТ миқёсига қараб ландшафт ёки табиий географик районга тўғри келиши мумкин. Маълум маънода ЭИТ интеграл геотизм (табиий-хўжалик)га мос келади (агар геотизм фация ёки ландшафт миқёсида тушинилса).

ЭИТ ларни фация, урочишча, ландшафт ва район миқёсида тушинилганда ҳудудда табиий шароит ва ресурслар, уларга қараб хўжалик соҳалари, пировардида иқтисодиётнинг мураккаблашиб боришидан дарак беради.

ЭИТ фацияга тўғри келганда ҳудуднинг шундай бўлаги тушиниладики, бунда бир шаклдаги рельеф ва унга мос келувчи грунт (жинс)лар таркиби, маълум тупроқ тури ва ўсимлик ассоциацияси ёки бир турдаги қишлоқ хўжалик экинлари мавжуд бўлади. Аллювиал текислик ва унга мос келувчи қумоқлар ёки қумлоқ тарқалган ҳудуд дарё терассасининг бирор участкасига мос келади, хўжалик жиҳатдан жамоа хўжалигининг бирорта бригадаси майдонига тўғри келиши мумкин (60-80 га). Бундай ЭИТ табиий шароит бир хусусиятли бўлгани учун иқтисодий кўрсаткичлар ҳам шунга мос равишда бир ўлчамли (параметрли) бўлади (пахта ҳосилдорлиги айтайлик гектарига ўртача 28 ц ни ташкил қилиши мумкин). Тупроқ шароити, грунт сувлари сатҳи ва минераллашув даражаси ҳудуд бўйича ўзгармаган ҳолатда бўлишлиги туфайли суғориш режими бир хил, яъни бир кўрсаткичдаги суғориш иеёрини талаб этади, бир хил даражада қуёш радиациясини олганлиги сабабли ғўзанинг очилиши ҳам бир вақтга тўғри келади. Бир хил табиий шароит бир турдаги мелиоратив, агротехник тадбирларга муҳтож бўлади. Буларнингбарчаси бир йўналишдаги ва ўлчамдаги хўжалик муомаласини ташкил этиш ва амалга ошириш учун қулай.

ЭИТ ҳудуд жиҳатданурочишчага тўғри келганда табиатдан фойдаланиш бироз мураккаблашади. Чунки экологик шароит хилма-хиллиги ортади, бир жойда турли шароит кузатилади. Бинобарин, хўжаликни юритиш учун ҳам маълум қийинчиликлар юзага келади. Бошқа томондан ҳудуднинг катталиги ҳам уни маълум участка ёки бригадаларга бўлган ҳолда хўжалик бошқарувини ташкил қилиш зарурлиги аён бўлади.

Урочишча одатда икки ёки ундан ортиқ фацияларни маконда ўзаро алмашиб келишидан ташкил топади. Демак, унинг доирасида турли хил табиий экологик шароит юзага келган бўлади, бу фациялар бир-бирлари билан ўзаро алоқада ва таъсирда бўлишликлари туфайли урочишча анча мураккаблиги ва ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Бундай вазиятда бу ҳудуддаги хўжаликни юритиш ўзига хос бошқарувни ташкил қилишни талаб этади, бошқарув ҳудуддаги аниқ табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилса ҳамма жиҳатдан ҳам самарали ва мақсадга мувофиқ бўлади.

Аллювиал текисликлар (Мирзачўл, Марказий Фарғона, Чирчиқ, Оҳангарон, Қашқадарё, Сурхондарёнинг қуйи ва юқори террассалари ва бошқ) одатда рельеф жиҳатидан жуда ҳам текис (тангенс альфа 0,001-0,009) бўлиши билан бирга жойларда пастқамликлар ва атрофдан билинар-билинмас кўтарилган баландликлар ва ботиқлар, баъзан қияликлар билан ҳам мураккаблашган бўлади. Бундай ҳолда деҳқончиликни мавжуд табиий шароитларни эътиборга олган ҳолда олиб бориш шарт, акс ҳолда хўжалик ерлари қисқа муддатда муомаладан чиқиб қолади,ҳар бир ҳудуд табиий жиҳатдан чегараланган релеф шакли фация миқёсида қаралса аллювиал текисликларда бир неча фациялар, улар негизида урочишчалар ажратишга тўғри келади.

Масалан, юза ботқ рельеф жиҳатидан туби ва атрофидаги ёнбағирларга ажралади, агар ёнбағирларнинг бирорта бўлаги қиялиги ёки ўйдим чуқурлиги ва бошқа хусусиятлари билан бошқалардан фарқ қилса у ҳолда улар ҳам алоҳида фация сифатида қаралади, бунда грунт таркиби ўзгарган тақдирда ҳам бошқа фация ажралиши керак ва бошқ. Юза ботқ ажратилаг фациялар таркиби билан биргаликда оддий урочишча ҳисобланади. Урочишчанинг хилма-хил табиий шароити унга мос келувчи суғорма деҳқончиликнинг турларини ривожлантиришни талаб этади. Бунда суғоришни тараққий қилдиришда суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, ем-хашак экинларни етиштириш ва бошқа тармоқларни мавжуд шароитга қараб жойлаштириш айни муддао.

Ёнбағирларда сувга эҳтиёжи камроқ бўлган экинлар экиш ва боғдорчиликда, тубида-сувни кўпроқ буғлантирувчи маданий ўсимликлар ўстиришда фойдаланиш яхши самара беради. Ёнбағирларда суғориш натижасида вужудга келган грунт сувлар тубда йиғилиб туз тўпланиш ёки ботқоқланиш жараёнлари кучайиши турган гап. Бундай шароитда зовур тизими ҳам ортиқча сувни ташқарига чиқариб юбора олмаслиги мумкин. Шунинг учун сувдан оқилона фойдаланиш тактикасини қўллаш, ер ресурсларидан шароитга қараб экинзорлар тузилмасини танлаш, алмашлаб экиш схемаларини жорий этиш, боғдорчилик, ўрмончилик, ем-хашак экинларини етказиб бериш ва бошқа тармоқларни ривожлантиришни мўлжалланган ҳолда уларни амалга ошириш зарур. Албатта, ер-сувдан фойдаланишда ҳар бир фацияга мос келувчи тадбирлар тизимини тадбиқ этиш ва мелиоратив иншоатларни энг юқори кўрсаткичларидан ишлата билиш лозим.

Ҳар бир фация маълум деҳқончилик тармоғига мослаштирилиши муносабати билан унинг ишлаб чиқариш потенциал имконияти ва у орқали иқтисодий самарадорлиги ҳамда рентабеллиги аниқланади. Иқтисодий самарадорлик айни табиий шароити бир хил бўлган ҳудуд бўйича ҳисобланса экинлардан олинадиган ўртача ва максимал ҳосилдорликнинг иқтисодий ҳисоб-китоблари ҳам ҳақиқатни обьектив акс эттиради. Бу борада табақалашган ер кадастри асос вазифасини ўтайди.

Урочишчалар ер ресурсларидан фойдаланиш тажрибаси ландшафт доирасида ер бойликларини хўжалик муомаласига киритишда асқотади.

Ландшафт бир неча оддий ва мураккаб урочишчалар мажмуасидан иборат мураккаб тузилма. Ландшафт ҳудуди ердан фойдаланиш жуда ҳам табақалашган ёки микрорайонлаштирилган бўлиши кўзланган мақсадга эришишга имкон беради. Бу борада ернинг мелиоратив ҳолати, тупроқнинг агротехник хусусиятлари, табақалашган табиий шароит эътиборга олинган ҳолда ер ва сувдан фойдаланиш тавсия этилади. Экинларнинг аниқ тузилмаси, ўт-алмашиб экиш схемалари, ихотазорлар, боғдорчилик майдонлари район планировкасининг бошқа обьектлари билан уйғунлашган ва режалаштирилган ҳолда бўлишини тақозо этади. Экологик ва иқтисодий негиз бирламчи ердан фойдаланиш объекти фацияга асосланиши лозим. Уларнинг қишлоқ хўжалик экинлари тузилмаси бутун урочишчалар ва ландшафт деҳқончилик тузилмасини ташкил қилади. Барча иқтисодиёт ҳисоб-китоблар шундан келиб чиқиши ҳақиқий рентабелликни белгилайди. Қўяверса, ЭИТ жамоа хўжаликлари чегарасини белгилаши мақсадга мувофиқ.

**Назорат топшириқлари:**

-Экологик-иқтисодий тизим моҳиятини ёритинг.

-Фация ва урочишча мазмуни ва моҳиятини ифодаланг.

-Ландшафт ва район хусусиятини изоҳланг.

**Илмий муаммолар.**

1.Бозор иқтисодиёти шароитида Экология ва иқтисодиёт.

2.Экологик-иқтисодий тизим ва унинг асослари.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Маълум табиий чегараланган ҳудуд ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан деярли бир хил умумий кўрсаткичга эга эканлиги юқорида асосланилди. Бошқача айтганда бундай ҳудудлар маълум экологик-иқтисодий тизим (ЭИТ)ҳосил қилади. ЭИТ нинг миқёси ва эгаллаган ҳудуди турлича, бунинг негизида бир қатор мезонлар мавжуд. Уларнинг энг устивори экологик шароитнинг мураккаблиги ва инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзгарганлик даражаси. Шунингдек хўжаликнинг ривожланганлик даражаси, аҳоли зичлиги, ресурслардан фойдаланиш имкониятлари ва бошқ. Шу жиҳатдан қараганда бундай ҳудудлар ландшафтнинг морфологик қисмлари: фация ва урочишчага мос келади. Ҳудуд мураккаблашганда ЭИТ миқёсига қараб ландшафт ёки табиий географик районга тўғри келиши мумкин.

**Мустақил таълим материаллари.**

1. Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари, Урганч, 1999.

2. Экономика и экология (под ред Н.Н.Агапова), М.Российская экономическая академия, 2000.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Ғуломов П Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.

2.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

## ХХ.Мавзу. Илмий-техника жараёни ва табиатдан оқилона фойдаланиш(2-соат).

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1.Илмий-техника тараққиёти ва атроф муҳит.
2.ИТТ унинг ишланмалари ва амалиёт.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Илмий техника тараққиёти, ИТТ йўналишлари, Экология, иқтисодиёт.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1.Илмий-техника тараққиёти жараёнида ишлаб чиқариш.
2.ИТТ нинг ижобий ва салбий томонлари.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

-ИТТ моҳиятини тушунтириш.
-ИТТ нинг ўзига хос томонлари изоҳлаш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

-Ижтимоий-иқтисодий сивилизацияда ИТТ жиҳатлари.
-Ижтимоий-иқтисодий формацияларда ИТТ таъсир доираси.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-ИТТ моҳиятини тушунтиради.
-ИТТ нинг ўзига хос томонлари изоҳлайди.

**1-асосий савол баёни.**

Илмий-техника тараққиёти (ИТТ) инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Инсон ИТТ ёрдамида тоғларни ўрнидан силжитиш, дарёлар йўналишини ўзгартириш, сунъий денгизларни яратиш улкан чўлларни маҳсулдор водийларга айлантириш қудратига эгадир. Кейинги йилларда инсоннинг ишлаб чиқариш–иқтисодий ва илмий-техникавий фаолияти улкан миқёсларга етди.

19-асрнинг охири ва 20 асрнинг ўрталарига қадар ижтимоий ишлаб чиқариш оқибатларининг атроф-муҳитга қай даражада таъсир кўрсатиши тўғрисида ҳеч ким ўйламаган ва бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган. 20 асрнинг ўрталаридан бошлаб ИТТ ҳамма соҳаларни қамраб олди, унинг атроф муҳитга бўлган таъсирини ўрганиш эса ҳаётий заруриятга айланди.

ИТТ табиатдан фойдаланиш борасида мисли кўрилмаган салбий оқибатларга олиб келди. Инсон ҳозирги кунда ўз имкониятларидан «такаббурлик» билан фойдаланиши, табиат қонунларига «рухсатсиз» аралашуви, хўжалик фаолияти натижасида уни ўзига мослаштиришга интилиши бунга яққол мисол бўлади.

Муаммонинг бошқа бир жиҳати борки, у баъзан кенг жамотачилик эътиборидан четда қолади. Бу илмий техника тараққиётининг табиатдан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш борасидаги ўрни ва ролини белгилаш муаммоларидир.

Бу муаммолар табиатни муҳофаза қилиш борасидаги билимларни ривожлантириш билан боғлиқ.

**Бунга қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатади:**

1.Кенг миқёсларда, асоссиз ва давлатнинг иқтисодий имкониятлари ва устивор талабларни эътиборга олмасдан илмий тадқиқотларни олиб боришга уриниш;
2.Илмий муассаса ва илмий ходимларнинг халқ хўжалиги, жамият ва фаннинг ривожланиши эҳтиёжларига нисбатан кам ҳаракатчанлиги ва бошқалар.

Мазкур ҳолатлар экологик ишланмалар учун ҳам хосдир. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунда табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг илмий асосланган ва самарали сиёсатини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада экологик муаммоларнинг сабаблари ва оқибатлари аниқ белгиланиши зарур бўлади. Бу борада атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг меъёрий актлари ва ишлаб чиқилаётган тадбирларда кўплаб омилларни ҳисобга олишни таъминловчи мажмуали тадқиқотларнинг олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади.

Табиатни муҳофаза қилиш мавзуларига оид тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника давлат қўмитасининг муҳим устивор йўналишлар бўйича Давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника давлат қўмитасининг дастури ва унинг «Экология» бўлими фаолият йўналишига кўра 10 йўналишда илмий-тадқиқот ишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларни амалга ошириш ишларига 36 та илмий-тадқиқот муассасалари, шу жумладан 11 та академик институтлар, 11 та олий таълим муассасалари ва 11 та тармоқ институтлари жалб этилган.

**Назорат топшириқлари:**

1.ИТТ моҳиятини тушунтиринг.
2.Мажмуали тадқиқотлар моҳиятини изоҳланг.
3.Фан ва техника қўмитаси дастурлари моҳиятини изоҳланг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-ИТТ тараққиёти ишланмаларини тушунтириш.
-Тадқиқотларни амалга ошириш натижаларини изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-ИТТ тараққиёти ва ҳозирги давр.
-Ҳозирги кунда тадқиқотларни амалга ошириш ва унинг асослари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-ИТТ тараққиёти ишланмаларини изоҳлайди.
-Тадқиқотларни амалга ошириш натижаларини ёритади.

**2-асосий савол баёни.**

Қуйидаги ишланмаларни яратиш ижрочиларнинг асосий мақсадлари сифатида белгиланган:
1.Атроф муҳитнинг потенциал хавфли омилларини экологик-гигиеник меъёрлаштириш асосида Ўзбекистон республикасининг экологик районлаштириш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

2.Заҳарли химикатлар, радионуклидлар ва оғир металлар ионлари билан заҳарланишни олдини олиш, табиий муҳитдан оқилона фойдаланиш тадбирларини ва илмий –техник асосларини ишлаб чиқиш;
3.Атроф-муҳитни умумдавлат мажмуали мониторингни концепцияси элементларини ишлаб чиқиш, флора ва фаунани сақлаш ва тиклаш.

*Тадқиқотларни амалга ошириш натижасида:*
1.Ичимлик сувининг сифати билан Оролбўйи аҳолисининг саломатлиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланди;
2.Атроф-муҳитнинг потенциал хавфли омилларининг экологик-гигиеник меъёрлари ишлаб чиқилди;
3.Геологик, гидрологик, қишлоқ хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича тематик экологик карталар тузилди;
4.Сувларни радионуклидлардан, оғир металлардан, пестицидлар ва феноллардан тозалайдиган мини тизимнинг намунаси яратилди, синаб кўрилди ва АҚШда сертификацияланди;
5.Ягона Осиё сув хўжалиги тизимини яратиш концепцияси ишлаб чиқилди;
6.Ўзбекистон республикаси ер усти сувларининг сифатига, улардан фойдаланиш имкониятларига қараб районлаштирилди, сувни муҳофаза қилиш тадбирларини оптималлаштиришнинг мезонлари ва чекловлари белгиланди;
7.«Ўзбекистон республикасида табиатни муҳофаза қилиш» илмий-маълумотнома атласи чоп этилди;
8.Сувларни тозалашнинг янги мажмуали усули (биомасса усули ва электр билан ишлов бериш усули) ишлаб чиқилди;
9.Иқтисодий-математик моделлаштириш асосида Ўзбекистон республикасида деҳқончиликни ривожлантиришнинг оптимал вариантларини танлаш тавсиялари ишлаб чиқилди;
10.Жанубий Оролбўйининг суғориладиган ҳудудларида ҳайвонот дунёсининг ов қилинадиган турларидан оқилона фойдаланишнинг илмий асослари ишлаб чиқилди;
11.Оролбўйининг сақлаш ва муҳофаза қилишнинг экологик талабларига мос равишда хавзани истиқболда ривожлантиришнинг оптимал вариантлари ишлаб чиқилди;
12.Марказий Осиё тоғлари устидаги азон қатламининг таркиби тадқиқ этилди.

Илмий-техника тараққиёти ютуқларини ва бу борадаги илмийишланмаларни табиатни муҳофаза қилиш соҳасига жалб этиш катта самара беради. Тадқиқотлар натижасида олинган ижобий натижалар кўп объектларда синовдан ўтказилди.

Масалан, Асака автомобиль заводи (сувларни химиявий учсулда тозалаш), «Хоразм ипаги» (чиқинди сувларни тозалаш), «Олмос» заводи (заҳарли мишякни тутиб қолувчи фильтрловчи қурилма), Оролбўйи (чўллашувнинг олдини олиш), Бухоро нефтьни қайта ишлаш заводида, Чирчиқ ГЭС лар каскадида, «Навоий азот» ишлаб чиқариш бирлашмаларида,

«Катекс» АЖ ва бошқаларга илмий тавсияларни ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этиш ишлари давом эттирилмоқда.

Ангрен ГРЕСида атмосферага зарарли чиқиндиларни чиқаришни қисқаришини таъминлайдиган янги усулнинг саноат –тажрибавий синови ўтказилди. Натижа самарали бўлди. Яъни олтингугурт диоксидини йилига 44,3 минг тоннадан 31 минг тоннагача ва азот оксидини 6,34 минг тоннадан 5,072 тоннагача қисқартириш имконини берди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида чиқинди газларни ёқиш натижасида $SO_2$, $P_2O_2$ни 10 мартта камайтиришга эришилди.

Хозирги кунда илмий ишланмалардан кутилаётган асосий мақсадлардан бири саноат чиқиндилари тўғрисида маълумотлар банкини яратиш хисобланади. Бундай маълумотлар саноат чиқиндиларини бир ерда тўплаш,сақлаш ва йўқ қилиш имконини беради.

Ўзбекистон республикаси флораси ва фаунасини муҳофаза қилиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. «Чинор ЭНК» нашриётида Ўзбекистон республикасининг «Қизил китоби» назр этилди. Чотқол биосфера ва «Жайрон» экомаркази ҳам қатор илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

**Назорат топшириқлари:**

-Ишланмаларни яратишда ижрочиларни вазифасини ёритинг.

-Тадқиқотлар натижаси ва уларнинг моҳиятини ёритиб беринг.

-Республика доирасида олиб борилаётган тадқиқотларни мазмунан ифодаланг.

**Илмий муаммолар.**

1.Бозор иқтисодиёти шароитида ИТТ ва атроф муҳит.

2. Фан техника тараққиёти ва инсоният цивилизацияси.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Илмий-техника тараққиёти (ИТТ) инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Инсон ИТТ ёрдамида тоғларни ўрнидан силжитиш, дарёлар йўналишини ўзгартириш, сунъий денгизларни яратиш улкан чўлларни маҳсулдор водийларга айлантириш қудратига эгадир. Кейинги йилларда инсоннинг ишлаб чиқариш–иқтисодий ва илмий-техникавий фаолияти улкан миқёсларга етди. 19-асрнинг охири ва 20 асрнинг ўрталарига қадар ижтимоий ишлаб чиқариш оқибатларининг атроф-муҳитга қай даражада таъсир кўрсатиши тўғрисида ҳеч ким ўйламаган ва бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган. 20 асрнинг ўрталаридан бошлаб ИТТ ҳамма соҳаларни қамраб олди, унинг атроф муҳитга бўлган таъсирини ўрганиш эса ҳаётий заруриятга айланди.

**Мустақил таълим материаллари.**

1. Қурбонниёзов Р., Сагдуллаев А., Абирқулов Қ. Иқтисодий экология асослари, Урганч, 1999.

2. Экономика и экология (под ред Н.Н.Агапова), М.Российская экономическая академия, 2000.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Ғуломов П Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.
2.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.

**XXI.Мавзу.Табиатдан фойдаланишдаги халқаро ҳамкорлик(2-соат).**

**Мавзу режаси (асосий саволлар)**

1. Табиатдан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик шакллари.
2. Халқаро молия ташкилотларининг атроф-муҳитни мухофаза қилиш борасидаги фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси.

**Мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчалар.** Халқаро ҳамкорлик, Халқаро молия ташкилотлари, ЕТТБ, ЖБ, ЖТТБ, парламентлараро ҳамкорлик, экологик товарлар.

**Мавзуга оид асосий муаммолар.**

1. Табиатдан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик шакллари.
2. Халқаро молия ташкилотларининг атроф-муҳитни мухофаза қилиш борасидаги фаолияти.
3. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро хамкорлик.

**1-савол бўйича ўқитувчининг мақсадлари.**

- Табиатдан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик шаклларини ёритиш.
-Глобал экологик муаммоларни тушунтириш.
-Ноосфера концепциясини изоҳлаш.

**1-савол баёнига оид муаммолар.**

- Табиатдан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик шакллари жиҳатлари.
-Глобал экологик муаммолар ва ҳозирги давр.
-Ноосфера концепцияси ва унинг хусусиятлари.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

- Табиатдан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик шаклларини ёритади.
-Глобал экологик муаммоларни таърифлайди.
-Ноосфера концепциясини изоҳлайди.

**1-асосий савол баёни.**

1. Глобал экологик муаммоларнинг замирида инсоният жамияти мавжудлигининг асоси бўлган ва жаҳон хамжамияти томонидан ечимини кутаётган глобал жараёнлар ва ходисалар ётади. Бу жойда айрим табиий ресурсларининг глобал мақомга эгалигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Буларга дунё океани (худудий сувлардан ташқаридаги экваториялар), атмосфера ҳавоси,антарктида, космос киради ва улардан оқилона фойдаланишда ҳамкорлик қилиш талаб этилади.

Экологик муаммоларни инсоният томонидан ҳамкорликда ҳал этилиши В.И.Вернадский томонидан ноосфера концепцияси доирасида, асримизнинг бошларида таъкидлаб ўтилган. Глобал ривожланишни моделлаштириш натижалари халқаро хамкорлик доирасида экологик

муаммоларни ечимини топишга барча давлатлар,миллатлар ва мамлакатлар жалб этилиши хаётий зарурият эканлигини тасдиқлади.

Шуларни назарда тутиб халқаро хамкорликнинг қуйидаги асосий йўналишларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

-Хўжалик фаолиятига тортилмаган,планетар экологик мувозанатни таъминловчи табиий тизимларни мухофаза қилиш;

-Табиий ресурслардан ва табиатнинг ассимилацион салоҳиятидан оқилона фойдаланиш;

-Халқаро экологик жавобгарликнинг самарали тизимини яратиш (шу жумладан,харбий харакатлар натижасида атроф-муҳитга етказилган зарар учун жавобгарлик).

Бу йўналишларни амалга ошириш турли тадбирларни амалга оширишни талаб этади,буларни ичида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

-Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга кўрсатадиган молиявий ва техник ёрдами;

-Ресурсларни сақлаш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш;

-Ижтимоий эхтиёжларни экологизациялаш,миллий иқтисодиёт таркибини қайта қуриш;

-Экологик тавсифдаги халқаро форумларда ва ташкилотларда вакиллик тизимларига эга бўлиш;

-Атроф-муҳитни мухофаза қилиш соҳасидаги халқаро жавобгарликнинг механизмларини яратиш;

-Экологик солиққа тортиш;

-Хамкорликда турли стратегиялар ва концепцияларни ишлаб чиқиш;

-Айрим табиий ресурслардан фойдаланишни оқилона меъёрларини белгилаш ва бошқалар.

**Халқаро хамкорлик қуйидаги шаклларда олиб борилади:**

**1.Парламентлараро хамкорлик-**қонунчилик фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлатлараро экологик муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида олиб борилади.

**2.Ижроия хокимиятлари ўртасидаги хамкорлик-**БМТ доирасида экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиришга йўналтирилган фаолиятдир.

**3.Конвенцион тибдаги хамкорлик-**алоҳида худудлар ва объектларнинг аниқ экологик муаммоларни ечишнинг умумий ёндашувларини топишни назарда тутади.

**4.Илмий-техник хамкорлик-**илмий тавсифдаги информацияларни алмашиш,табиатни мухофаза қилиш тадбирларини бирга ишлаб чиқиш,жихозларда мажмуали фойдаланиш,илмий лойихалар ва экспертизаларни амалга оширишни назарда тутади.

Бу асосий шакллардан ташқари атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро хамкорлик ижтимоий ташкилотлар,ишбилармон доиралар,халқаро экологик форумлар ва бошқаларни олиб бориш билан ҳам амалга оширилади.

Атроф-муҳитни мухофаза қилиш борасидаги халқаро хамкорликнинг яна бир шаклларидан бири – шартномалар тузиш ва бошқа халқаро келишувларни амалга оширишдир. Икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ва халқаро концепциялар турли мамлакатларнинг бу соҳадаги сайъи- харакатларини мувофиқлаштириш борасида амалга оширилади. Бундай вазиятда шериклар сифатида табиатни мухофаза қилиш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш борасидаги мафаатлари уйғун бўлган қўшни давлатлар иштирок этишади.

Табиатни мухофаза қилиш борасидаги халқаро хамкорлик тарихи хайвонот дунёси ресурсларидан фойдаланиш ва уни мухофаза қилишни тартиблаш билан бошланади. 1875 йилда Австро-Венгрия ва Италия қушларни мухофаза қилиш борасида декларация қабул қилинди. XX асрнинг охирида (1897-йил) Россия,Япония ва АҚШ тинч океанида денгиз мушукларидан фойдаланиш ва мухофаза қилиш борасида келишувни имзоладилар.

Биринчи халқаро конвенция 1882 йилда Парижда қишлоқ хўжалиги учун фойдали бўлган қушларни мухофаза қилиш мақсадида бир неча Европа мамлакатлари томонидан имзоланди.

Халқаро хамкорликнинг анъанавий соҳаларидан бири – балиқ,кит ва бошқа денгиз хайвонларини овлаш соҳаларидир. 1882 йилда шимолий денгизда балиқларни овлашни тартиблаш тўғрисида конвенция қабул қилинди. Хозир бу соҳага тегишли 70 дан ортиқ келишувлар имзоланган.

Жахон жамоатчилигининг эътиборини денгиз сувларини нефт билан ифлосланиши муаммолари доимо қизиқтириб келган. Шуни хисобга олиб, 1954 йилда Лондонда 20 мамлакат конвенция имзоладилар. Келишувга кўра,уни имзолаган давлатлар нефт ва нефт аралашмаларини денгизга (қирғоқдан 80-250 км гача бўлган худудларга) тўкмасликка келишиб олдилар. Бу соҳада яна кўп келишувлар имзоланди. Булар 1972 ва 1975 йиллардаги Лондон конвенцияси хисобланади. Мазкур хужжатга кўра чиқиндилар,қандай кўринишга эга бўлишдан (шу жумладан радиактив моддалар) қатъий назар,дунё океанига ташламасликка қатъий равишда келишиб олинди.

Давлатлараро келишувларнинг ичида атмосферада,космосда,сув ости ядро қуролини ишлатмаслик ва синамаслик тўғрисида 100 та давлат томонидан Москва шартномаси (1963 йил) имзоланди.

Собиқ СССР нинг ташаббуси билан табиий мухитга салбий таъсир кўрсатувчи хар қандай харбий харакатлардан воз кечиш тўғрисидаги доимий конвенция ҳам имзоланган.

Конвенцион типдаги тартиблашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – атроф муҳитга салбий оқибатлар келтирувчи ҳар қандай фаолият турларини чеклаш ва тартибга солиш борасида келишувларни имзоланишидир. Буларга хавфли юкларни ташиш бўйича конвенция (Женева 1889 йил) авариялар натижасидаги ифлосланишлардан зарар кўрганларга компенсациялар бериш (Париж 1989 йил) атроф мухит учун хавфли бўлган

фаолият натижасида етказилган зарар тўғрисидаги конвенция (Брюссель 1990 йил) ва бошқалар мисол бўлади.

1994 йилда иқлимнинг ва биологик турларнинг ўзгариши тўғрисидаги конвенсия шартномаси ва халқаро денгиз хуқуқи тўғрисидаги конвенсия кучга кирди (шартнома кўп мамлакатлар томонидан ратификация қилинган).

Яна бир муҳим хужжат- Монреаль протоколи хисобланади. У азон қатламини бузилишига олиб келувчи атмосфрага чиқарилаётган зарарли чиқиндилар-хлорланган ва фторланагн углеводородларни 2000 йилгача 50% га камайтириш (1987 йил) тўғрисидаги келишувларни ўз ичига олади.

Атмосферани мухофаза қилиш,биологик ранг-барангликни таъминлаш барча давлатларни бирдек қизиқтирадиган муаммо хисобланади. 1992 йилда биологик ранг-барангликни таъминлаш борасидаги конвенция қабул қилинган. Унинг энг катта ютуқларидан бири биологик ресурсларни давлатларнинг суверен мулки сифатида эътироф этади (давлатлар қайси табиий ресурслардан кўпроқ фойда кўрса,уларни мухофаза қилишга интиладилар). Бу конвенциянинг муҳим масалаларидан бири – давлатлар томонидан генетик ранг-барангликни сақлаш хисобланади. Конвенцияда катта генетик ранг-барангликка эга давлатлар бу ресурслардан тўлов асосида бошқа давлатларнинг фойдаланишга рухсат бериши масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Қабул қилинган келишувлар аниқ натижаларга ҳам олиб келади. Масалан,чегара худудларида атмосферанинг ифлосланишини олдини олиш тўғрисидаги конвенция (1979 йил) Европадаги атмосфера хавосининг ифлосланиш даражасининг камайишига олиб келди.

Умуман олганда давлатлар томонидан хозирги кунгача 178 келишувлар қабул қилинган. Уларнинг 2/3 қисми БМТнинг 1972 йилдаги инсон яшайдиган атроф муҳит тўғрисида ўтказган конференциясидан кейин қабул қилинган.

**Назорат топшириқлари:**

1.Табиатдан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик шаклларининг асосий жиҳатларини тушунтиринг.
2.Глобал экологик муаммолар ва ҳозирги давр моҳиятини изоҳланг.
3.Ноосфера концепцияси ва унинг хусусиятларини ёритинг.

**2-савол бўйича ўқитувчининг асосий мақсадлари.**

-Халқаро молия ташкилотлари моҳиятини тушунтириш.
-Халқаро алоқада Ўзбекистон иштирокини изоҳлаб бериш.

**2-савол баёнига оид муаммолар.**

-Халқаро молия ташкилотлари ва уларнинг фаолияти.
-Атроф муҳит доирасида халқаро алоқа ва унда Ўзбекистон иштироки.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

-Халқаро молия ташкилотлари моҳиятини таърифлайди.
-Халқаро алоқада Ўзбекистон иштирокини изоҳлайди.

**2-асосий савол баёни.**

Халқаро молия ташкилотлари-халқаро тикланиш ва тараққиёт банки,Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва жаҳон банки табиатни мухофаза қилиш фаолиятини ўзларининг устивор вазифаларидан бири деб биладилар.

ЕТТБ халқаро молия ташкиотларининг ичида биринчи бўлиб ўз фаолиятининг устивор вазифаларидан деб қуйидагиларни белгиладилар:

-Экологик сиёсатларни шакллантиришда,самарали хуқуқий ва меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишда,халқаро меъёрларга амал қилишда ва мониторингни таъминлашда,кадрлар тайёрлашда давлатларга атрофлича ёрдам бериш;

-Миллий экологик дастурларни бошқаришнинг бозор усулларини қўллашда хамкорлик қилиш;

-Экологик товарлар ва хизматлар бозори операцияларини ривожланишини,атроф мухит сифатини яхшилаш ва мухофаза қилиш борасидаги лойихаларни инвестициялаштиришни рағбатлантириш;

-Аҳолини,тадбиркорларни,банкирларни ва бошқаларни экологик дунёқарашни шакллантириш борасидаги дастурплар ва махсус лойихаларни ташкил этиш ва қўллаб қувватлаш;

-Экологик бахолаш ва режалаштириш,бошқариш,аудитлаш ва банк лойихалари ва операциялари мониторинги билан боғлиқ экологик тадбирларни амалга ошириш.

ЕТТБ нинг экологик сиёсатини амалга оширишнинг асосий дастаклари қуйидагилар:

-Атроф мухитни мухофаза қилиш сохасида татқиқотлар олиб бориш;

-Экологик дастурлар ва лойихаларни қўллашга йўналтирилган йўналтирилган техник ёрдам;

-Экологик лойихаларни молиялаштиришни таъминловчи кредитлар,кафолатлар,сармоялар ва хоказолар.

Банк ходимлари томонидан «экологик таъқиқ рўйхати» ишлабчиқилган.Унга кўра банк ва унинг молиявий шериклари «ген инжинерияси» лойихаларини атроф мухитга генетик материални тушишини олдини олиш,тақиқланган пестицитларни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишни молиялаштиришдан воз кечишлари лозим бўлади.

Банкнинг асосий эътибори ресурслардан ва энергиядан самарали фойдаланиш имконини берувчи объектларни сармоялашга қаратилади. Масалан, Маркази ва Шарқий Европадаги газда ишловчи элетростанцияларга ажратиладиган сармояларнинг орттирилиши, қўнғир кўмирда ишлайдиган электростанцияларнинг камайишига ижобий таъсир кўрсатади.

ХТТБ нинг ёрдами билан (заём бериши) билан атроф мухитни соғломлаштиришни сармоялашнинг миллий дастури таъсис этилган.Банк табиатни мухофаза қилишнинг айрим талабларини бажарган мамлакатлар учун махсус имтиёзлар беради,яъни банк уларнинг ташқи қарзларини бир

қисмини ўз зиммасига олади.Ана шу мақсадларда 1990 йил Жахон банки томонидан экологик фонд ташкил этилган.

Атроф мухитни мухофаза қилиш Ўзбекистон республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири хисобланади. Ўзбекистон табиатни мухофаза қилиш борасидаги ташқи сиёсатида:

-Орол денгизи хавзасида экологик вазиятни соғломлаштиришга;

-Ўзбекистон республикаси флораси ва фаунасининг генетик фондини сақлашга;

-Сув,ер ресурслари ва атмосфера хавосини ифлосланишини олдини олишга;

-Экологик хавфсизликни сақлаш;

-Хавфли чиқиндиларни,химиявий моддаларни атроф мухитга кўрсатадиган зарарли оқибатларини камайтириш;

-Азон қатламига салбий таъсир кўрсатувчи махсулотларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш;

-Табиий ресурслардан самарали фойдаланишга устивор ахамият берилади.

1995 – 1996 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида Орол денгизи муаммоларига бағишланган қатор семинарлар,йиғилишлар, конференциялар ўтказилди.

Қуйидагилар бунга мисол бўлади: Оролбўйи давлатларининг барқарор ривожланишига бағишланган БМТнинг халқаро конференцияси (Нукус сентябр 1995 йил) ўтказилди,унда Нукус декларацияси қабул қилинди ва Орол хавзасининг барқарор ривожланиши борасида халқаро конвенция яратиш борасида қарор қабул қилинди.

«Атроф мухитни тиклаш» бўйича ОБСЕнинг халқаро семинари (Тошкент-Урганч сентябр 1995) ташкил этилди ва унда атроф мухитни тиклашнинг аниқ тадбирлари белгиланди ва жахон хамжамиятининг бу жараёнда иштирок этишининг шакллари аниқланди.

Орол атрофидаги қуриётган ер усти ва сув экотизимлари ни бахолаш ва моделлаштириш бўйича халқаро семинари ташкил этилди.Унда ЮНЕСКО ва Германия фан ва технология федерал вазирлиги томонидан амалга оширилаётган лойиха натижалари таҳлил этилди ва уни давом эттиришга келишиб олинди.

Орол денгизи атрофида экологик барқарор ривожланиш бўйича ташкил этилган Халқаро семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон республикасининг Табиат давлат қўмитаси ва унинг илмий текшириш олийгохлари томонидан ЭНРИН лойихаси бўйича ЮНЕПГРИД-АРЕНДАЛ (Норвегия) ташкилоти билан «Ўзбекистон экологик информация тизими» тўғрисида лойиха ва доклад тайёрланди.

Япониянинг халқаро ривожланиш агентлиги хамкорлигида Ўзбекистоннинг Оролбўйи худудларидаги 6 та йирик шахарларнинг сув таъминоти тизими бўйича лойиханинг техник иқтисодий асоси ва асосий режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Швециянинг молиявий ёрдами билан мутасадди ташкилотларни сув сифатини яхшилашда қўл келадиган лабаратория жихозлари ва химиявий реактивлар таъминланди.

Жахон банки хомийлигида табиатни мухофаза қилиш ва Ўзбекистонни экологик ривожланишини таъминлаш борасида миллий дастур ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон:

Иқлим ўзгариши доирасидаги Конвенцияга (14 май 1993 йилдан);

Биоранг-баранглик тўғрисидаги конвенцияга (7май 1996 йилдан);

Хавфли юкларни чегара худудларида ташишни назорат қилиш борасидаги Базель конвенцияси ( 7 май 1996 йилдан);

Чўллашишга қарши кураш бўйича Конвенцияга (13 октябр,1995 йилдан) аъзо бўлган.

Бонн конвенцияси доирасида миграциядаги сувда сузувчиларни мухофаза қилиш бўйича Халқаро келишув имзоланди.

Ўзбекистон республикаси Давлат табиат қўмитаси конвенцияларда имзоланган мажбуриятларни бажариш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

Азон қатламининг бузилишига олиб келувчи зарарли моддаларни инвентаризация қилмоқда. Вена конвенциясида,Монреал протоколи доирасида азон қатламини мухофаза қилиш бўйича миллий дастурни тайёрламоқда.

Биоранг-баранглик конвенцияси доирасида биоранг-баранглик сақлашнинг миллий дастури ишлаб чиқилмоқда.

Хозирги пайтда хукумат томонидан Ўзбекистон республикасини БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси конвенцияларига қўшилиш масалалари ҳал этилмоқда:

Чегара худудларида атроф мухитга таъсирини бахолаш тўғрисида (Экспо 1994 йил);

Чегара худудларида катта масофаларда хавонинг ифлосланиши (Женева 1979 йил);

Саноат халокатларининг чегара худудлари бўйлаб таъсири (Хелсинки 1992 йил);

Чегара худудларида сув ва кўлларни мухофаза қилиш (Хелсинки 1992 йил).

Ўзбекистон республикаси табиатни мухофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш ва икки томонлама хамкорлик тўғрисида жуда кўп шартномаларни имзолади. Буларга Туркия Республикаси билан (8май 1996 йил), Хитой халқ республикаси билан (11 декабр 1996 йил). Нидерландия қироллиги, Венгрия,Словакия Республикаси, Исроил, Люксенбург, Литва давлатлари билан шартномалар имзоланиш ният қилинмоқда. Ташқи ишлар вазирлигининг Германия ва Европа иттифоқи билан табиатни мухофаза қилиш сохасида хамкорлиги тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси табиат давлат қўмитаси халқаро экологик кенгашнинг асоси хисобланади. Халқаро экологик кенгаш ташкил этилгандан

буён 8 та сессия ўтказилди. Уларда экология соҳасига оид келишувлар ва низомлар қабул қилинган.

МДҲ давлатлари доирасида ҳам кўп икки томонлама келишувлар имзоланган. Уларга Тожикистон, Қозоқистон, Қирғизистон, Туркманистон, Грузия билан имзолинган шартномалар мисол бўлади. Украина ва Белоруссия билан икки томонлама шартнома имзолашга келишиб олинган. Ўзбекистон,Қозоғистон,Қирғизистон республикалари билан уч томонлама шартнома имзоланган.

2002 йилда БМТ ер Хартиясини тасдиқлишни мўлжалламоқда. Бу хартианинг биринчи мухокамаси Тошкентда барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистон республикасининг комиссияси томонидан ўтказилган. Бу хартия ўз олдига хавфсиз ривожланиш,экотизимларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, атроф мухитга бўладиган салбий таъсирга йўл қўймаслик ва хоказоларни кўз олдига мақсад қилиб қўяди.

**Назорат топшириқлари:**

-Халқаро молия ташкилотлари ва уларнинг фаолиятини ёритинг.

-Атроф муҳит доирасида халқаро алоқаларни ёритиб беринг.

-Республика доирасида олиб борилаётган экологик тадқиқотларни мазмунан ифодаланг.

-Республиканинг ҳозирги кундаги экологик аҳволини изоҳланг.

**Илмий муаммолар.**

1. Табиатдан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик шакллари.
2. Халқаро молия ташкилотларининг атроф-муҳитни мухофаза қилиш борасидаги фаолияти.
3. Ўзбекистон Республикаси ва халқаро хамкорлик.

**Асосий хулосалар ва уларни мустаҳкамлаш.**

Экологик муаммоларни инсоният томонидан ҳамкорликда ҳал этилиши В.И.Вернадский томонидан ноосфера концепцияси доирасида, асримизнинг бошларида таъкидлаб ўтилган. Глобал ривожланишни моделлаштириш натижалари халқаро хамкорлик доирасида экологик муаммоларни ечимини топишга барча давлатлар,миллатлар ва мамлакатлар жалб этилиши хаётий зарурият эканлигини тасдиқлади. Халқаро молия ташкилотлари-халқаро тикланиш ва тараққиёт банки,Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва жаҳон банки табиатни мухофаза қилиш фаолиятини ўзларининг устивор вазифаларидан бири деб биладилар.

**Мустақил таълим материаллари.**

1. Қурбонниёзов Р, Сагдуллаев А, Абирқулов Қ Иқтисодий экология асослари, Урганч, 1999.

2. Экономика и экология (под ред Н.Н.Агапова), М.Российская экономическая академия, 2000.

**Мавзуни ўзлаштириш учун тавсия этиладиган адабиётлар.**

1.Ўзбекистон республикаси конституцияси. Т:. Ўзбекистон, 1992.

2.Каримов И.А. Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон, 1998.

3.Алимов Т.А.Рафиқов А.А. Экологик хатолик сабоқлари. Т. Ўзбекистон, 1991.

4.Банников А.Г и др Основи экологии и охрана окружаюшей среди. М. Колос. 1999.
5.Гирусов Э.В. и др Экология и экономика природопользования, М. ЮНИТИ,1998.
6.Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик, Т.Университет,1998.
7.Рўзиев А., Абирқулов Қ. Ўзбекистон иқтисодий географияси. Т Шарқ, 2001.
8.Турсунов Х Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. Ўзбекистон, 1997.
9.Тўхтаев А.С. Экология. Т. Ўқитувчи, 1998.
10.Шилов И.А. Экология. М. Вис.школа. 1998.
11.Шодиметов Ю Ижтимоий экологияга кириш.Т.Ўқитувчи.1994.
12.Ғуломов П. Жуғрофия атамалари ва тушунчаларининг изоҳли луғати. Ўқитувчи, 1994.
13.Абирқулов Қ., Рафиқов А., Ҳожиматов А. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Т.2002. ТДИУ.